

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

СТАТИСТИКА

ЙЎНАЛИШИ

«МОЛИЯВИЙ ДАСТУРЛАШ»

МОДУЛИ БЎЙИЧА

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й
М А Ж М У А**

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил _____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТДИУ доценти, и.ф.н. Набихўжаев А.А.,
ТДИУ доценти, и.ф.н. Абдурахманов А.Д.

Такризчилар: Қ.Юнусов - Тошкент Халқаро Весминстер Университети, PhD.,
З.Аскарлов Тошкент Халқаро Весминстер Университети, PhD

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201__ йил _____даги _____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари. 10	
III. Назарий материаллар.....	15
IV. Амалий машғулот материаллари.....	60
V. Кейслар банки	66
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	80
VII. Глоссарий.....	82
VIII. Адабиётлар рўйхати	88

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида “...таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шакллари жорий этиш асосида янада такомиллаштириш” асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган.¹

Дастур доирасида берилган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйилган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйилган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 21 апрел.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Молиявий дастурлаш” модулини ўрганишдан **мақсади** статистика мутахассисларида дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни халқаро амалиётда қўлланиладиган макроиқтисодий барқарорлаштириш услубияти, макроиқтисодий сиёсатнинг турли йўналишларини ўзаро уйғунлигини таъминлаш йўллари билан таништириш ва натижада уларни иқтисодий ўсишни таъминлайдиган ва ўзаро узвий боғланган белгиланган мақсадларга эришиш йўлларини танлашга ўргатиш ҳисобланади.

“Молиявий дастурлаш” модулининг **вазифалари:**

- Тингловчиларга молиявий дастурлаш ҳақида илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш;
- Молиявий дастурлаш, унинг бўғинлари бўйича олиб борилаётган ислохотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиб бериш
- Тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;
- Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий кўрсаткичларни қисқа муддатга башорат қилишда (одатда бир йилга), даставвал макроиқтисодий агрегатларга (ЯИМнинг реал ўсиши, инфляция даражаси, йиғма бюджет ва тўлов баланси камомати ҳамда пул-кредит статистикасининг кўрсаткичлари) аниқланган мақсадни ифодаловчи параметрлари белгилаб олишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Молиявий дастурлаш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Молиявий дастурлаш борасида мавжуд ҳолат ва юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш йўлларини билиши борасида **билимларига эга бўлиши;**

Тингловчи:

- “Молиявий дастурлаш” жараёнларини таҳлил қилиш, тенденцияларни баҳолаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- замонавий билимларни қўллаш орқали муаммолар ечимини топиш, уларни бартараф этиш ва қарорлар қабул қилиш борасида **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Молиявий дастурлаш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий ҳужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги глобаллашув шароитида жаҳоннинг барча мамлакатларида қўлланилаётган макро ва микро даражадаги бозор қонуниятларининг ҳолати ва унинг ривожланишини ўрганишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимини, макродаражадаги иқтисодий фаолиятнинг ҳозирги ҳолати, унга таъсир этувчи омиллар бўйича халқаро талаб ва андозаларга тўла жавоб берадиган дастурларни яратишни тақозо этиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамиз молиявий дастурлашдаги ислохотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жами	жумладан			
				Назай	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Молиявий дастурлашнинг моҳияти ва молиявий сиёсат	4	4	2	2	-	-
2.	Солиқ бюджет сектори таҳлили, прогнози ва уни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти	6	6	2	4	-	-
3.	Тўлов баланси таҳлили, прогнози ҳамда мамлакатлар статистик кўрсаткичларини халқаро таққослашда аҳамияти	10	8	4	4	2	2
4.	Пул-кредит сектори таҳлили, прогнози ҳамда уни мамлакат иқтисодий ўсишида аҳамияти	8	8	2	4	-	-
	Жами:	28	26	10	14	2	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Молиявий дастурлашнинг моҳияти ва молиявий сиёсат (2 соат)

1. Молиявий дастурлашнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Молиявий фаолият тўғрисидаги статистик ахборотларнинг зарурлиги..
3. Молиявий операциялар, баланс ҳисобламалари ва молиявий сиёсатнинг самарадорлиги.

Молиявий дастурлашда қўлланиладиган асосий усуллар. Бозор иқтисодиёти шароитида “Молиявий дастурлаш” фанининг аҳамияти ва олдидаги асосий вазифалари. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий дастурлашнинг аҳамияти ва вазифалари.

Молиявий фаолият тўғрисидаги статистик ахборотларнинг зарурлиги. Статистик маълумотларни тўплашни ташкил қилиш ва иқтисодий сиёсатни таҳлил қилишнинг методологик асослари.

Молиявий операциялар ва баланс ҳисобламалари. Молиявий сиёсатнинг самарадорлиги. Молия тизимининг самарадорлиги. Номолиявий секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш. Молиявий операциялар.

2-мавзу. Солиқ бюджет сектори таҳлили, прогнози ва уни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти (2 соат)

1. Давлат сектори тушунчаси. Давлат операцияларини ўлчаш. Давлат молияси статистикаси тизими.
2. Бюджет таҳлили. Бюджет дисбалансини ҳисоблаш.
3. Камомадни молиялаштириш. Солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлиги.
4. Давлат харажатлари ва соф кредитлашни ҳамда молиялаштириш манбааларини прогнозлаш.

Давлат сектори тушунчаси. Давлат операцияларини ўлчаш. Давлат молияси статистикаси тизими. Даромадлар ва харажатлар таснифи. Бюджет таҳлили. Бюджет дисбалансини ҳисоблаш. Камомадни молиялаштириш. Солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлиги. Даромадлар ва харажатлар таҳлили. Давлат сектори операцияларини прогнозлаш. Даромадлар ва трансфертларни прогнозлаш. Давлат харажатлари ва соф кредитлашни прогнозлаш. Молиялаштириш манбаларини прогнозлаш.

3-мавзу. Тўлов баланси таҳлили, прогнози ҳамда мамлакатлар статистик кўрсаткичларини халқаро таққослашда аҳамияти (4 соат)

1. Тўлов балансининг концептуал асослари.
2. Ҳисоблардаги муҳим концепциялар. Тўлов балансининг стандарт таснифи. Асосий компоненталар.
3. Жорий операциялар смети. Капитал ва молиявий операциялар смети.
4. Тўлов балансини таҳлил қилиш. Жорий операциялар смети таҳлили.

Тўлов балансининг концептуал асослари. Ҳисоблардаги муҳим концепциялар. Тўлов балансининг стандарт таснифи. Асосий компоненталар. Жорий операциялар смети. Капитал ва молиявий операциялар смети. Тўлов балансини таҳлил қилиш. Жорий операциялар смети таҳлили. Савдо операциялари смети таҳлили. Хизматлар, даромадлар ва трансфертлар. Капитал ва молиявий операциялар смети ва ташқи қарз. Қарз суммаси ва қарзни ташкил қилувчи оқимлар. Ташқи қарз кўрсаткичлари. Тўғри хорижий инвестициялар ва капитал оқимлари. Хорижий инвестициялар. Капитал оқимлари. Резервлар ва молиялаштириш. Ялпи ва соф резерв активлари. Камомадни қоплаш учун резерв активларидан фойдаланиш. Резервларнинг етарлилик даражаси. Фавқулотда молиялаштириш. Тўлов балансини прогнозлаш. Импорт прогнози. Экспорт прогнози. Хизмат ва трансфертлар прогнози. Капитал билан операциялар прогнози.

4-мавзу. Пул-кредит сектори таҳлили, прогнози ҳамда уни мамлакат иқтисодий ўсишида аҳамияти (2 соат)

1. Пул-кредит соҳасининг смети юритиш. Молия тизимининг таркиби.
2. Пул-кредит соҳасини таҳлил қилиш. Бошқа секторлар билан алоқалар.
3. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар пул-кредит таҳлили.

Пул-кредит соҳасининг смети юритиш. Молия тизимининг таркиби. Пул-кредит тизими статистикаси асосидаги ҳисобга олиш тамойиллари. Пул-кредит тизимини бошқариш идоралари. Пул-депозит банклари. Пул-кредит шарҳи. Пул-кредит соҳасини таҳлил қилиш. Бошқа секторлар билан алоқалар. Пул бозоридаги мувозанат. Пул мультипликатори концепцияси. Пул-кредит таҳлилининг айрим масалалари. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар пул-кредит таҳлили. Пул агрегатларини прогнозлаш. Пулга талабни прогнозлаш. Пул таклифини прогнозлаш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Молиявий дастурлашнинг моҳияти ва молиявий сиёсат (2 соат)

1. Молиявий дастурлашнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Молиявий фаолият тўғрисидаги статистик ахборотларнинг зарурлиги..
3. Молиявий операциялар, баланс ҳисобламалари ва молиявий сиёсатнинг самарадорлиги.

2-мавзу. Солиқ бюджет сектори таҳлили, прогнози ва уни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти (4 соат)

1. Давлат сектори тушунчаси. Давлат операцияларини ўлчаш. Давлат молияси статистикаси тизими.
2. Бюджет таҳлили. Бюджет дисбалансини ҳисоблаш.
3. Камомадни молиялаштириш. Солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлиги.
4. Давлат харажатлари ва соф кредитлашни ҳамда молиялаштириш манбааларини прогнозлаш.

3-мавзу. Тўлов баланси таҳлили, прогнози ҳамда мамлакатлар статистик кўрсаткичларини халқаро таққослашда аҳамияти (4 соат)

1. Тўлов балансининг концептуал асослари.
2. Ҳисоблардаги муҳим концепциялар. Тўлов балансининг стандарт таснифи. Асосий компоненталар.
3. Жорий операциялар смети. Капитал ва молиявий операциялар смети.
4. Тўлов балансини таҳлил қилиш. Жорий операциялар смети таҳлили.

4-мавзу. Пул-кредит сектори таҳлили, прогнози ҳамда уни мамлакат иқтисодий ўсишида аҳамияти (4 соат)

1. Пул-кредит соҳасининг сметрларини юритиш. Молия тизимининг таркиби.
2. Пул-кредит соҳасини таҳлил қилиш. Бошқа секторлар билан алоқалар.
3. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар пул-кредит таҳлили.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материални ўзлаштиришда қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- **давра суҳбатлари** (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- **бахс ва мунозаралар** (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- **Кенг кўламли суҳбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутати. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диққатларини қарата олиши; иш жараёнида очиқ берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзиде ажратиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- **Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишдан сўнг, биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

- **Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш.** Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб етишга ёрдам беради.


БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Тақдимот тайёрлаш	1,0	Мустақил иш тарзида ҳар бир тингловчи белгиланган мавзулар бўйича тақдимотлар тайёрлайди – 1,0 балл
2.	Кейс топшириғини бажариш	1,5	Мавжуд амалий вазиятдан кейс – 1,5 балл
	Жами	2,5	

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.
Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаш, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бугун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар




Кластер (Кластер – тутам, боғлаш)

Маълумот харитасини тузиш ва воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йиғиш. Билимнинг фаоллашишини

Кластерни тузиш қоидалари билан танишади. Аудитория доскаси ёки қатта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1-2

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томондан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизик билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин. Ёзувга ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотулмагунча давом эттирилади.



Тоифали жадвал

Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).


- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.
- тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Тоифали шарҳни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий ҳужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гуруҳларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ғоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин

Ишнинг натижавий тақдими

Венн диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

«Кучлар таҳлили» графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қондаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга ҳалақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлақларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

«Кейс-стади» методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Молиявий дастурлашнинг моҳияти ва молиявий сиёсат

Режа:

1. Молиявий дастурлашнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Молиявий фаолият тўғрисидаги статистик ахборотларнинг зарурлиги.
3. Молиявий операциялар, баланс ҳисобламалари ва молиявий сиёсатнинг самарадорлиги.

Таянч иборалар: молиявий дастурлаш, давлат, ҳукумат, молиявий сиёсати, статистик ахборотлар, молиявий операциялар, баланс, секторлар.

1.1. Молиявий дастурлашнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.

Молиявий дастурлаш модулини ўрганишдан мақсад тингловчиларни халқаро амалиётда қўлланиладиган макроиқтисодий барқарорлаштириш услубияти, макроиқтисодий сиёсатнинг турли йўналишларини ўзаро уйғунлигини таъминлаш йўллари билан таништириш ва натижада иқтисодий ўсишни таъминлайдиган ва ўзаро узвий боғланган белгиланган мақсадларга эришиш йўллари танлашга ўргатишдир.

Молиявий дастурлаш курсининг объекти бўлиб мамлакат иқтисодиёти ва унинг таркибий қисмлари бўлмиш корхона, давлат, банк ва ташқи дунё секторлари, предмети эса олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсат ва унинг ташкил қилувчилари – пул-кредит, солиқ-бюджет, валюта сиёсатлари ва бошқа йўналишлардир.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий кўрсаткичларни қисқа муддатга башорат қилишда (одатда бир йилга), даставвал макроиқтисодий агрегатларга (ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши, инфляция даражаси, йиғма бюджет ва тўлов баланси камомати ҳамда пул-кредит статистикасининг кўрсаткичлари) кўзланган мақсадни ифодаловчи параметрлари белгилаб олинади.

Баъзи ҳолларда мақсад қилиб олинган бир кўрсаткич даражаси белгиланган иккинчи кўрсаткич даражасига мос келмаслиги мумкин. Масалан, давлатнинг капитал қўйилмалари асосида иқтисодий фаолликни рағбатлантириш инфляция ва давлат бюджети камоматини паст даражада сақлаш мақсадига зид бўлиши мумкин. Шунинг учун оқилона башорат ишларини ташкил қилишда иқтисодий фаолиятнинг турли йўналишлари орасидаги (корхона, банк, ҳукумат ва ташқи дунё секторлари) уйғунликни таъминлаш энг асосий шарт ва мақсад ҳисобланади.

Халқаро амалиётда бундай уйғунлик умумлаштирувчи макроиқтисодий кўрсаткичларни ўзаро боғланган ҳолда белгиланган мақсадларга эришиш масалалари молиявий дастурлаш усули асосида амалга оширилади.

Барча мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам макроиқтисодий кўрсаткичларнинг қисқа муддатли башоратларини тузишда турли манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда фаолият

олиб бориб, молиявий дастурлаш услубиятларидан ҳар томонлама фойдаланадилар.

Асосий мақсад – пул-кредит статистикаси (ПКС), миллий ҳисоблар тизими (МХТ), тўлов баланси (ТБ) ва давлат молияси статистикаси (ДМС) кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликларнинг нақадар уйғунлашганлигини кўриб чиқишдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун молиявий оқимлар матрицаси тузилиши лозим. Унинг асосида:

– миллий ва ҳалқаро миқёсда таққосламаликни таъминлайдиган ахборотлар олинади;

– макродаражада иқтисодий ахборотлар таҳлил қилиниб, зарур иқтисодий сиёсат олиб борилиши учун чора-тадбирлар белгиланади.

Молиявий фаолият тўғрисидаги маълумотлар молиявий ва иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уни назорат қилиш, ҳамда макроиқтисодий таҳлил ва изланишлар учун зарурдир, чунки иқтисодий сиёсатнинг белгиланган мақсадларига эришиш учун у ёки бу иқтисодий чораларни қўллашда кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликлар ҳисобга олиниши лозим.

Молиявий дастурлаш - белгиланган макроиқтисодий мақсадларга эришишга қаратилган чора-тадбирлар тўпламидир. Ушбу мақсадлар иқтисодиёт фаолиятининг белгиланган самарадорлик даражасини таъминлашга қаратилган бўлиши мумкин. Аммо, кўпинча молиявий дастурлашда кўзланган чора-тадбирлар ялпи талаб билан ялпи таклиф ўртасидаги номутаносибликни бартараф қилишга қаратилган бўлади. Номутаносиблик, одатда ТБнинг қониқарсиз ҳолати, юқори даражадаги инфляция ва паст ёки пасайиб бораётган ишлаб чиқариш ҳажмларида ифодаланади.

Макроиқтисодий диспропорциялар мавжуд бўлган ҳолларда ресурсларга талаб ва таклиф орасида мутаносибликни таъминлаш учун турли хилдаги чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилиниши мумкин. Агар ўз вақтида мақсадли йўналтирилган чоралар кўрилмаса, бошқариш бобидаги ишлар тартибсиз ва самарасиз бўлади. Масалан, мамлакатдаги халқаро захиралар миқдори кескин тарзда пасайиб кетса, хорижий кредиторлар ушбу мамлакатга кредит ажратмай қўйишлари мумкин. Натижада, импорт миқдори кескин қисқариб кетади, бу эса ўз навбатида, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир ўтказади. Молиявий дастурлашнинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, уни қўллаш натижасида ўз вақтида чора-тадбирлар кўриш учун иқтисодий сиёсатга тузатишлар киритилади ва керакли ҳажмда ташқи молиялаштириш билан таъминланади.

Молиявий дастурлашда пул-кредит, солиқ-бюджет ва валюта сиёсатлари соҳасидаги чоралар мамлакат ички талабини назорат қилиш ва ТБдаги мувозанатнинг бузилишига йўл қўймасликка қаратилади. Молиявий дастурлар, шунингдек иқтисодий сиёсатни бошқа чораларининг, айниқса ялпи таклифни оширишга қаратилган чораларнинг ҳам таъсирини ифодалайди. Бундай чоралар иқтисодий сиёсатни амалга ошириш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган

ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиш даражасини ва бандлик даражасининг пасайишини олдини олиши лозим. Пировард натижада, кўрилган чоралар ТБнинг барқарорлигини таъминлаши зарур.

ТБнинг барқарорлигини САВда ўрта муддатли даврда содир бўлган ўзгаришларга қараб аниқлаш мумкин. Дунё тажрибаси кўрсатадики, агар етарли миқдорда узоқ муддатли капиталнинг оқиб келиши ҳисобига молиялаштириш имконияти бўлса ва бунда қониқарли иқтисодий ўсиш суръатлари ва нархлар барқарорлиги мавжуд бўлиб, мамлакат эса ўз ташқи қарзларига тўла миқдорда хизмат кўрсата олса, ушбу малакатнинг САВ ҳолати барқарор ҳисобланади.

Молиявий дастур, албатта келгувси даврдаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда тузилиши талаб қилинади. Ўрта муддатли давр тушунчаси қатъий тарзда чегаралаб қўйилмаган. Одатда, ўрта муддатли дастурлар тахминан беш йилга мўлжалланади. Қоидага кўра, келгувси йил учун тузиладиган молиявий дастурлар кенг қамровли ишлаб чиқилади, чунки унда кенг қамровли иқтисодий чоралар ишлаб чиқилиши талаб қилинади ва шунингдек ахборот базаси ҳам анча ишончли бўлади. Узоқроқ давр учун башоратлар қамрови торроқ чора-тадбирларни назарда тутганлиги учун, одатда уларда асосий эътибор ташқи иқтисодий сиёсатнинг умумий оқибатларига қаратилади ва ўз характериغا кўра қисқа ва ўрта муддатли дастурларга нисбатан аниқлик даражаси пастроқ бўлади.

1.2. Молиявий фаолият тўғрисидаги статистик ахборотларнинг зарурлиги.

Иқтисодиёт фаолиятининг самарадорлик даражасига баҳо бериш ва иқтисодий сиёсатга тузатишлар киритиш учун қарорлар қабул қилиш ишларида макроиқтисодий счетлар мажмуасидан фойдаланиш талаб қилинади. Ушбу мажмуага миллий ҳисоблар тизими, ТБ ва бюджет ҳамда пул-кредит соҳаларининг счетлари киради. Бу счетлар, шунингдек иқтисодий сиёсатни таҳлил қилиш ва муҳим макроиқтисодий нисбатларни текширишда қўлланилади. Бу счетлардаги маълумотларнинг ўзаро боғлиқлиги бирор бир секторда харажатларнинг даромадлардан ортиқ бўлиши бошқа секторда эришилган иқтисод билан қопланиши лозимлиги ва мамлакат иқтисоди бўйича хаддан ташқари ортиқча харажатларни молиялаштириш фақат ташқи манбалар ҳисобига амалга оширилиш мумкинлигини яққол кўратади.

Мамлакат раҳбарияти учун миллий ҳисоблардаги маълумотлар қизиқиш уйғотиши мақсадида бу маълумотлар бошқа секторлар билан боғланган ҳолда келтирилиш талаб қилинади. Бу боғлиқликлар миллий ҳисоблардаги кўрсаткичлар бошқа кўрсаткичлар ҳисобига қандай ўзгариши мумкинлигини кўрсатиши лозим. Бухгалтерия айниятлари билан биргаликда олинган юқоридаги боғлиқликлар иқтисодий жараёнларнинг рақамларда ифодаланган конкрет схематик “моделини” ифодалайди. Ушбу моделдан бошқарилаётган параметрларга олдиндан белгиланган мақсадларга эришиш учун қандай тузатишлар ва ўзгартиришлар киритилиши лозимлигини (масалан, эндоген

омиллар орқали аниқланадиган инфляция ва ТБ кўрсаткичларига) аниқлаш мақсадида фойдаланиш мумкин. Иқтисодий сиёсатга тузатишлар киритишнинг манتيқий натижалари кетма-кетлигини таъминлаш учун иқтисодиётнинг барча секторларидаги ўзгаришлар инобатга олиниши лозим.

Дастурлар ишлаб чиқишда катта миқдордаги омишлар ва қийинчиликларга дуч келинади. Молиявий дастурлар молиявий ўзгарувчилар орасидаги барқарор боғлиқликларга асослансада (масалан, иқтисодий ўсиш суръати, инфляция суръати ва ТБ), амалда содир бўладиган ўзгаришларни аниқлаш анча мураккаб бўлади. Бундай боғлиқликлар турли мамлакатларда турлича бўлади ва ундан ташқари вақт ўтиб бориши билан ва институционал, сиёсий ва бошқа омишлар таъсирида ўзгариб туради. Иқтисодий сиёсатда сезиларли ўзгаришлар содир бўлиб, йирик ислохотлар ўтказилса, олдинги даврлардаги тенденциялар умуман ўзгариб кетиши мумкин. Тахлил олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг натижалари қачон намоён бўлиши, кутилаётган ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқликларга қай тарзда таъсир этишини аниқлашдаги мураккабликлар сабабли тенденцияларни аниқлаш янада қийинлашиши мумкин. Ниҳоят, экзоген параметрларнинг ўзгаришлари бобидаги башоратлар ҳам нотўғри бўлиб чиқиши мумкин.

Молиявий сиёсатнинг самарадорлиги унинг маълум иқтисодий сиёсатни олиб бориш натижасида пировард белгиланган натижаларга эришишдаги таъсири билан баҳоланади. Ушбу сиёсатнинг пировард белгиланган натижалари сифатида қуйидаги кўрсаткичларни келтириш мумкин:

- инфляция;
- иқтисодий ўсиш ва аҳолининг иш билан бандлиги;
- тўлов баланси;
- секторларнинг иқтисодий хулқи (масалан, давлат қарзи, хусусий секторга кредитлар);
- макроиқтисодий меъёрларнинг бажарилиши ва тизимнинг барқарорлиги.

Молия тўғрисидаги статистик ахборот иқтисодий ривожланишга таъсир ўтказадиган қуйидаги молиявий воситаларни қамраб олади:

- пул-кредит сиёсатининг воситалари (масалан, мажбурий заҳиралар, активларнинг ликвидлик коэффицентлари, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва ҳ.к.);
- ҳукумат томонидан амалга ошириладиган молиявий чора-тадбирлар;
- норматив қоидалар;
- валюта курси;
- фоиз ставкалари.

1.3. Молиявий операциялар, баланс ҳисобламалари ва молиявий сиёсатнинг самарадорлиги.

Асос – молиявий операциялар ва баланс ҳисобламалари маълумотларини тартибга келтириш. Методология операцияларни таснифлаш ва иқтисодиётни секторларга ажратишда боғлиқликлар, тушунчалар, тамойилларни қамраб олади. Бу эса ўз навбатида молиявий ҳисоб ва ҳисоботларни зарур кетма-

кетликда ташкил қилишга имкон беради. Методик қарашлар иқтисодий сиёсатнинг пировард мақсадлари билан давлат бошқарув идораларининг ихтиёрида бўлган халқаро статистика андозаларига мос келувчи воситалар орасидаги боғлиқликларни ифодалаш зарур.

Амалдаги молия тизимининг самарадорлиги умуман иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатиб, иқтисодий ўсиш учун зарур шароитларни яратиши ёки иқтисодий ривожланишни секинлаштириши ва ортиқча ҳаражатларга йўл қўйиши мумкин.

Иқтисодиёт номолиявий секторлар фаолиятининг самарадорлиги уларга молия тизими томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларнинг миқдори ва сифатига узвий боғлиқдир. Бундай хизматлар сирасига:

- савдони ривожлантириш учун ҳисоб-китоб операцияларини бажариш;
- сальдолаш (неттинг) ва ўзаро ҳисобга олишлар (клиринг);
- депозитларни қабул қилиш ва бошқа мажбуриятларни олиш;
- кредитлар билан таъминлаш;
- ликвидликни таъминлаш;
- номолиявий секторга уларнинг ўз шартнома мажбуриятларини бажаришлари учун кафолатлар бериш.

Иқтисодиётнинг ҳар бир секторида маблағлар жамғарилиши мумкин. Жамғариш ҳамда капитал смети бўйича операциялар соф кредитлаш ҳажмини ҳосил қилади. Бунда баъзи иқтисодиёт секторлари ёки секторчалари нетто-кредитор бўлсалар, бошқалари нетто-қарз олувчилар бўладилар. Молиявий операцияларнинг олиб борилиши натижасида у ёки бу секторда ортиқча молиявий ресурслар шаклланданда, ресурс эгалари молиявий ресурсларни бошқа секторлар ихтиёрига беришлари мумкин.

МХТдаги молиявий счет нетто-қарз олувчи секторларнинг ўзларига керак бўлган молиявий ресурсларни молиявий мажбуриятлар қабул қилиш ёки ўз молиявий ресурсларини қисқартириш ҳисобига шакллантиришларини ифодаласа, нетто-кредитор секторларнинг ортиқча ресурсларини молиявий активларни сотиб олиш ёки мажбуриятларини қисқартириш ҳисобига жойлаштиришини ифодалайди.

МХТдаги молиявий счетга қўшимча тарзда тузиладиган молиявий оқимлар матричасида молиявий воситалар турлари бўйича қарздор ва кредитор секторларнинг молиявий муносабатлари ифодаланади.

Молиявий операциялар ҳар қандай институционал бирлик фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб ҳисоблансада, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида молиявий фаолиятнинг асосий салмоғи молиявий воситачилар, хусусан депозит банклари ҳиссасига тўғри келади.

Демак, банкларнинг молиявий операциялари ва баланслари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш натижасида молиявий тизимнинг ривожланишига баҳо бериш мумкин бўлади. Банклар ахборотининг яна бир бошқа устунлик томони шундан иборатки, банклардаги ахборотларни ўз вақтида етарли ҳажмда олиш имкони бўлади ва кўпгина ҳолларда бошқа секторлардаги маълумотларга нисбатан ишончлилиқ даражаси анча юқори бўлади.

Назорат саволлар:

1. Молиявий дастурлашнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини тушунтириб беринг?
2. Молиявий фаолият тўғрисидаги статистик ахборотлар манбаини айтинг?
3. Молиявий операциялар, баланс ҳисобламалари ва молиявий сиёсатнинг самарадорлигини айтинг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси] // Ишонч. – 2017. – 17 январь.
1. Carlos Oliveira. “Options and Derivatives Programming in C++: Algorithms and Programming Techniques for the Financial Industry”. 2016. 260 pages
2. Carlos Oliveira. “Practical C++ Financial Programming”. 2015. 396 pages.
3. Nabixo'jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O'quv qo'llanma. – T.: “Иқтисодиёт”, 2010. 212 b.
4. N.M. Soatov, X. Nabiev, D.X. Nabiev, G.N. Tillaxo'jaeva. Statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2011. – 548 bet.
5. X. Nabiyev, A.H. Ayubjonov, S.N. Sayfullaev. Iqtisodiy statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2014. – 324 bet.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. www.wikipedia.org/
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. www.wikipedia.org/

2-мавзу. Солиқ бюджет сектори таҳлили, прогнози ва уни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти

Режа:

1. Давлат сектори тушунчаси. Давлат операцияларини ўлчаш. Давлат молияси статистикаси тизими.
2. Бюджет таҳлили. Бюджет дисбалансини ҳисоблаш.
3. Камомадни молиялаштириш. Солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлиги.
4. Давлат харажатлари ва соф кредитлашни ҳамда молиялаштириш манбааларини прогнозлаш.

Таянч иборалар: давлат сектори, давлат операциялари, давлат молияси, даромадлар, харажатлар, баланс, бюджет, солиқ.

2.1. Давлат сектори тушунчаси. Давлат операцияларини ўлчаш. Давлат молияси статистикаси тизими.

Солиқ соҳаси, давлат харажатлари ва қарз олиш сиёсати ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар хулқи, мамлакат даромадлари ва бойликларини тақсимлашга таъсир кўрсатади. Кўпинча макроиқтисодиётнинг ички ва ташқи секторларидаги жиддий дисбаланс, турли чораларни қўллашга қарамасдан, бартараф қилинмаган бюджет камомади сабабли келиб чиқади.

Мамлакатнинг солиқ-бюджет соҳасидаги умумий ҳолатига баҳо бериш, уни барқарорлаштириш ва тизимий ислохотлар билан биргаликда қараб чиқиш учун бюджет операцияларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг асосий тамойиллари тўғрисида тушунча бўлиши талаб қилинади.

Қуйида дастлаб, ХВЖ томонидан ишлаб чиқилган ”Давлат молияси статистикаси бўйича кўрсатмалар”да (ДМС) келтирилган асосий тушунчалар келтирилади. ДМС давлат бошқарув идораларининг бюджет операциялари билан боғлиқ бўлган маълумотларни халқаро андозаларга кўра ҳисобга олиш тамойиллари асосида ишлаб чиқилган. Ушбу тамойиллар даромадлар, харажатлар, капитални жамғариш ва молиялаштириш билан боғлиқ бўлган давлат операцияларини таҳлил қилишда кўмак бериш учун ишлаб чиқилган.

Сўнгра давлат бошқарув секторига тушунча, давлат идоралари операциялари ҳажмини миқдоран ўлчаш, таснифлаш ва давлат идоралари операцияларини ифодалашда ишлатиладиган бошқа тушунчалар келтирилади. Шунингдек, даромадлар ва харажатлар категорияларининг асосий таснифи келтирилиб, одатдаги умумий баланс тушунчаси муҳокама қилинади.

Мавзунинг иккинчи қисмида бюджет соҳасини таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган аналитик характердаги умумий масалалар кўриб чиқилади. Бунда давлат жамғармаси ва инвестициялари, бюджет дисбалансини ўлчашнинг альтернатив усуллари, давлат бюджети камомадини молиялаштиришнинг альтернатив усуллари ва уларнинг макроиқтисодий оқибатлари, солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлиги каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, давлат даромадлари ва харажатлари ўзгаришини баҳолаш усуллари чуқур таҳлил қилинган.

ДМС кўрсатмасида давлат бошқарув идораларининг бир нечта даражалари аниқланган: марказий ҳукумат, штат ва минтақа даражасидаги идоралар, маҳаллий идоралар ва миллийдан юқори бўлган идоралар.

Кўпчилик мамлакат давлат бошқарув идоралари секторидаги бюджет операциялари камида давлат бюджетини шакллантирадиган марказий ҳукуматни назарда тутди. Бироқ, кўп мамлакатларда бюджет операциялари билан маҳаллий ва минтақавий идоралар ҳам шуғулланади. Давлат бошқарув сектори атамаси давлат бошқарувининг барча даражаларини қамраб олади. Давлат бошқарув сектори ва пул-кредит сектори орасидаги функцияларни ажратиш мақсадида ДМСга кўра иккала сектордан давлат банк ва пул-кредит операциялари чиқариб ташланган. Масалан, пул-кредит бошқарув идораларининг барча функциялари, бундай операцияларни қайси ташкилот бажаришидан қатъий назар, давлат бошқарув секторига эмас, пул-кредит соҳасига киритилади. Пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатларини ажратиш, ҳамда пул-кредит ва молия статистикаларини давлат молияси статистикасидан ажратиш учун бу соҳалардаги операциялар бир биридан алоҳида таҳлил қилиниши лозим.

Давлат сектори – кенг маънода давлат бошқарув сектори бўлиб, унга давлат бошқарув сектори ва давлат темир ва ҳаво йўллари ёки давлат коммунал корхоналари каби давлат номолиявий корхоналар киритилади. Марказий ҳукуматнинг баъзи даромад ва харажатлари одатда марказий ҳукуматнинг маҳаллий идоралар ва давлат корхоналарига трансфертлари ва ўз навбатида давлат корхоналарининг марказий ҳукуматга трансфертларини ифодалайди. Турли даражадаги давлат идораларининг ялпи операцияларини ҳисоб-китобларида ”такрорий ҳисоб”га йўл қўймаслик учун бундай трансфертлар соф ҳолда кўрсатилиши керак. Бу вазифа, яъни турли даражадаги давлат идораларининг счетларини сальдолаш ва бирлаштириш жараёни консолидация (йиғиш) деб юритилади.

Давлат бошқаруви идораларининг ҳар бир даражасида бюджет, бюджетдан ташқари ва ижтимоий суғурта маблағлари билан операциялар бажарилади.

Бюджет операциялари таърифига кўра бюджет орқали амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари операциялар бюджетдан ташқарида амалга оширилиб, мажбурий йиғимлар ҳисобига маблағлар тўплашга ва нобозор товар ва хизматларни тақдим қилишга мўлжалланган бўлади. Масалан, бюджетдан ташқари йўл фонди учун кўпинча ёқилғи ҳисобидан солиқлар йиғилади ва кейин улар йўл хўжалигини сақлашга сарфланади.

Ижтимоий суғурта дастурлари бюджетдан ташқари операцияларнинг алоҳида категорияси сифатида қаралади. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда бундай дастурларга нафақа (пенсия) фонди, бандлик фонди ва ижтимоий суғурта фондлари киритилади. Бу фондларда тўпланган маблағлар ҳисобидан меҳнатга яроқсизлик ва ижтимоий нафақалари тўланади.

Давлат бошқарув идоралари сектори қандай аниқланиши ва таърифланишидан қатъий назар, кўпчилик мамлакатларда бюджетнинг

хақиқатда бажарилиши кўпинча давлат операцияларининг ҳисобида жиддий камчиликларга олиб келади.

Энг асосий иккита камчилик - бюджетдан ташқари счетларни ифодалаш ва счетларда миллий валюта эквивалентидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлади. Бир қанча мамлакатларда, айниқса бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда, ҳукуматлар бюджетдан ташқари операцияларда бюджетга киритилиши лозим бўлган операцияларни кўрсатишади. Бюджетдан ташқари фондларнинг ҳаддан ташқари қўлланилиши (айниқса, улар бюджет операциялари билан консолидациялашмаган бўлса) бюджет соҳасидаги аҳволни бузиб кўрсатади ва даромадлардан фақат белгиланган мақсадлардагина фойдаланилиши сабабли бюджет маблағларини бошқаришда қийинчиликлар туғдиради ва энг асосийси – ушбу счетларга тушадиган маблағлар ҳаражати устидан назоратнинг йўқотилишига олиб келади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасида бюджетдан ташқари счетлардан фойдаланиш фақат икки ҳолатда, яъни траст фондлари (унда нодавлат тизимларининг маблағлари жойлаштирилган бўлса) ва бўнак ёки оралиқ счетлари (келгуси тўловлар учун маблағлар жойлаштирилган бўлса) сифатида фойдалангандагина асосланган бўлади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун кўпчилик мамлакатларда бюджетдан ташқари счетларни яратиш ўрнига бюджет доирасида алоҳида счетлар тузишади. Бу эса ўз навбатида ҳукумат томонидан бундай счетлар бўйича зарур назорат ва ҳисоботларни ташкил қилиш ва текширишларни олиб боришга имкон беради.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган кўпчилик мамлакатларда миллий валютадаги эквивалент счетлари бюджет ҳолатини бузиб кўрсатилишига олиб келади. Ушбу счетлардаги маблағлар хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига шаклланади. Кўп ҳолатларда ушбу маблағлар бюджет камамадини молиялаштириш ва корхона ва ташкилотларни кредитлаш (давлат бюджети орқали) мақсадларида ишлатилади. Бундай кредитлар кўпинча бюджетда ҳисобга олинмайди ва натижада у парламент нигоҳидан четда қолади ва бюджетнинг умумий ҳолатини бузиб кўрсатади, ҳамда фоиз ставкаларини субсидияланишига олиб келади. Бузиб кўрсатилиш бу маблағлар ”соф кредитлаш” деб номланадиган бюджетда чизикдан юқорида моддасида умуман ҳисобга олинмайди ва натижада бюджет камомади камайтириб кўрсатилади. Ундан ташқари бу ”эквивалент” счетлар бўйича олинган ва тўланган фоизлар даромадлар ва ҳаражатлар сифатда кўрсатилмайди. “Эквивалент” счетларни бюджетда тўлиқлигича кўрсатибгина қолмасдан, улардан норентабел корхоналарни имтиёзли кредитлаш манбасига айланиб қолишига йўл қўймаслик керак.

Давлат корхоналари давлат секторидан ташқарида деб қаралади. Давлат тасарруфидаги ишлаб чиқариш бўлинмалари ва улар томонидан назорат қилинадиган акционерлик саноат ёки иқтисодиётнинг бошқа секторларига йирик масштабларда товар ва хизматлар етказиб берадиган тижорат бўлинмалари таснифда номолиявий корхоналар секторининг давлатга тегишли қисмига киритилади. Масалан, давлат темир ва ҳаво йўллари, почта хизмати ва

миллийлаштирилган ёки ҳукумат ташкил қилган тармоқлар МХТ қоидаларига кўра давлат тасарруфида бўлгани билан номолиявий корпорациялар секторига мансуб бўлади. Давлат ёки давлат томонидан назорат қилинадиган, жорий, муддатли ва жамғарма депозитларини қабул қиладиган, шунингдек бозорда мажбуриятлар қабул қиладиган ва молиявий активларни сотиб оладиган молиявий муассасалар таснифлашда молиявий ташкилотлар секторига киритилади. Марказий банк анъанага кўра давлат бошқарув секторига эмас, балки молия секторига киритилади.

Давлат операцияларини ўлчаши. ДМСнинг меъёрларига биноан давлат молия статистикаси доирасида операциялар МХТ, пул-кредит соҳаси ва тўлов балансидагидек ўтказиш (начисление) усулида эмас, балки касса ёки тўлов усулида ҳисобга олинади. Олинган маблағлар ва қилинган тўловлар молиявий ҳисоб-китоб қилинган вақтда касса усулида амалга оширилади. Ўтказиш усулида эса операциялар мажбуриятлар ёки талаб ёки тўлов муддати етиб келган вақтда ҳисобга олинади.

Давлат операцияларини касса асосида ҳисобланиши уларни пул-кредит счетлари билан таққослаш имконини беради ва унинг натижасида давлат операцияларининг агрегат пул-кредит кўрсаткичларига таъсир даражасининг аниқланишини осонлаштиради. Касса асосида (давлат молия статистикаси) ва ўтказиш усулидаги (пул-кредит счетлари) ҳисоб-китоблар орасидаги фарқ муддати ўтиб кетган тўловлар бўйича қарздорликнинг мавжудлиги натижасида пайдо бўлади ва улар операцияларни иқтисодий таҳлил қилишда муҳим восита ҳисобланади. Муддати ўтиб кетган қарздорлик давлат бошқарув идораларининг ўз мажбуриятларини вақтида тўлашга қурби етмаслигидан далолат беради ва бу ҳолат кўпинча касса ва ўтказиш усулларида ҳисобланган бюджет балансида катта фарқларга олиб келади. Ўтказиш усулида ҳисобланган бюджет баланси ҳукумат томонидан маблағлардан соф фойдаланилишини ифодалаб, давлатнинг мажбуриятларини тўлақонли ифодаласа (ҳам ички, ҳам ташқи мажбуриятларини), касса асосида ҳисобланган бюджет баланси фақат ҳақиқатда амалга оширилган тўловларнигина ифодалайди. Агар ҳукуматнинг касса асосида ҳисобланган бюджет камомати ўтказиш усулида ҳисобланган бюджет камоматидан паст бўлса, бу ҳолат фоизларни ва бошқа мажбуриятларни тўлаш бўйича қарздорлик мавжудлигидан далолат беради.

Давлат молия статистикаси тизими. Бу тизим давлат идораларини миллий иқтисодиётнинг бошқа секторлари ва ташқи дунё билан олиб борган операцияларини тўлақонли ҳисобга олиш ва биринчи навбатда, даромадлар тушуми, тўлов ҳаражатлари ва тўланмаган қарздорликни аниқлашга мўлжалланган.

Қуйида ушбу тизимнинг асосий тамойилларини кўриб чиқамиз:

– *даромадлар, тушумлар, тўловлар ва ҳаражатлар.* Умумдавлат бюджетининг ҳолати ва унинг макроиқтисодиётга таъсирини баҳолаш учун даромадлар ва ҳаражатлар тушунчаларини аниқ чегаралаш лозим. Барча даромадлар тушумлар бўлганлиги билан барча тушумлар даромад бўлиб ҳисобланмаслиги мумкин. Даромад бўлиб фақат мажбуриятларни тўлаш билан

боғлиқ бўлган тушумларгина ҳисобланиши мумкин. Ҳукуматга кредит сифатида тушган маблағлар даромад бўлиб ҳисобланмайди, чунки кредитлар вақти келиб қайтарилиши лозим бўлади. Худди шунга ўхшаш, ҳамма тўловлар ҳам ҳаражатлар бўлиб ҳисобланмайди. Масалан, кредитларни қайтариш кредитларни олиш вақтидаги мажбуриятлардан келиб чиққани учун маблағлар ҳаражати бўлиб ҳисобланмайди. Фоизлар бўйича тўловлар эса ҳаражатлар таркибига киритилади;

– *ялпи ва соф сумма*. Даромад олиш ва маблағларни ҳаражат қилишдаги давлат операцияларини статистик маълумотларда тўла ифодалаш учун даромадлар ва ҳаражатлар ялпи сумма кўринишида ифодаланади. Масалан, мактабда ўқитиш учун тўловлар маориф ҳаражатларининг баланслашган проводкасида кўрсатилмайди, солиқларни йиғиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар эса солиқ тушумларидан ”манфий даромадлар” сифатида чегирилмайди. Кредитлаш ва қарз олиш – бу қоидадан чиқадиган алоҳида иккита ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолатда ягона аҳамиятли миқдор бўлиб, пул маблағларининг давлат бошқарув идораларига ва қарама-қарши йўналишда тезлик билан ҳаракатланиши ҳисобланади;

– *иккиёқлама ва бирёқлама операциялар*. Иккиёқлама операциялар натижасида товар ва хизматларни олиш (бериш) эвазига пул ресурслари тўланади (олинади). Масалан, товар ва хизматларни сотиш (сотиб олиш) операциялари. Бирёқлама операцияларда тўлаш ёки олиш уларнинг эвазига бирорта нарсани олиш ёки бериш билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, трансфертлар ва грантлар олиш (бериш);

– *солиқ ва солиқ бўлмаган тушумлар*. Даромадлар, грантлардан ташқари, барча қайтарилмайдиган тушумларни камраб олади. Даромадлар жорий маблағлар ва капитал (фақат капитал активларни сотишдан олинган даромадлар) ҳисобига шаклланади. Солиқлар – давлат идоралари ихтиёрига бирёқлама мажбурий тушумлар бўлиб, улардан жамият эҳтиёжлари учун фойдаланилади. Солиқ тушумларига (уларнинг соф суммаси ортиқча тўланган солиқлар қайтарилишини назарда тутаяди) ижтимоий суғурта фондига ажратмалар ва фискал монополиялар томонидан давлат бюджетига ўтказилган даромадлар киради. Солиқ бўлмаган тушумларга мулкка эгалик қилишдан даромадлар, тўловлар ва йиғимлар, жарима ва бюджетга ўтказилган давлат корхоналари фойдалари киради;

– *қайтарилмайдиган тушумлар*. Уларга бошқа давлатлар ҳукуматлари ёки халқаро ташкилотлардан олинган бирёқлама тушумлар киради. ДМС қўлланмасида қайтарилмайдиган тушумлар молиялаштириш эмас, балки даромад операциялари гуруҳига киритилгани билан, уларнинг суммаси ва келиб тушиш вақти давлат идоралари томонидан бошқа тушумларга ўхшаб назорат қилиб бўлмасиги сабабли, даромадлардан алоҳида ажратиб кўрсатилади. Акс ҳолда уларни бюджет тушумлари ва ҳаражатларининг башоратларига киритилиши бюджетни режалаштириш жараёнида ноаникликларга олиб келади ва натижада кейинчалик бюджетни яна аниқлаштириш талаб қилиниши мумкин. ДМСда қайтарилмайдиган тушумлар

чизик тепасига жойлаштирилгани билан, бюджет счетларини аналитик ифодалашда уларни молиялаштиришнинг моддаларидан бири сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ;

– *давлат идораларини соф кредитлаш.* У (кредитлаш минус тўлаш) давлат ликвидлигини бошқариш мақсадларидагина эмас, балки давлат сиёсати белгилаган вазифаларини бажариш учун давлат идораларини кредитлаш операцияларини қамраб олади. Масалан, фермерлар, талабалар ва кичик бизнес эгаларига субсидиялар ушу турдаги кредитлаш таркибига киради. ДМС таснифига кўра улар молиялаштиришга эмас, балки ҳаражатлар таркибига киритилган. Давлат бошқарув идораларининг бошқа мамлакатлар ҳукуматларининг ижтимоий эҳтиёжлари учун ажратган кредитлари соф кредитлаш таркибига киритилади ва шунинг учун давлат бюджети камомадига таъсир қилади. Бироқ, қарз олган мамлакат учун бу кредитлар чизикдан юқорида ҳисобга олинмаган ташқи кредитлаш ҳисобланади. Бундай тарздаги ёндошув давлатнинг кредитлаш ёки қарз олиш мақсадларидаги асослашлар орасидаги асимметрияни ифодалайди. Давлат идоралари депозит счетларида жойлаштирилган валюта миқдоридаги тебранишлар нақд пул қолдиқлари сингари соф кредитлаш эмас, балки молиялаштириш сифатида кўрсатилади;

– *банк капиталининг тўлдирилиши.* Бир қанча мамлакатларда давлатга тўла ёки қисман тегишли банклар катта зарарлар кўриб, капитал етишмовчилигидан азият чекмоқдалар. Бу мамлакатларнинг ҳукуматлари банкларга капитал киритиши ёки қарз мажбуриятларини ўз зиммаларига юклашлари мумкин. Юқорида кўрсатилганидек, ДМС касса асосида тузилгани сабабли давлат томонидан нақдсиз қарз мажбуриятларининг ўз зиммасига юклаши қарзни олиш вақтида ҳаражат сифатида ҳисобга олинмайди. Лекин кейинчалик тўланган фоизлар ҳаражатлар таркибига киритилади, нақд кўринишда чўзилган муддатларда қарзларни узиш манфий молиялаштиришга киритилади. Бошқача айтганда, ДМС методологиясига кўра давлат бюджети камомадини ҳисоблашда фақат олинган қарзлар бўйича тўланган фоизларгина ҳисобга олинади;

– *хусусийлаштиришдан тушумлар.* ДМС қўлланмасида хусусийлаштиришдан тушумларни манфий соф кредитлаш сифатида кўрсатиш таклиф қилинган. Уни давлат моддий активларини сотишдан ҳосил бўладиган солиқ бўлмаган капитал даромадлардан фарқлаш лозим. Хусусийлаштиришдан даромадлар илгари трансферт ёки капитал кўйилмалар ҳисобига сотиб олинган корхоналардаги давлат улушини сотиш натижасида ҳосил бўлади. Бундай ёндошиш бюджет балансини фақат бир мартагина яхшилашга имкон беради. Бу тушумларни чизикдан тепада кўрсатиш қабул қилинган бўлсада, жорий операцияларни таҳлил қилишда, ҳукуматнинг соф молиявий аҳволига таъсир қилувчи операциялар сингари, чизик остида ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Бир маротабалик бюджет камомадининг пасайтириш кейинчалик, масалан, ҳукумат ўз тасарруфида бўлган корхонани сотиб юборганидан сўнг корхона фойдасининг бюджетга тушмаслиги ҳисобига, камомад ошиб кетиши мумкин. Лекин, агар давлат корхоналарни сотишдан тушган маблағларни бошқа

активларни сотиб олиш ёки ўз қарзларини узишга ишлатган бўлса, кейинчалик содир бўлиши мумкин бўлган камомаднинг умумий суммаси қопланиши мумкин. Ушбу вариантда давлат ва хусусий сектор реал ресурслар учун талабга ҳеч қандай таъсир қўрсатмасдан, фақат ўзаро активларни айирбошлаган бўлади. Бироқ, агар ҳукумат хусусийлаштиришдан тушган маблағларни жорий ҳаражатларни ошириш ёки солиқларни пасайтириш мақсадларида ишлатиб юборган бўлса, активлар сотилган йилда камомад ўзгармайди, кейинчалик эса у ошиб боради ва шу аснода хусусийлаштириш бюджет ҳолатига таъсир қўрсатади. Буюк Британия бюджет камомадидаги ҳисоблашда охириги йилларда хусусийлаштиришдан катта маблағлар келиб тушганлиги сабабли, макроиктисодий счетлар икки вариантда, яъни хусусийлаштиришдан олинган фойдани ҳисобга олинган ва олинмаган ҳолда ҳисобламоқдалар. Ушбу ёндошиш счетлар тахлилини осонлаштиради, чунки бунда хусусийлаштиришдан олинган даромадларга активларни айирбошлаш сифатида қаралади;

– *Марказий банкнинг фойдаси.* Ҳукумат ҳисобига ўтказилган Марказий банкнинг фойдаси даромад деб ҳисобланади. Лекин, олтин-валюта авуарларини қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган ва сотилмаган фойда бу суммага киритилмайди. Ундан ташқари, ўтказилган фойда Марказий банкнинг айрим операцияларинигина (малалан, валюта ёки олтинни сотиш операциялари) эмас, балки барча олди-сотдиларини қамраб олиши керак.

2.2. Бюджет таҳлили. Бюджет дисбалансини ҳисоблаш.

Бюджет камомадини аниқлашда ДМСдаги умумий камомад тўғрисидаги таърифдан кенг фойдаланилсада, бюджет балансини ўлчашда барча камчиликлардан ҳолис ягона бир усул ҳозиргача ўйлаб топилмаган. Олдимизда турган мақсадлардан келиб чиқиб, турли аналитик меъёрларга асосланган баланс тушунчасининг бошқа концепцияларидан фойдаланиш мумкин. Кўпинча бюджет ҳолатига баҳо беришда бюджет камомадининг (профицитининг) ЯИМга фоизлардаги нисбатидан фойдаланилади. Бу кўрсаткич бюджет соҳасининг ҳолатига баҳо беришда кўпчилик иқтисодчилар томонидан энг мақбул деб тан олинган. Бироқ, бу анъанавий усул ҳам ушбу мавзуада берилган кўшимча чоралар билан тўлдирилиши мумкин. У чоралар солиқ-бюджет сиёсатининг солиққа тортиш ва ҳаражатлар каби тизимий қирраларини ҳисобга олиши лозим.

Балансининг талабларга жавоб берадиган тушунчасини аниқлашда қуйидаги омилларга эътибор бериш зарур: дисбалансининг тури, қамраб олиш даражаси (марказий ҳукумат, давлат бошқаруви ёки давлат сектори), бухгалтерия ҳисоби усули (касса ёки ўтказиш усуллари) ва ҳар қандай шартли мажбуриятнинг ҳолати.

Қуйида бюджет балансини ўлчашнинг турли усулларини кўриб чиқамиз:

– *давлат секторининг қарз маблағларига бўлган талабини аниқлаш.* Ушбу усул жами давлат секторининг бюджет балансини ҳисоблашда анъанавий усул ҳисобланади. У шунингдек барча давлат секторининг молиявий

ресурсларига нисбатан соф талабларни қамраб олгани учун, барча қирраларни қамраб олувчи андоза бўлиб ҳисобланади. Умумий баланс тушунчасидан давлат бошқарувининг барча поғоналарида фойдаланиш мумкин. Марказий ҳукумат ва давлат бошқарув секторининг қарз маблағларига эҳтиёжи жами давлат сектори эҳтиёжларининг бир қисми ҳисобланиб, уни ҳақиқатда давлат бошқаруви сектори ва давлат корхоналари секторининг қарз маблағларига эҳтиёжи ва секторлараро трансфертларни сальдолаш каби маълумотлар асосида аниқланади;

– *бюджетнинг жорий баланси (жорий операциялар счегининг баланси)*. У жорий даромадлар ва жорий ҳаражатлар орасидаги фарқ сифатида аниқланади. Бу кўрсаткичдан кўпинча давлат жамғармалари ҳажмини аниқлашда фойдаланилиб, унга давлатнинг умуммиллий жамғармаларига қўшган хиссасини ифодаловчи кўрсаткич сифатида қаралади.

$$\begin{array}{ccccccc}
 \text{Жорий} & & & & & & \\
 \text{бюджге} & & \text{давлат} & & \text{ялпи} & & \text{ялпи} \\
 t & = & \text{жамғар} & = & \text{жорий} & - & \text{жорий} \\
 \text{сальдос} & & \text{маси} & & \text{дарома} & - & \text{ҳаража} \\
 u & & & & \text{длар} & & \text{тлар.}
 \end{array}$$

Бирок, ушбу тушунчадан бюджетни амалий таҳлил қилишда фойдаланиш бир қанча чекловлар билан боғланган. Ушбу тушунча бир томондан капитал, иккинчи томондан эса жорий даромадлар ва ҳаражатлар билан чегарланган. Капитал ҳаражатларга бир йилдан ошиқ бўлган муддатларда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун сотиб олинадиган ва трансферт шаклида олинган активлар киритилади. Қолган барча ҳаражатлар таснифга кўра жорий ҳаражатлар деб ҳисобланади. Юқорида келтирилган фарқланиш, ҳаражатларни капитал ва жорий турларга анъанавий таснифлашдагидек ихтиёрийдир. Яъни турли мамлакатларда улар турлича талқин қилинганлиги сабабли улардаги давлат сектори инвестицияларини таққослашда, саноати ривожланган малакатлар инвестицияларини таққослашда ҳам бир қанча қийинчиликлар келиб чиқади. Бу ерда энг муҳими, барча давлат инвестициялари иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, лекин турли лойиҳаларни молиялаштиришда давлат маблағларидан фойдаланиш масаласида керагидан ортиқча ҳаражатларга йўл қўйилиши тўғрисида кўплаб мисолларни келтириш мумкинлиги шубҳа уйғотишини эсдан чиқармаслик ва бу масалада жуда катта аниқлик ва назорат ўрнатиш лозим. Агар асосий воситаларни яхши ҳолатда сақлаб туришга нисбатан янги капитал қўйилмаларни сарфлашга устунлик бериладиган бўлса, пировард оқибатда бу ҳолат иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига (ўсишига эмас) олиб келади.

Шундай қилиб, дастлабки қарашда жорий бюджет баланси кўрсаткичи жозибали кўринсада, яхши индикатор бўлиб ҳизмат қилолмайди. Ундан шунингдек бюджет соҳисидаги ҳолатнинг ички ва ташқи секторлар орасидаги

макроиқтисодий балансга таъсирини таҳлил қилишда ҳам фойдаланиб бўлмайди.

– *бирламчи ёки фоизсиз баланс.* Бу кўрсаткичда фоиз тўловлари ҳисобга олинмайди ва натижада турли босқичларда жорий бюджет сиёсатининг таъсирини аниқлаш имконияти туғилади. Асосий баланс ҳисоб-китобларида, одатда ялпи фоиз тўловлари ялпи ҳаражатлардан айириб ташланади. Бироқ, назарий нуқтаи назардан ҳукумат томонидан амалга ошириладиган фақат соф фоиз тўловлари айирилиши (фоиз тўловларидан фоиз тушумларини айирмаси) лозим. Ушбу бирламчи баланс ҳукуматнинг жорий бюджет сиёсати соф давлат қарзига қандай таъсир ўтказётганлигини ифодалагани учун давлат бюджети камамадини олдинги йил даражасида (агар у талабларга жавоб берадиган даражада бўлган бўлса) сақлаб қолиш имкониятини ифодаловчи муҳим индикатор бўлиб ҳисобланади ва уни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\begin{array}{l}
 \text{Асосий} \\
 \text{бюджет} \\
 \text{камомади/} \\
 \text{ижобий} \\
 \text{сальдоси}
 \end{array}
 =
 \begin{array}{l}
 \text{анъанавий} \\
 \text{бюджет} \\
 \text{камомади/} \\
 \text{ижобий} \\
 \text{сальдоси}
 \end{array}
 -
 \begin{array}{l}
 \text{тўланган} \\
 \text{фоизлар.}
 \end{array}$$

– *операцион баланс.* Уни ҳисоблаш учун анъанавий балансдан инфляция ҳисобига тўғри келган фоиз тўловлари айирилади, ёки бирламчи балансга фоиз тўловларининг реал миқдори кўшилади. Узилмаган номинал давлат қарзининг реал қиймати кредиторлар юқорироқ номинал фоиз ставкалари белгилаб, уни қоплашга ҳаракат қилишларига қарамасдан инфляция ҳисобига камаяди. Бундай қоплаш кўпинча *пул коррекцияси* деб номланиб, капиталдан фойдани эмас, балки капиталнинг қайтимини назарда тутаяди. Бошқача айтганда, давлат қарзига хизмат қилувчи фоиз тўловларининг бир қисми амалда асосий сумма қайтими ҳисобланади ва шунинг учун чизик тепасидаги фоиз тўловларидан бу суммани чиқариб ташламасак, камомад суммаси бўрттириб кўрсатилади. Операцион баланс тушунчасидан фойдаланганда ушбу муаммо пайдо бўлмайди. Бундай тушунчадан фойдаланиш, айниқса инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда ҳар бир йил учун бюджет сиёсатини давлатнинг реал қарз даражасига таъсирини аниқлашда асосий индикатор бўлганлиги учун муҳим ҳисобланади.

Инфляцион жараёнлар нисбатан юқори бўлган шароитларда реал давлат қарзининг динамикаси номинал давлат қарзи динамикасига нисбатан келгувсида қандай бюджет сиёсати юритилиши лозимлигини башоратлашда муҳим индикатор деб тан олинган. Юқори инфляция шароитларида анъанавий ва операцион баланс кўрсаткичлари ва ўзгариш тенденциялари орасида катта фарқланиш мавжуд бўлади. Юқоридаги ўзаро боғлиқликларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{Операцион} = \text{анъанавий} - \text{фоиз}$$

	<i>камомад/ ижобий сальдо</i>		<i>камомад/ ижобий сальдо</i>		<i>тўловларининг инфляцион қисми</i>
ёки	<i>Операцион камомад/ ижобий сальдо</i>	=	<i>анъанавий камомад/ ижобий сальдо</i>	-	<i>фоиз тўловларининг реал қисми</i>

2.3. Камомадни молиялаштириш. Солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлиги.

Давлат бюджети камомадининг макроиктисодий ҳолатга таъсири камомадни молиялаштириш характери билан узвий боғлиқдир. Юқорида кўрсатилганидек, камомадни қуйидаги тўртта манба ҳисобига молиялаштириш мумкин: Марказий банкдан қарз олиш ёки эмиссион молиялаштириш, банк секторидан қарз олиш, банк бўлмаган сектордан қарз олиш, ташқи дунё секторидан қарз олиш ёки валюта захираларидан фойдаланиш.

Кенг маънода олиб қараганда, юқорида кўрсатилган барча молиялаштириш манбалари макроиктисодий дисбалансга олиб келади: инфляцияга таъсир қилувчи ортиқча пул массаси шаклланади; ташқи қарз муаммосини кескинлаштириб юборувчи ҳаддан ташқари ташқи қарз ҳажмининг ошиб кетиши содир бўлади; валюта захиралари тугаб, валюта инқирозига олиб келади; ҳаддан ташқари ички қарзларнинг ошиб кетиши реал фоиз ставкалари ва давлат қарзини кескин ошишига олиб келади. Бироқ, амалда молиялаштиришнинг альтернатив усуллари ва уларнинг оқибатлари орасидаги ўзаро боғлиқликлар жуда мураккаб бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтаётган кўпчилик мамлакатларда давлат бюджети камомадининг салмоқли қисми нақд пулга айланиб, инфляциянинг асосий манбаига айланади. Ҳукуматнинг реал ресурсларни пул эмиссияси ҳисобига назорат қилиш қобилиятини баъзан "эмиссион даромад" деб номлашади. Ушбу тушунча "инфляцион солиқ" тушунчаси билан узвий боғланган.

Инфляцион солиқ ва эмиссион даромаднинг баъзи оқибатлари.

Ҳукумат ҳаражатларни бошқа секторлардан солиқ тушумларини ошириш, қарз олиш ёки пул эмиссияси ҳисобига молиялаштириши мумкин. Пул эмиссияси ҳисобига олинган эмиссион даромад ҳукумат хоҳлаган миқдорда қоғоз пуллар чиқариш монопол ҳуқуқига эгалигидан келиб чиқади. Пулни босиб чиқаришга кетган ҳаражатлар номинал купюра ҳисобига сотиб олинган ресурслар қийматидан анча паст бўлганлиги сабабли, ҳукумат пул босиб чиқариш эвазига эмиссион даромад олади. Ҳозирги шароитларда банклар ҳам пул яратиб, даромад олиш имкониятига эгалар. Демак, эмиссион даромадни мамлакатдаги пул эмитентларини ялпи реал ресурсларининг суммаси сифатида аниқлаш мумкин. Шартли равишда эмиссион даромадни (S) қуйидагича ёзиш мумкин:

$$S = \frac{\Delta M}{P} \quad \text{ёки} \quad S = \mu m,$$

бу ерда $\mu = \frac{\Delta M}{M}$ ёки фоизларда номинал пул захираларининг ўсиши, ва $m = \frac{M}{P}$.

Шундай қилиб, эмиссион даромадни бошқа секторлардаги номинал пул қолдиқларининг (ΔM) нарх даражаси (P) орқали ўзгариши сифатида, ёки фоизлардаги номинал пул ҳажмининг (μ) ўсиш суръатини реал пул ҳажмига (m) кўпайтириш орқали аниқлаш мумкин.

Давлатнинг эмиссион даромади (Sg) табиий равишда фақат давлатнинг захира пуллари эмиссиясини ва юқориқроқ самарали пулларни (H) ифодалагани учун умумий эмиссион даромаддан анча кам бўлади.

$$Sg = \frac{\Delta H}{P} \quad \text{ёки} \quad Sg = \beta * \frac{H}{P},$$

бу ерда $\beta = \frac{\Delta H}{H}$, яъни фоизларда захира пулларининг кўшимча ўсиш суръати.

Эмиссия даромадини (S) “соф эмиссия даромади” ва “инфляцион солиқ” қисмларга ажратиш мумкин:

$$S = \Delta m + \pi * m$$

ёки

$$S = \text{реал пул қолдиқларининг ўзгариши} +$$

+ инфляция даражаси *

* реал нақд пул қолдиқлари ҳажми,

ёки

$$S = \text{соф эмиссион даромад} + \text{инфляцион солиқ},$$

– m – эмиссион даромаднинг бир қисми бўлиб, реал нақд пул қолдиқларининг ўзгариш суммасини англатади. У реал иқтисодий ўсиш ёки пулга талабнинг мақбул тарзда ўзгариши натижасида пайдо бўлади;

– эмиссион даромаднинг инфляцион солиқ қисми инфляция суръатига тенг бўлиб, солиқ ставкасини (π) бошқа секторлардаги нақд пулнинг реал ҳажмига (m), яъни солиққа тортиш базасига кўпайтмасига тенг. Инфляция нолга тенг бўлган шароитларда инфляцион даромад ҳам, табиийки нолга тенг бўлади, аммо эмиссион даромад нақд пуллар реал қолдиқларининг ўсиши тўхтаб қолмаса, ҳамон келиб туриб туради.

Аҳолининг реал пул қолдиқларига талаби ўзгармаса, эмиссион даромад инфляцион солиққа тенг бўлади.

Бошқа секторлар тўлайдиган инфляцион солиқ ҳукумат тўплайдиган солиқдан анча катта бўлади. Бошқача айтганда, давлатнинг бюджет камомадини қоплашда инфляцион солиқ усулидан фойдаланиш сиёсатини олиб бориши натижасида бошқа секторларнинг мажбурий харажатлари ҳукуматнинг оладиган реал ресурсларига нисбатан анча катта бўлади. Шу маънода инфляцион солиқ жуда самарасиз ҳисобланади.

Инфляция суръатлари тезлашганда нақд пулларнинг реал қолдиқларига талаб пасаяди, чунки бошқа секторлар юқори инфляция шароитларига мослашишга ҳаракат қиладилар. Бунда улар шу жумладан, юқори даражада солиққа тортиладиган миллий валютани ҳорижий валютага алмаштириш усулларидан ҳам кенг фойдаланадилар.

Юқори даражадаги инфляция шароитларида нақд пулнинг реал қолдиқларини қисқариши инфляцион солиқ базасининг қисқаришига тенг бўлади. Солиққа тортиш базасининг бу тарзда қисқариши ҳукуматни олдинги даврдагидек солиқни йиғиб олиши учун инфляцияни (солиқ ставкасини) оширишга мажбур қилади.

График кўринишида эмиссион даромад тарзидаги тушумларни тескари ўгирилган U-шаклида чизиш мумкин. Инфляция ошиб борган сари эмиссион даромад ҳам ошиб боради, аммо маълум бир нуқтада у максимумга эришади, ундан сўнг инфляцияни ошиб боргани билан даромадлар пасайиб бораверади.

Кўпчилик саноати ривожланган мамлакатларда эмиссион даромаднинг максимал миқдори ЯИМнинг 1-2 фоизини ташкил қилади, ривожланаётган мамлакатларда эса у 5-10 фоизни ташкил қилади.

Банк тизимидан қарз олиши. Марказий банкдан кредит олиш ҳисобига қарз олишдан фарқли ўлароқ, депозит банкларидан олинган қарз автоматик тарзда юқори самарали пулни яратмайди (яъни, захира пулларни). Марказий банк томонидан депозит банкларининг кредит ресурсларига кўшимча талабларини қондириш учун ажратган кўшимча захиралари Марказий банкдан олинган кредит билан бир хилдир. Лекин, Марказий банк кредит ресурсларига бўлган кўшимча талабни қондиришдан бош тортса, депозит банклари хусусий секторни кредитлаш ҳажмини давлатга кўпроқ кредит бериши натижасида қисқартиришга мажбур бўлади. Бу ҳолат фоиз ставкаларини оширилиши натижасида хусусий сектор ҳаражатларини сиқиб чиқариш деб номланади.

Банк бўлмаган муассасалардан қарз олиши. Ички қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, уни банк банк бўлмаган муассасаларга сотиш орқали бюджет камомadini нозэмиссион молияштириши мумкин. Бу ҳолда банк тизими давлат мажбуриятларини жойлаштиришда воситачи сифатида қатнашади. Банк бўлмаган муассасалардан шу тарзда қарз олиш, давлат томонидан қисқа муддатларда пул базаси ёки халқаро захираларга тегмаган ҳолда бюджет камомadini ушлаб туриш имкониятини беради. Бундай усулдан фойдаланиш натижасида нафақат инфляция, балки ташқи сектордаги инқирознинг олдини олиш мумкин. Бироқ, ушбу тарзда қарз олишга хаддан ташқари берилиб кетилса, у хавfli вазиятларга олиб келиши мумкин. Биринчидан, агар давлат қарзи миқдори чегараланмаса, қисқа муддатларда инфляциянинг олди олингани билан, ўрта ва узоқ муддатларда инфляция катта даражаларга кўтарилиб кетади. Иккинчидан, аҳолидан тўғридан-тўғри қарз олиш, худди банк кредитлари ҳолатидек, хусусий сектордан пулни сиқиб чиқариб, мамлакат ичкарисида фоиз ставкаларининг кўтарилишига олиб келади. Юқорироқ даражадаги фоиз ставкалари иқтисодий ўсиш суръатларини нафақат сусайтиради, балки давлат қимматбаҳо қоғозларини юқори фоиз

ставкаларида эмиссия қилиш, ушбу ставкада мажбуриятлар узишни тақозо қилиб, қарзларга хизмат кўрсатиш харажатларини оширади ва натижада келгуси бюджет камомадини янада ошишига олиб келади. Реал фоиз ставкаларининг иқтисодий ўсиш суръатларидан баланд бўлган ҳолатларда қарзларга хизмат кўрсатиш харажатлари тинмай ўсиб бораверади ва натижада давлат қарзини талабга жавоб берадиган даражада ушлаб туриш имкони бўлмайди.

Юқори инфляцияли мамлакатларда давлат узок муддатли қарз мажбуриятларининг қиймати тез суръатларда пасайиб боради ва натижада ушбу воситага бозорда эркин талаб кескин камаяди. Бундай пайтларда ҳукумат қарз мажбуриятларини жойлаштириш мақсадида банклар ва аҳолини мажбурлаш (бевосита ёки билвосита) усулларидан фойдаланади. Лекин бундай усуллардан фойдаланиб, пулларнинг бир қисмини мусодара қилиш ҳукуматга нисбатан кўп йиллар давомида ишончсизликни келтириб чиқаради. Бундай ҳолларда давлат чидам билан изчил ноинфляцион макроиқтисодий сиёсат олиб бориб, молиявий барқарорликка эришиш натижасида ишонч уйғотишга ҳаракат қилиш лозим.

Ташқи қарз. Ҳукумат ташқи камомадни узок муддатли қарз мажбуриятларини норезидентларга сотиш ёки ўз валюта захиралари ҳисобига молиялаштириш мумкин. Аммо захиралар ҳисобига камомадни молиялаштириш имкониятлари чегараланган бўлади. Агар хусусий сектор валюта захираларининг тугаётганлигидан хабар топиб қолса, капитални четга чиқиб кетиши, алмашув курсининг тушиб кетиши натижасида инфляция даражаси кўтарила бошлайди.

Даставвал камомадни ташқи қарз ёки валюта захиралари ҳисобига молиялаштириш миллий валютани бақувватлашувига ва экспортлар рақобатбардошлигини кескин пасайишига олиб келади. Олдинги даврларда ҳаддан ташқари кўп қарз олинганлиги ва ривожланаётган мамлакатларнинг паст даражада рақобатбардошлиги бугунги кунда уларнинг ташқи молиялаштириш имкониятларини излашларида жиддий тўсиқ бўлмоқда. Тижорий манбалардан олиниши мумкин бўлган хорижий кредитларнинг фоиз ставкалари эса, бу мамлакатлар учун жуда қимматлик қилмоқда.

Агар бюджет кўрсаткичлари касса эмас, балки ўтказиш усулида ҳисобланса, молиялашнинг яна бир манбаи пайдо бўлади – у ҳам бўлса, муддати ўтиб кетган кредиторлик қарзларидир. Кўпчилик ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда мавжуд бўлган муддати ўтиб кетган қарздорлик туфайли касса ва ўтказиш усулида ҳисобланган бюджет камомади кўрсаткичлари бир биридан кескин фарқланади. Муддати ўтиб кетган қарздорлик ҳам камомадни мажбурий молиялаштириш усули бўлиб ҳисобланади.

Охириги йилларда иқтисодчи-олимлар орасида солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлиги масаласи катта қизиқиш уйғотмоқда. Қандай ҳолатларда солиқ-бюджет сиёсатини нобарқарор деб ҳисоблаш мумкин? Сиёсий қарор қабул қиладиган шахслар маълумоти учун қандай операцион индикаторлар ишлаб

чиқиш лозим? Ҳозирги пайтгача солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлигига ягона таъриф ишлаб чиқилмаган бўлсада, кўпчилик мутахассислар томонидан жорий ва келгуси бюджетлар камодаи ЯИМга нисбатан тез суръатларда ошиб борса, олиб борилаётган солиқ-бюджет сиёсати барқарор эмас, деб қабул қилинган. Шундай қилиб, барқарорликнинг энг асосий кўрсаткичларидан бири – қарзнинг ЯИМга нисбати ва унинг ўсиш суръатларидир.

Кўпчилик мамлакатлар тажрибаси қарз миқдорининг ЯИМга нисбати баланд бўлиши охир оқибатда олиб борилаётган сиёсатнинг келажаги йўқлиги ва уни ўзгартириш лозимлигини кўрсатди. қарзнинг ЯИМга нисбати баланд бўлиши реал фоиз ставкаларига босим ўтказиб, бюджет камодаи шароитларида қарзга хизмат кўрсатиш ҳаражатлари салмоғининг ошишига олиб келади ва бюджет сиёсатида ихчамлик ва эгилувчанлик имкониятларидан фойдаланишга имкон бермайди. Молия бозорининг иштирокчилари олиб борилаётган сиёсат ишонч уйғотмаётганлиги сабабли, уни ўзгартириш лозимлигига кўзи етиб, ўз кутишларини ўзгартиришади ва натижада ҳукумат олиб бораётган сиёсатни давом эттириш имконияти тугайди. Бу эса, ҳукумат томонидан қарз мажбуриятларини жойлаштириш масаласида муаммолар туғдиради ва охир оқибатда уларни сота олмай қолади. Бозор фаолиятининг қатнашчилари қарз миқдорининг ЯИМга нисбати қанчалик баланд бўлса, ҳукумат шунчалик ҳаражатларни қисқартириш ҳисобига бюджет чегараларида қолиши қийинлашишини тушуниб етадилар ва ҳукуматнинг эмиссион молиялаштириш ёки қарзни тўлашдан бош тортиш ва қарзни қайтариш шартларини ўзгартириш ҳавфи ошади.

Юқоридагилардан аён бўлдики, солиқ-бюджет сиёсатида барқарорликни аниқлаш масаласига ёндошувлардан бири бўлиб, фоиз ставкалари ва инфляциянинг мақбул ўсиш суръатларига мос келадиган ЯИМга нисбатан давлат қарзнинг миқдорини ўсишига йўл қўймайдиган курсни белгилаш ҳисобланар экан. Юқоридаги меъёрни олиб борилаётган солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлик даражасига баҳо берадиган индикатор сифатида талқин қилиш мумкинлигига қарамасдан, у айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Биринчидан, иқтисодий адабиётларда давлат қарзининг ЯИМ миқдори қанча бўлиши оптимал ёки мақбул бўлиши тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Иккинчидан, давлат қарзинининг ЯИМга нисбатини барқарор даражада ушлаб туриш бюджет сиёсатида жуда қаттиқ чекловлар билан боғланган бўлади. Шунинг учун солиқ-бюджет сиёсатини олиб боришда тўловга қобилиятлилик тушунчасидан келиб чиқадиган қаттиқ талабларни бировз енгиллаштириш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Тўловга қобилиятлилик тамойили барқарор бюджет сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг асосий талаби – қарзнинг ЯИМга нисбати реал фоиз ставкаси билан ЯИМнинг реал ўсиш суръати айирмаси суръатларида бўлишидир. Бунинг маъноси – қарзнинг номинал ўсиши номинал фоиз ставкаларидан пастроқ бўлиши керак.

Барқарорлик кўрсаткичлари. Қуйида келтирилган солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлик индикаторлари тўловга қобилиятликни таъминлаш

учун қарзнинг ЯИМга нисбатини қандай даражада ўзгариши лозимлигини белгилашга хизмат қилади. Бунда эмиссион даромаднинг доимий даражаси ўзгармас деб қабул қилинади:

– *капиталнинг соф ижобий қиймати.* Солиқ-бюджет балансининг дисконтланган жорий қиймати қарзнинг ЯИМга нисбати даражасига тенг ёки ундан катта бўлишини таъминлаш учун давлат идоралари капитали соф қийматининг манфий бўлмаслиги талаб қилинади. Ушбу сценарийга кўра бюджет барқарорлигини таъминлаш учун кўрсаткичларга тузатиш киритиш миқдори - қарзни ЯИМга нисбатининг бошланғич даражаси билан дисконтланган жорий асосий баланс орасидаги фарққа тенг бўлиши лозим;

– *асосий узилиш.* У дисконтланган асосий баланс миқдorigа тенг бўлиб, қарзнинг ЯИМга дастлабки нисбати билан ҳақиқатдаги асосий баланс орасидаги фарқ даражасида барқарорлашади. Агар узилиш миқдори мусбат бўлса қарзнинг ЯИМга нисбатини барқарорлаштириш учун ҳаражатларни қисқартириш талаб қилинади. Ушбу кўрсаткичдан ахборотлар етарли бўлмаган вақтларда муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Бу индикатор дастлабки қарз барқарор бўлган шароитларда капиталнинг соф ижобий қийматини аниқлашдагидек ҳисобланади;

– *ўрта муддат башоратларидаги солиқ бўйича узилиш.* Ушбу кўрсаткичдан ҳаражатлар, трансфертлар, реал фоиз ставкалари ва ЯИМ реал ўсиш суръатларининг ошиши башорат қилинаётган (фоиз тўловларидан ташқари) шароитларда тўланмаган давлат қарзларини солиқ тушумлари билан мутаносиблигини таъминлаш учун зарур бўлган тузатишлар киритишни аниқлашда фойдаланилади.

2.4. Давлат ҳаражатлари ва соф кредитлашни ҳамда молиялаштириш манбааларини прогнозлаш.

Давлат ҳаражатларининг иқтисодий таснифидаги йирик категорияларни белгиловчи эндоген омилларни ҳисобга олиш талаб қилинади. Иш ҳақи даражасига – давлат хизматчиларининг иш ҳақи ва бандлик соҳасидаги сиёсатнинг айрим қирралари, айниқса нархларнинг ошиши шароитида иш ҳақининг индексациялаш қоидалари, ҳамда хусусий сектордаги иш ҳақининг ўзгаришлари таъсир ўтказади. Товар ва хизматларга ҳаражатлар бюджет ҳаражатларининг ошишини чекловчи механизмлар мавжудлигига қарамасдан, нархларнинг ошиши билан боғлиқ бўлади. Фоиз тўловларини ички ва халқаро ставкалар, ҳамда ички ва ташқи давлат қарзлари белгилайди. Фоиз тўловларини жорий йилда олинган янги қарзлар учун ҳам тўланиши сабабли, фоиз тўловлари ва молиялаштиришнинг тегишли моддалари башорати босқичма босқич мувофиқлаштирилиши талаб қилинади. Баъзи трансфертларнинг миқдори, масалан, ишсизлик нафақалари миқдори, иқтисодий фаоллик даражаси демографик омилларга боғлиқ бўлади. Бир қанча мамлакатларда давлат капитал қўйилмаларининг миқдори ташқи молиялаштириш имкониятлари мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шу билан бирга давлат ҳаражатлари соҳасидаги қарорлар мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади. Ҳукумат томонидан давлат умумий ҳаражатларининг максимал суммаси белгиланган ҳолларда баъзи бир ҳаражат турлари чекланиб қолиши мумкин.

Молиялаштириш элементларини башоратлашда қуйидаги учта манбага алоҳида эътибор берилади: ташқи молиялаштириш; ички нобанк қарзлари; ички банк тизимидан қарзлар.

Ташқи молиялаштиришни башоратлашда асосий ахборот манбаи бўлиб ҳукуматнинг янги қарз олиш режалари ва қарзларни узиш графиклари ҳисобланади. Шу билан бирга бу маълумотлар хорижий кредиторларнинг янги кредитлар бериш ва қарзларни тўлаш башоратлари ва ниятларига мос келиши керак. Бундай ахборотлар тўлов балансининг капитал билан операциялар счётида кўрсатилади. Агар ташқи қарз миқдори ва таркибини аниқлаш муаммолар туғдирса, бундай башоратлар ташқи қарз масаласини таҳлил қилиш доирасида кўриб чиқилиши керак.

Ички нобанк қарзлари моддаси бўйича давлат молия муассасалари ва бошқа ички кредиторлар орасида жойлаштириши мумкин бўлган қарз мажбуриятларининг соф суммаси башоратини тузиш лозим. Бунда ушбу мажбуриятларнинг чиқарилиши фоиз ставкаларига (оқибатда қарз маблағлари қийматига), ҳамда давлат секторидан ташқаридаги маблағлар ҳисобига молиялаштириш, айниқса хусусий секторда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга капитал қўйилмалар учун йўналтирилган маблағлар имкониятларига таъсирини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Банк тизими ҳисобига молиялаштириш суммаси қолдиқ (сальдо) усулида аниқланади ва бу сумма ялпи ички кредитнинг ўсиш режалари билан таққосланади.

Назорат саволлари

1. Давлат сектори деганда нимани тушунасиз?
2. Бюджет дисбалансини ҳисоблашни тушунтириб беринг?
3. Солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлигини таъминлаш йўлларини тушунтириб беринг?
4. Давлат ҳаражатлари ва соф кредитлашни ҳамда молиялаштириш манбаалари деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси] // Ишонч. – 2017. – 17 январь.

2. Carlos Oliveira. “Options and Derivatives Programming in C++: Algorithms and Programming Techniques for the Financial Industry”. 2016. 260 pages
3. Carlos Oliveira. “Practical C++ Financial Programming”. 2015. 396 pages.
4. Nabixo’jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O’quv qo’llanma. – T.: “Иқтисодиёт”, 2010. 212 b.
5. N.M. Soatov, X. Nabiev, D.X. Nabiev, G.N. Tillaxo’jaeva. Statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2011. – 548 bet.
6. X. Nabiyev, A.H. Ayubjonov, S.N. Sayfullaev. Iqtisodiy statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2014. – 324 bet.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. www.wikipedia.org/
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. www.wikipedia.org/

3-мавзу. Тўлов баланси таҳлили, прогнози ҳамда мамлакатлар статистик кўрсаткичларини халқаро таққослашда аҳамияти

Режа:

1. Тўлов балансининг концептуал асослари.
2. Ҳисоблардаги муҳим концепциялар. Тўлов балансининг стандарт таснифи. Асосий компоненталар.
3. Жорий операциялар смети. Капитал ва молиявий операциялар смети.
4. Тўлов балансини таҳлил қилиш. Жорий операциялар смети таҳлили.

Таянч иборалар: тўлов баланси, капитал ва молиявий операциялар, жорий операциялар, капитал ва молиявий операциялар, қарз суммаси, ташқи қарз, резервлар, ялпи ва соф резерв, камомадни қоплаш.

3.1. Тўлов балансининг концептуал асослари.

Тўлов баланси миллий ҳисобчиликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. У мамлакат иқтисодиётининг ҳолатини ифодаловчи муҳим маълумотларни беради. Тўлов баланси МХТни ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги муҳим маълумотлар билан тўлдиради. У мамлакат иқтисодиётини таҳлил ва башорат

қилишда асосий воситалардан бири ҳисобланади. Унинг ёрдамида иқтисодий натижалар қандай шарт-шароитда ва нималар эвазига эришилганлигини билиш мумкин. Тўлов баланси мамлакатда иқтисодий ўсиш (камайиш) қай тарзда бўлганлигини, яъни ташқи дунёдан олинган қарз эвазигами ёки мамлакат олтин ва валюта захираларининг камайиши ҳисобигами ёки малакатнинг ташқи дунё олдида соф мажбуриятларини кўпайтирмай ўз имкониятлари ишга солган ҳолда эришилганлигини билиш мумкин. Тўлов баланси айти вақтда, мамлакатда иқтисодий ўсиш ёки камайиш қайси йўл билан эришилганлигини кўрсатиб беради. У туб маънода иқтисодий ўсиш ёки камайиш бўлганлигини билишга имкон беради.

Тўлов баланси мамлакат резидент бирликларининг норезидентлар билан бўлган иқтисодий муносабатлари натижаларининг маълум бир давр (ой, чорак, йил) давомидаги ўзгаришларини ифодалайди.

Иқтисодий назарияда «тўлов баланси» атамаси илк бор XVIII асрнинг охирларида ишлатилган. Дастлабки даврларда тўлов баланси деганда асосан ташқи савдо баланси сальдоси назарда тутилган. Кейинги даврларда мамлакатлараро ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб бориши натижасида тўлов балансининг мазмуни кенгайиб борган. Биринчи марта тўлов баланси АҚШда тузилди ва расмий равишда 1923 йилда чоп этилди. 1943 йилда америкалик иқтисодчи Лери Америка қўшма Штатларининг 1919-1939 йиллар учун тўлов балансларини тузди. Албатта, бу баланслар тўлов баланси методологиясини ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Халқаро тўлов тизимининг ривожланиши ва кенгайиб бориши, халқаро молия-кредит ташкилотларининг юзага келиши тўлов балансини тузиш тартиби ва методологиясини маълум бир андозага келтиришни тақозо қилди. Тўлов балансини тузиш тартиби илк бор халқаро андоза сифатида 1947 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан чоп этилган. Шундан кейин то ҳозирги давргача тўлов балансини тузиш тартиби ва қоидаларини такомиллаштириш вазифасини ХВЖ амалга ошириб келмоқда. Ўтган даврда тўлов балансини тузиш тартиби ҳаммаси бўлиб беш маротаба ўзгартирилган. Охирги тузиш тартиби 1993 йилда чоп этилган. Амалдаги тўлов балансининг асосий тушунчалари, уларда ишлатиладиган таснифлар, операцияларни ҳисобга олиш усуллари ва вақти МҲТ методологияси билан уйғунлаштириб қурилган.

Тўлов балансини тузиш бухгалтерия ҳисоботларида қўлланиладиган иккиёклама ёзиш тамойилига асосланган. Ҳар бир операция тўлов балансида икки марта – кредитда (плюс ишора билан) ва дебетда (минус ишора билан) қайд этилади. Шу сабабли, тўлов балансининг кредит ва дебет кўрсаткичлари йиғиндиси нолга тенг (баланс) бўлади. Шунини айтиш жоизки, тўлов балансининг операциялари бухгалтерия операциялари каби алоҳида-алоҳида қайд этилмайди. Операциялар гуруҳланган ҳолда ва соф ҳолда қайд этилади. Масалан, минглаб товарлар турли даврларда минглаб шартномалар асосида экспорт қилинади. Мос равишда уларнинг тўловлари ҳам турли даврларга тўғри келади. Бу операциялар тўлов балансида ҳар бир товар ва ҳар бир экспорт операцияси бўйича алоҳида-алоҳида қайд этилмайди. Тўлов балансида бу

операциялар тузилаётган давр учун бир марта қайд этилади. Экспорт ва импорт операциялари экспорт ва импорт қилинган даврда жорий операциялар счётида ёзиб қўйилади (биринчи қайд этиш). Бу операциянинг ҳисоб-китоби натижалари молия счётида ёзиб (иккинчи қайд этиш) қўйилади. Экспорт операциялари кредитда, импорт эса дебетда ёзиб қўйилади. Экспорт операцияси биринчи қайд этишда жорий операциялар счётида ёзилади. Иккинчи қайд этишда, шу даврда экспорт эвазига қайтиб келмаган актив миқдори (тўланмаган қисми) молия счётида ёзилади. Бу операция экспорт қилган томоннинг талаби ошганлигини ёки экспортни олган мамлакатнинг мажбурияти ошганлигини билдиради. Масалан, 2014 йили Ўзбекистон АҚШ га 800 млн. сўмлик пахта экспорт қилди. Шу йилнинг ўзида пахта учун 750 млн. сўм тўланди, қолган 50 млн. сўм эса 2015 йилда тўланди. Ўзбекистоннинг тўлов балансида бу операция қуйидагича ёзилади:

2014 йил тўлов баланси, млн.сўм

	Кредит	Дебет	Сальдо
Товарлар	800		800
Молия счёти			
Активлар			
- тижорат кредитлари		50	-50
- нақд пул, депозитлар		750	-750
Баланс	800	800	0

2015 йил тўлов баланси, млн.сўм

	Кредит	Дебет	Сальдо
Молия счёти			
Активлар			
- тижорат кредитлари	50		50
- нақд пул, депозитлар		50	-50
Баланс	50	50	0

Иқтисодий назарияда трансфертлар бир томонлама операция ҳисобланади. Тўлов балансида бундай операциялар ўзига хос тартибда қайд этилади. Агарда, трансферт товар ёки хизмат кўринишида бўлса, у биринчи марта экспорт ёки импорт сифатида ва иккинчи марта трансфертлар қаторида қайд этилади. Трансферт молия (нақд пул, акция, қимматли қоғоз, депозит) кўринишида бўлса, тўлов балансининг трансфертлар қаторида ва молия счётида активнинг турига қараб тегишли қаторда қайд этилади. Масалан, Ўзбекистонга АҚШдан ҳаммаси бўлиб 500 бирлик инсонпарварлик ёрдами келди. Шу жумладан, мос равишда 360 ва 40 бирлик товар ва хизмат кўринишида, 30 бирлик нақд пул бирлик кўринишида келди. Бундан ташқари, АҚШ ўзига тегишли 70 бирлик акцияни болалар боғчасига совға қилди. Бу операцияларни Ўзбекистон ва АҚШнинг тўлов балансларида қайд этилиши қуйида келтирилган.

Ўзбекистоннинг тўлов баланси

	Кредит	Дебет
<i>Импорт</i>		
- товарлар		360
- хизматлар		40
Трансфертлар	500	
Молия счёти		
- нақд пуллар, депозитлар		30
- портфель инвестициялар		70
Баланс	500	500

АҚШнинг тўлов баланси

	Кредит	Дебет
<i>Экспорт</i>		
- товарлар	360	
- хизматлар	40	
Трансфертлар		500
Молия счёти		
- нақд пуллар, депозитлар	30	
- портфель инвестициялар	70	
Баланс	500	500

Тўлов балансида норезидентлардан резидентларга келган даромадлар кредитда, норезидентларга тўлангани дебетда ёзилади. Трансфертларнинг келгани кредитда, кетгани дебетда ёзилади.

Номолиявий ишлаб чиқарилмаган активларни сотиш кредитда, сотиб олиш дебетда қайд этилади. Молиявий активлар ва мажбуриятлар билан бўладиган операциялар натижалари уларнинг натижасига қараб - норезидентларга нисбатан мажбуриятлар ошганда ёки талаб камайган ҳолларда кредитда ёзилади. Акс ҳолда, яъни норезидентларга талаб ошганда ёки мажбуриятлар камайганда дебетда қайд этилади.

3.2. Ҳисоблардаги муҳим концепциялар. Тўлов балансининг стандарт таснифи. Асосий компоненталар.

Тўлов балансини тузишдан асосан иккита мақсад кўзланади. Биринчидан, ҳар бир мамлакатнинг ташқи дунё билан бўлган иқтисодий муносабатлари натижаларини билиши ва иккинчидан, бошқа мамлакатлар тўлов балансида фойдаланган ҳолда дунё миқёсида товарлар, хизматлар, инвестиция ва кредитлар бозорида бўлаётган жараёнларни билиш. Шу сабабли, ҳамма мамлакатларда тўлов баланси ягона андоза асосида тузилади. Бу андозани ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалиётга тадбиқ этишда кўмак бериш вазифасини ХВЖ бажаради. Тўлов балансининг қисқартирилган кўринишдаги таркиби 4.1-жадвалда келтирилган.

Тўлов баланси таркибан жорий операциялар, капитал ва молиявий операциялар счётидан иборат бўлади. Жорий операциялар счётида товарлар ва хизматлар ҳамда даромадлар ва жорий трансфертлар билан бўладиган операциялар алоҳида-алоҳида кичик счётларда қайд этилади.

Товарлар счётида эгалик ҳуқуқи мутлақ товарни олаётган бирлик фойдасига ўтаётган товарлар, қайта ишлаш ва тузатишга мўлжалланган товарлар, портда транспорт ташкилотлари томонидан сотиб олинган товарлар (бензин, керосин ва ҳ.к.) алоҳида-алоҳида қайд этилади. Бундан ташқари, номонетар олтин² билан бўлган операциялар ҳам алоҳида қайд этилади.

Хизматлар счётида резидент ва норезидентлар ўртасидаги хизматлар айирбошлаш операциялари хизматларнинг гуруҳлари бўйича қайд этилади. Масалан, транспорт, сайёҳлик, суғурта, қурилиш, алоқа ва ҳ.к.

Даромадлар счётида резидент ва норезидент бирликларнинг ташқи дунё иқтисодиётида иштирок этишлари натижасида олган ва берган даромадлари қайд этилади. Даромадлар одатда икки турга бўлинади: 1) *иш ҳақи* билан боғлиқ даромадлар (кейинчалик қисқача- иш ҳақи); ва 2) *инвестициялардан олинган* ёки берилган даромадлар³.

4.1-жадвал.

Тўлов баланси

	Кредит	Дебет	Сальдо
1. Жорий операциялар счёти			
А. Товарлар ва хизматлар			
а. Товарлар			
1. Экспорт ва импорт товарлари			
2. Қайта ишланадиган товарлар			
3. Машина ва ускуналарни тузатиш			
4. Портда сотиб олинган товарлар			
5. Номонетар олтин			
б. Хизматлар			
Б. Даромадлар			
В. Жорий трансфертлар			
Капитал ва молиявий операциялар счёти			
А. Капитал операциялар счёти			
1. Капитал трансфертлар			
2. Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар			
Б. Молия счёти			
1. Тўғри инвестициялар			
2. Портфель инвестициялар			
3. Бошқа инвестициялар			
<i>3.1 А к т и в л а р</i>			
3.1.1. Коммерция кредитлари			
3.1.2. Ссуда ва қарзлар, четга берилгани			
3.1.3. Нақд пуллар ва депозитлар			
3.1.4. Бошқа активлар			

² Товар сифатида экспорт (импорт) ³илинадиган олтин.

³ МЎТда мулк учун олинган ёки тўланган даромадлар деб юритилади.

3.2 <i>Мажбуриятлар</i>			
3.2.1. Коммерция кредитлари			
3.2.2. Ссуда ва қарзлар, четдан олингани			
3.2.3. Нақд пуллар ва депозитлар			
3.2.4. Бошқа активлар			
4. Резерв активлари			
Статистик ҳатоликлар			

Иш ҳақи таркибига бевосита иш ҳақи ва унга қўшимчалар, мукофотлар киради. Бундан ташқари, иш ҳақига қўшимча иш берувчиларнинг ишчилар фойдасига бераётган натура ҳолидаги даромадлари⁴, суғурта бадаллари ва нафақа фондларига ажратмалари ҳам киради.

Инвестициялардан даромадларга ишлатилган кредитлар ва депозитлар учун фоиз тўловлари, тўғри ва портфель инвестициялардан олинган (ёки берилган) дивидендлар киради.

Резидентларнинг олган даромадлари кредитда, берганлари – дебетда ёзиб қўйилади.

Жорий тарансфертлар счётида резидент ва норезидент бирликлар ўртасидаги инсонпарварлик ва техник ёрдамлари, халқаро ташкилотлар ва уюшмаларга тўланган аъзолик бадаллари каби операциялар қайд этилади. Бундан ташқари, чет элда ишлаётган мигрантларнинг⁵ она юртига пул ўтказишлари ҳам жорий трансферт сифатида қайд этилади. Резидентларнинг олган жорий трансфертлари кредитда, берганлари – дебетда ёзиб қўйилади.

Капитал ва молиявий операциялар счёти *капитал операциялар* ва *молия счётидан* иборат.

Капитал операциялар счёти икки қисмдан иборат:

1) капитал трансфертлар ва 2) ишлаб чиқарилмаган ноқимлик активларни сотиш ёки сотиб олиш.

Капитал тарансфертлар давлат бошқарув идоралари сектори ва бошқа ҳамма секторлар бўйича тузилади. Давлат бошқарув идоралари сектори бўйича бу секторга кирувчи институцион бирликларнинг норезидент бирликлар билан бўлган капитал характердаги операциялари қайд этилади. Унинг таркибига қарз берувчининг қарздан воз кечиши, инвестиция трансфертлари, капитал трансфертларга солиқлар ва давлат томонидан тасодифий ходисалар натижасида келтирилган зарарни қоплаш операциялари киради.

Бошқа секторлар бўйича капитал трансфертлар сифатида қарз берувчининг қарздан воз кечиши, миграция⁶ билан боғлиқ трансфертлар, инвестиция трансфертлари операциялари қайд этилади. Резидентларнинг олган капитал трансфертлари кредитда, берганлари – дебетда ёзиб қўйилади.

⁴ Ишчи–хизматчиларга бепул берилган товарлар ва хизматлар, уларга ва уларнинг оила аъзоларига даволаниш, малакаларини ошириш ва шу каби билан боғлиқ харажатларини толаш назарда тутилади.

⁵ Мигрант деб, бир мамлакат фуқаросининг бошқа мамлакат қудудида бир йил ва ундан ортиқ вақтда яшаётган (ёки яшашни мўлжаллаган) фуқароларига айтилади.

⁶ Миграция натижасида мигрантга тегишли активлар бошқа мамлакатнинг активи бўлиб қолади. Шу сабабли, бу активнинг камайиши капитал трансферт сифатида қайд этилади.

Счётнинг *ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларни сотиш ёки сотиб олиш* қисмида резидент ва норезидент бирликлар ўртасида моддий (ер ва конлар) ва номоддий (патент, муаллифлик ҳуқуқи, савдо белгилари ва ҳ.к.) активларни сотиш ва сотиб олиш операциялари қайд этилади. Бу операцияларга мисол сифатида элчихона биносини қуриш учун ер сотиб олиш ва сотиш операцияларини келтириш мумкин.

Молия счётида бевосита, портфель ва бошқа инвестициялар ҳамда резерв активлари билан бўладиган операциялар қайд этилади. Бу счёта норезидентлар олдида мажбуриятларнинг ошиши ва норезидентларга бўлган талабларнинг камайиши *кредитда* қайд этилади. *Дебетда* норезидентларга бўлган талабнинг кўпайиши ва норезидентлар олдида мажбуриятларнинг камайишига олиб келадиган операциялар қайд этилади.

Бевосита инвестицияларга резидент ва норезидентлар ўртасида институцион бирликнинг фаолиятини бошқаришда қатнашиш ва корхона фойдасидан дивидендлар олиш мақсадида асосий капиталга қўйилган инвестициялар киради. Бу қўйилмалар натура ёки молия кўринишида қўйилиши мумкин. Бу гуруҳга корхона асосий капиталининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил қиладиган инвестициялар киради.

Портфель инвестицияларга корхона асосий капиталининг 10 фоиздан кам бўлган асосий капиталга қўйилган инвестициялар киради. Портфель инвестор корхона фаолиятини бошқаришда қатнашишни кўзламайди. Унинг асосий мақсади қўйган инвестицияси эвазига дивидендлар олиш билан кифояланади. Агар портфель инвесторнинг улуши маълум муддатдан сўнг корхонанинг асосий капиталида 10 фоиздан ошса, у бевосита инвестор ҳисобланиб, тўлов балансига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Масалан, инвестор биринчи даврда корхонанинг 7 фоиз акциясини 1000 бирликка сотиб олди, сўнг кейинги даврда яна 5 фоиз акцияни 714 бирликка сотиб олди. Бу операциялар тўлов балансида қуйидагича ёзилади.

Тўлов баланси (биринчи давр)

Кўрсаткичлар	Кредит	Дебет
Бевосита инвестициялар	0	0
Портфель инвестициялар	1000	0
	Иккинчи давр	
Бевосита инвестициялар	1714	
Портфель инвестициялар		1000

Бевосита ва портфель инвестициялар пул ёки депозит кўринишида қўйилса 2- ёзув тўлов балансининг *молия* счётидаги мос қаторда ёзилади. Товар ёки

хизмат кўринишида бўлса, *товарлар ва хизматлар* экспорти ёки импорти сифатида қайд этилади. Капитал трансфертлар сифатида қўйилса, капитал операциялар счётининг *капитал трансфертлар* қаторига ёзилади.

Бошқа инвестициялар гуруҳида савдо кредитлари, қисқа ва узоқ муддатга олинган ва берилган пул-кредит операциялари, товар ва хизмат операциялари натижасида икки томоннинг актив ва мажбуриятларида содир бўладиган ўзгаришлар қайд этилади. Активлар ва мажбуриятлар билан бўладиган операциялар алоҳида-алоҳида қайд этилади.

Резерв активлари гуруҳида мамлакатнинг резерв активларида бўладиган ўзгаришлар қайд этилади. Операциялар резервга кирувчи ҳар бир актив бўйича қайд этилади.

3.3. Жорий операциялар счёти. Капитал ва молиявий операциялар счёти.

Тўлов баланси одатда миллий валюта бирлигида тузилади. Агар мамлакатда миллий валюта барқарор бўлмаса ёки инфляция даражаси катта бўлса тўлов балансини барқарор қаттиқ валюта бирлигида тузиш тавсия этилади. Маълумки, амалиётда ташқи иқтисодий операциялар турли хил валюталарда амалга оширилади. Шу сабабли, тўлов балансида операциялар қайд этилаётганда содир бўлган операциялар иложи борида тўлов баланси тузилаётган валюта бирлигига операциялар бўлган вақтдаги айирбошлаш курсларида⁷ ўтказилиши тавсия этилади. Бунинг иложи бўлмаган ҳолларда ўртача айирбошлаш курслари қўлланилади.

Тўлов баланси ва халқаро савдо статистикаси қоидаларида товарлар қийматини баҳолашда бирмунча фарқ бор. Тўлов балансида товарлар ФОБ⁸ баҳоларида қайд этилади. Халқаро савдо ҳисоботларида товарлар экспорти ФОБ баҳоларида, импорт - СИФ⁹ баҳоларида ҳисобга олинади. Шу сабабли, тўлов балансида товарларни қайд этиш жараёнида ўзгартиришлар киритилади. Бунинг учун, импорт қилинаётган товарнинг СИФ қийматидан чет мамлакат божхона чегарасидан товарни импорт қилаётган мамлакат божхона чегарасигача бўлган транспорт, ортиш-тушириш ва суғурта харажатлари айириб ташланади ва хизматлар импорти сифатида қайд этилади. Масалан, Ўзбекистон Кубадан 1.000 тонна шакар импорт қилган. Шартномага кўра Куба томони шакарни Ўзбекистоннинг божхона чегарасигача келтириб бериши кўзда тутилган. Куба божхона портидан юкни Ўзбекистон божхона чегарасигача етказиш бўйича транспорт ва суғурта хизматларининг 80 фоизини Россия, 20 фоизини қозоғистон транспорт ва суғурта компаниялари бажариши кўзда тутилган. Шартнома қиймати 300.000 АҚШ долларига тенг. Бу операцияни

⁷ Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатларда турли хил валюта айирбошлаш курслари мавжуд бўлиши мумкин. Шу сабабли, операцияларни бир валюта бирлигидан иккинчисига ўтказишда муаммолар пайдо бўлади. Бундай ҳолларда содир бўлган операциянинг моциятини билган долда айирбошлаш курсларини танлаш тавсия этилади. Масалан, жисмоний шахс миллий валютада экспорт қилди. Бу операцияни АҚШ долларидagi қийматга ўтказишда шу бирликнинг маънасида қандай айирбошлаш курсида АҚШ долларига эга бўлишига қараб айирбошлаш курси танланади.

⁸ ФОБ - товар қийматида товарни мамлакат божхона чегарасига олиб борилгунча бўлган транспорт, ортиш ва тушириш ҳамда суғурта харажатлари қўшилган бўлади.

⁹ СИФ - товар қийматида товарни мамлакат божхона чегарасига олиб келингунча бўлган транспорт, ортиш ва тушириш ҳамда суғурта харажатлари қўшилган бўлади.

тўлов балансида қайд этиш учун, 1 тонна шакарнинг Куба портидаги баҳоси ва шакарни Ўзбекистоннинг божхона чегарасига етиб келгунча бўлган транспорт, ортиш-тушириш, суғурта харажатлари аниқланади. Мисол учун 1 тонна шакарнинг Куба портидаги бозор баҳоси 220 АҚШ доллари бўлсин. Шу шартга кўра импорт қилинаётган шакарнинг қиймати 220 минг АҚШ доллари, транспорт-суғурта хизматлари 80 минг АҚШ долларига тенг бўлади. Бу операция шу операцияда қатнашувчи мамлакатлар тўлов балансларида қуйидагича қайд этилади.

Ўзбекистоннинг тўлов баланси (минг АҚШ доллари)

	Кредит	Дебет
<i>Импорт</i>		
- товарлар		220
- хизматлар		80

Кубанинг тўлов баланси (минг АҚШ доллари)

	Кредит	Дебет
<i>Экспорт</i>		
- товарлар	220	

Россиянинг тўлов баланси

	Кредит	Дебет
<i>Экспорт</i>		
- хизматлар	64	

Қозоғистоннинг тўлов баланси

	Кредит	Дебет
<i>Экспорт</i>		
- хизматлар	16	

Айрим мамлакатларда ташқи савдо статистикасида экспорт ва импорт операциялари шартнома баҳоларида қайд этилади. Бундай ҳолларда, тўлов балансида бу операциялар бозор баҳоларига ўтказилиб қайд этилади. Масалан, экспорт шартномасида пахта толаси ҳар тоннасига 1.250 АҚШ доллари ҳисобида кўрсатилган бўлиб, якуний ҳисоб-китоб Ливерпуль биржасидаги нархда амалга оширилиши кўрсатилган. Толани импорт қилувчи норезидент олган вақтдаги толанинг нархи Ливерпуль биржасида 1.300 АҚШ долларига тенг бўлган. Норезидент ўз тўлов балансида бу операцияни олган баҳосидаги миқдорда, яъни Ливерпуль биржасидаги баҳода қайд этади. Шу сабабли, экспорт қилувчи мамлакат ҳам бу операцияни биржадаги қийматда қайд этиши керак бўлади.

Айрим ҳолларда, бартер операциялари қиймати шартномада бозор баҳоларида кўрсатилмаган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда бартер миқдори

мос равишда бозор баҳоларида¹⁰ баҳоланиб тўлов балансида қайд этилиши керак.

Трансфертларнинг қийматини аниқлашда ҳам айрим муаммолар туғилиши мумкин. Масалан, бир мамлакат иккинчи мамлакатга инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётганда ёрдам қиймати ёрдам берувчи томонидан (бир томонлама) баҳоланади. Бу баҳо, бозор баҳоларидан анча фарқ қилиши мумкин. Шу сабабли, бундай операцияларни баҳолашда қўшимча ахборотлардан фойдаланиш керак бўлади. Масалан, ёрдам ҳажмини ифодаловчи натура кўрсаткичларидан (қанча тонна, дона, метр ва х.к.), уларнинг берилган давридаги бозор баҳоларидан фойдаланиб операциялар қийматини аниқлаш тўлов балансининг аниқлигини оширади.

Жорий даромадлар ва молиявий операциялар қиймати уларнинг операция ўтказилган ҳақиқий қийматларида баҳоланади. Бошқа валюта бирлигига ҳам операцияларнинг тури ва моҳиятига қараб, содир бўлган вақтдаги айирбошлаш курсларида ўтказиш тавсия этилади.

Мамлакатнинг олтин-валюта захиралари қиймати захира ҳолати аниқланаётган кундаги бозор баҳоларидан ва валюта айирбошлаш курсларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

3.4. Тўлов балансини таҳлил қилиш. Жорий операциялар смети таҳлили.

Тўлов баланси мамлакат резидентлари билан чет эл норезидентлари ўртасида содир бўладиган операцияларнинг мажмуидан иборат. Шу сабабли, тўлов балансини тузишда турли хил ахборотлар зарур бўлади. Тўлов балансининг ахборот базасини ҳамма мамлакатлар учун ягона таркибга ва андозага келтириш амалий жиҳатдан мумкин эмас. Чунки, дунёда иқтисодиёти бир хил иккита мамлакатни топиш мушкул иш. Бундан ташқари, ҳар бир олинган ахборотни тўлов балансида қайд этишдан олдин уни моҳиятига қараб тўлов баланси нуқтаи назаридан қараб чиқилиши керак. Масалан, божхона ва корхоналар статистикасида кўрсатилган экспорт ёки импорт тўғрисидаги ахборотларни тўғридан-тўғри тўлов балансида қайд этиб бўлмайди. Чунки, божхона статистикасида товарлар божхона чегарасидан ўтганда, корхона статистикасида эса корхонадан кетганда (ҳисобидан чиқарилганда) ҳисобга олинади. Бундан ташқари, товарни жўнатиш шартига кўра, шартнома қийматида товарлар билан хизматлар аралаш кўрсатилган бўлиши мумкин. Бу операциялар тўлов балансида даврий ва таркибий ўзгартиришлар киритилгандан кейинги баҳоларда қайд этилади.

Шу кунга қадар, тўлов балансининг ахборот базасини бир тизимга солиш мақсадида, халқаро молия ташкилотлари, иқтисодчи олимлар томонидан бир қанча қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, ташқи савдо ва хизматлар, ташқи қарз, инвестициялар ва кредитлар, халқаро резервлар ва бошқа статистика тизимлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилмоқда.

¹⁰ Бозор баҳоси деганда нарх доим ҳам дунё бозоридаги нархларни тушуниш керак эмас. Бозор баҳоси товарнинг операция бўлаётган жойдаги талаб ва таклифдан келиб чиққан нархи бўлади. Масалан, Марказий Осиё мамлакатларида мева нархи 30-50 цент, Европада 1-1,5 АҒШ доллари бўлиши мумкин. Иккала баҳо ҳам бозор баҳоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида тўлов балансини тузиш жараёнида да куйидаги ахборотлардан фойдаланилади:

- товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти бўйича ташқи савдо статистикаси, Давлат божхона кўмитаси ва Молия вазирлигининг (марказлашган экспорт) маълумотлари, бошқа қўшимча ахборотлар;

- даромадлар тўғрисидаги ахборотлар (фоиз тўловлари, дивидендлар, иш ҳақи) Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотлари ва бошқа статистик маълумотлар ёрдамида ҳисобланади;

- трансфертлар бўйича ахборотлар божхона статистикаси, халқаро ташкилотлар ва бошқа маълумотлар ёрдамида ҳисобланади;

- инвестиция ва кредитлар тўғрисидаги ахборотлар статистика, тижорат банклари маълумотларидан ва бошқа ахборотлардан фойдаланиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилганлардан ташқари, тўлов балансини тузишда бошқа мамлакат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик натижаларини ифодаловчи ахборотлардан ҳам фойдаланилади. Доимий ҳисоботи ташкил қилинмаган ёки статистикада қайд этилмаган халқаро иқтисодий муносабатлар натижалари танлама кузатиш ёки эксперт баҳолаш усуллари ёрдамида ҳисобланади ва тўлов балансида қайд этилади.

Тўлов балансининг ахборот базаси қанчалик даражада аниқ бўлса, жорий операциялар, капитал ва молия счётининг кўрсаткичлари бир-бирига шунчалик яқин бўлиб, тўлов балансидаги хатолик даражаси паст бўлади.

Тўлов балансини тузиш тартибидан келиб чиққан ҳолда операцияларни уларнинг умумий белгиларига қараб гуруҳлаш мумкин. Бундай гуруҳлаш уларнинг қайд этиш қоидаларини эслаб қолишни бирмунча енгиллаштиради. Операцияларни гуруҳлари бўйича қайд этиш тартиби куйидагича бўлади:

- товарлар ва хизматлар экспорти - кредитда (+);
- товарлар ва хизматлар импорти - дебетда (-);
- молия мажбуриятларининг кўпайиши - кредитда (+);
- молия активларининг кўпайиши - дебетда (-);
- мажбуриятларнинг камайиши - дебетда (-);
- активларнинг камайиши - кредитда (+).

Операциялар тўлов баланси тузилаётган давр учун жамланган ҳолда ёзилади. Бу тўлов балансининг ихчам ва таҳлил учун қулай бўлишини таъминлайди. Операцияларни жамлашда экспорт ва импорт операциялари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг натижалари соф ҳолда қайд этилади, яъни, экспорт ва импорт учун шу даврда мос равишда тўланмаган қисмигина қайд этилади.

Операцияларнинг қайд этиш йўллари 4.2-жадвалда берилган ахборотлардан фойдаланган ҳолда кўриб чиқамиз.

Жадвалда экспорт миқдори ФОБ баҳоларида берилгани учун ҳеч қандай ўзгаришсиз тўлов балансида (4.3-жадвал) қайд этилади.

Импорт СИФ баҳоларида берилгани учун ФОБ баҳосига ўтказамиз. Бунинг учун, импорт шартномалари таҳлил қилиниб, товар импортида транспорт ва

суғурта харажатларининг улушини топамиз. Фараз қилайлик, бу миқдор 8% бўлсин. Бундан фойдаланиб, товарлар импортини ФОБ баҳосига ўтказамиз. Товар импорти (ФОБ)= $9500 \times (100-8)/100=8740$. Хизматлар импорти қайта таснифлаш эвазига $9500-8740=760$ га кўпаяди. Товарлар ва хизматларни бундай аниқликда соф ҳолда қайд этишнинг аҳамияти жуда катта. Бунинг аҳамияти, айниқса ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларини таҳлил этишда ва башорат қилишда яққол сезилади. Товар билан хизматнинг аралаш ҳолда ифодаланиши турли чалкашликларни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқарувчи бирликларга экспорт ва импорт товарлари ҳажми ва баҳолари ҳақида тўғри тасаввур бермайди. Масалан, импорт қилинаётган товарнинг йўл харажатлари кўп бўлса, шу товарни жойида ишлаб чиқариш ёки йўл харажатларини камайтириш учун чора тадбирлар кўрилиши керак. Товар қийматида йўл харажатларининг бўлиши тармоқларнинг оралиқ истеъмолини бузиб кўрсатади. Масалан, икки мамлакатда бир хил технологияда пахтадан мато ишлаб чиқарилади. Пахта толасининг дунё бозоридаги нархи иккала мамлакат учун бир хил. Биринчи мамлакат ўз толасига эга, иккинчи мамлакат эса толани импорт қилади. Агар йўл харажатларини 10% деб олсак, иккинчи мамлакатда тола импортдан йўл харажатларини ажратмасак, бу мамлакатда ишлаб чиқарилаётган мато бирлигига пахта толаси кўп ишлатилаётгандай кўринади. Аслида эса, бундай бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун, товарлар қийматини баҳолашда транспорт, суғурта ва ортиш тушириш харажатларини иложи борица аниқ ажратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2-жадвал.

Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий алоқаларини характерловчи кўрсаткичлар (рақамлар шартли келтирилган)

	Миқдори, млн.сўм
1. Экспорт, ҳаммаси	10600
Товарлар экспорти(ФОБ)	9600
Хизматлар	1000
2. Импорт, ҳаммаси(СИФ)	10700
Товарлар импорти(СИФ)	9500
Хизматлар	1200
3. Даромадлар	
Россияга тўлангани	130
- фоиз тўловлари	100
- дивидендлар	10
- иш ҳақи	20
Россиядан олингани	115
- фоиз тўловлари	60
- дивидендлар	5
- иш ҳақи	50
4. Трансфертлар	
Россияга берилгани	3
- инсонпарварлик ёрдами	2
- техник ёрдам	1
Россиядан олингани	4
- инсонпарварлик ёрдами	3

- техник ёрдам	1
5. Капитал трансфертлар	
- Россияга берилгани	3
- Россиядан олингани	3
6. Тўғри инвестициялар	
- Россияга киритилгани	18
- Ўзбекистонга киритилгани	112
7. Портфель инвестициялар	
-Россияга сотилган акциялар	5
-Россиядан олинган акциялар	8
8. Суда ва қарзлар	
Россия резидентлари: - олгани	50
-асосий қарзнинг қайтарилиши	5
Ўзбекистон резидентлари: - олгани	55
-асосий қарзнинг қайтарилиши	10

3-жадвал.

Ўзбекистоннинг тўлов баланси

	Кредит	Дебет	Сальдо
I. Жорий операциялар счёти	10719	10833	-114
А. Товарлар ва хизматлар	10600	10700	-100
а. Товарлар	9600	8740	860
1. Экспорт ва импорт товарлари	9600	8740	860
б. Хизматлар	1000	1960	-960
Б. Даромадлар	115	130	-15
1. Чет элдан келгани	115		115
2. Чет элга тўлангани		130	-130
В. Жорий трансфертлар	4	3	1
1. Чет элдан олингани	4		4
2. Чет элга тўлангани		3	-3
II. Капитал ва молиявий операциялар счёти	252	132	120
А. Капитал бўйича операциялар счёти	3	3	0
1. Капитал трансфертлар	3	3	0
Б. Молия счёти	249	129	120
1. Тўғри инвестициялар	112	18	-6
1.1 Чет элга		18	
1.2 Ўзбекистон иқтисодиётига	112		
2. Портфель инвестициялар	5	8	-3
3. Бошқа инвестициялар	132	103	29
<i>3.1 Активлар</i>	50	93	-43
3.1.1 Коммерция кредитлари	45	40	5
- экспорт учун келиб тушмаган тўловлар		40	
- олдинги йилги экспорт учун тўловлар	45		
3.1.2 Суда ва қарзлар, четга берилгани	5	53	-48
- ўзлаштирилган кредитлар		50	
- асосий қарзнинг қайтарилгани	5		
3.1.3 Накд пуллар ва депозитлар		3	
<i>3.2 Мажбуриятлар</i>	82	10	72
3.2.1 Коммерция кредитлари	25		25
3.2.2 Суда ва қарзлар, четдан олингани	55	10	45
- ўзлаштирилган кредитлар	55		
- асосий қарз қайтарилгани		10	

3.1.3 Нақд пуллар ва депозитлар	2		2
4. Резерв активлари			0
Статистик хатолик		6	-6

Жадвалда берилган ахборотларда экспорт ва импорт эвазига тўловлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Бу маълумотларни корхоналардан молия статистикаси орқали топиш мумкин. Фараз қилайлик, бу даврда иккала томон бирликлари тўловларни белгиланган муддатларда бажарганлар. Шу билан бирга, импорт операциялари бўйича тўлов муддати ўтмаган қарзи 25 млн.сўмга кўпайган, бу йилги экспорт учун тушмаган тўловлар 40 млн.сўм бўлган. Ўтган йилда экспорт қилинган товарлар учун 45 млн.сўм келиб тушган. Тижорат банкларининг ахборотларига кўра уларнинг нақд пул, депозит кўринишидаги мажбуриятлари 2 млн.сўмга ва активлари миқдори эса, 3 млн.сўмга кўпайган. Резерв активлари миқдори ўзгармаган деб фараз қиламиз. Берилган маълумотларни тўлов балансида қайд этамиз(4.3-жадвалга қаранг).

Тўлов балансининг жорий операциялар бўйича сальдоси минус 114га, капитал ва молиявий операциялар счёти сальдоси 120 га тенг бўлди. Назарий жиҳатдан улар бир-бирига тенг бўлиши керак эди. Лекин амалиётда кўрсаткичларнинг кўпчилиги баҳолаш усуллари билан аниқланганлиги учун, улар ўртасида фарқ бўлиши мумкин. Одатда бу фарқ статистик хатолик деб юритилади.

Назорат саволлари

1. Тўлов балансининг концептуал асосларини тушунтириб беринг?
2. Тўлов балансининг стандарт таснифини айтинг?
3. Жорий операциялар счетидаги нимани тушунасан?
4. Капитал ва молиявий операциялар счети қандай тўлдирилади?
4. Тўлов балансини таҳлили қандай амалга оширилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси] // Ишонч. – 2017. – 17 январь.
2. Carlos Oliveira. “Options and Derivatives Programming in C++: Algorithms and Programming Techniques for the Financial Industry”. 2016. 260 pages
3. Carlos Oliveira. “Practical C++ Financial Programming”. 2015. 396 pages.
4. Nabixojayev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullayev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O'quv qo'llanma. – T.: “Иқтисодиёт”, 2010. 212 b.
5. N.M. Soatov, X. Nabiev, D.X. Nabiev, G.N. Tillaxojayeva. Statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2011. – 548 bet.
6. X. Nabiyeu, A.H. Ayubjonov, S.N. Sayfullayev. Iqtisodiy statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2014. – 324 bet.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. www.wikipedia.org/
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. www.wikipedia.org/

4-мавзу. Пул-кредит сектори таҳлили, прогнози ҳамда уни мамлакат иқтисодий ўсишида аҳамияти

Режа:

1. Пул-кредит соҳасининг счетларини юритиш. Молия тизимининг таркиби.
2. Пул-кредит соҳасини таҳлил қилиш. Бошқа секторлар билан алоқалар.
3. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар пул-кредит таҳлили.

Таянч иборалар: пул-кредит, молия тизими, пул-депозити, кредит, пул агрегатлари, пулга талаб, пул таклифи.

4.1. Пул-кредит соҳасининг счетларини юритиш. Молия тизимининг таркиби.

Асосий макроиқтисодий счетлар орасида пул-кредит счетлари бир қанча сабабларга кўра муҳим роль ўйнайди.

Биринчидан, асосида пул ётган бозор иқтисодиётида молиявий тизим секторлараро ресурслар оқиб ўтадиган воситачи вазифасини бажаради. Пул-кредит сектори иқтисодиётдаги барча молиявий оқимлар бўйича ҳисоб-китоб маркази ҳисобланиб, ушбу секторнинг счетларида моддий ресурсларни секторлараро ҳаракатини ифодаладиган оқимлар динамикаси акс этади.

Иккинчидан, пул-кредит счетлари очик иқтисодиётни макроиқтисодий таҳлил қилишда марказий роль ўйнайдиган ўзгарувчилар (пул, кредит, хорижий активлар ва пасивлар каби) ҳолатини ифодалайди. Бу ўзгарувчиларнинг даромадлар, нархлар ва ТБнинг ҳолатига таъсир механизмини тушунтириши учун бирқанча турли классик ва ҳозирги замон иқтисодий назариялари ишлаб чиқилган. Ушбу мавузда ТБга монетар ёндошиш учун асос бўлган пул-кредит соҳасидаги ҳисобга олиш категориялари кўриб чиқилган. Пул-кредит соҳасининг счетлар тизими етарли даражада кенг ва мосланувчан бўлгани учун пул, нархлар ва ТБнинг турли назарияларга асосланган таҳлил ишларида фойдаланиш мумкин.

Учинчидан, барқарорлик дастурлари доирасида у ёки бу мамлакатда шаклланган конкрет ҳолатларни ҳисобга олган турли хил восита ва ёндошишлардан фойдаланилади. Ушбу дастурлар назарий асосларининг марказий элементи бўлиб пул-кредит агрегатлари ва солиқ-бюджет операциялари орасидаги ўзаро боғлиқликлар (албатта, ТБнинг якуний ҳолатини ҳисобга олган ҳолда) ҳисобланади. Шу сабабли, пул-кредит сектори счетларининг таркиби ва ҳолати тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлиш, барқарорлаштириш дастурининг асоси ҳисобланмиш пул-кредит тахлилида жуда муҳимдир.

Ва ниҳоят, тўртинчидан, пул-кредит счетлари тўғрисидаги маълумотларни одатда минимал ҳаражатлар билан олиш мумкин. Ҳаттоки, ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда ҳам иқтисодиётнинг ҳолатини акс эттирувчи маълумотлар етишмаслигига қарамадан, пул-кредит сектори бўйича маълумотлар макроиқтисодий статистиканинг энг ишончли қисми эканлиги, мамлакатдаги жорий ҳолатни кузатишда иқтисодий сиёсат олиб борадиган идоралар учун катта аҳамиятга эгадир. Шунга кўра барқарорлаштириш дастурларини амалга ошириш жараёнида умумлаштирувчи молиявий кўрсаткичлар кўпинча базис мўлжаллари ва меъёрлари бўлиб хизмат қилади.

Мавзунинг кейинги қисмларда молия тизими таркибининг шарҳи ва ХВЖнинг нашрларида пул-кредит тизими статистикаси маълумотларини тузиш ва ва тақдим қилиш шакллариининг асосини ташкил қиладиган ҳисобга олиш тамойиллар кўриб чиқилади. Сўнгра пул-кредит бошқарув идоралари ва депозит банклари баланслари таҳлил қилинади. Хусусан, пул-кредит бошқарув идоралари балансларида ифодаланадиган пул массаси базасининг дастлабки яратилиши билан депозит банклар томонидан иккиламчи пулларнинг яратилиши (депозитлар кўринишида) фарқлар кўриб чиқилади. Охирги қисмда банк тизимининг йиғма баланси (пул-кредит соҳасининг шарҳи) кўриб чиқилиб, уни таҳлил қилиш асослари келтирилади ва пул-кредит соҳаси шарҳидаги пул-кредит кўрсаткичларининг иқтисодиёт ҳолатига таъсири имкониятлари намоёни қилинади.

Молия тизимининг таркиби. Молия муассасалари молиявий жамғармаларни иқтисодиётнинг моддий соҳасига капитал қўйилмалар сифатида киритишни режалаштираётган фирмаларга бериш учун ихтиссослашган ташкилотлардир. Улар молиявий маблағларни давлат муассасаларига ҳам беришлари мумкин. Ушбу жараён молиявий воситачилик деб номланиб, молиявий активларни тўлаш муддатларининг таркибидаги ўзгаришлар билан бирлагикда содир бўлади. Қарз олувчилар учинчи томонда жамғарма шаклида банк тизими счетларида ҳосил бўлган ортиқча ресурсларни турли хил кредит воситалари, хусусан, акциялар, облигациялар, тижорат векселлари, иппотека ва пай фондлари кўринишида фойдаланиш имкониятларига эга бўладилар.

Молия тизими банк тизими ва суғурта компаниялари, пай фондлари, нафақа фондлари ва пул бозори фондлари каби нобанк молия муассасаларидан

ташқил топади. Кўпчилик мамлакатларда бундан ташқари, умумий молия тизимининг муҳим қисмини ташқил қилиши мумкин бўлган учинчи норасмий молия сектори мавжуд. Банк тизими пул-кредит бошқарув идоралари (ПКБИ) ва пул-депозит банкларидан (ПДБ) иборат бўлиб, иқтисодиётни нақд пуллар ва талаб қилиб олгунча депозит сингари тўлов воситалари билан таъминлайди.

Халқаро молия статистикасида (ХМС) молиявий маълумотлар учта даражага таснифланади. Биринчи даража – ПКБИ ва ПДБларининг айрим балансларидан ташқил топади. Иккинчи даражада ПКБИ ва ПДБ маълумотлари консолидация (бирлаштириш) қилиниб, пул-кредит шарҳи (ПКШ) ишлаб чиқилади ва натижада иқтисодиётдаги пул-кредит статистикаси кўрсаткичлари олинади. Учинчи даражада ПКШ бошқа молиявий муассасаларнинг (БММ) баланслари билан консолидация қилиниши натижасида молия соҳасининг шарҳи (МСШ) олинади.

Ушбу мавзунинг марказида умумий молия тизими эмас, фақат банк тизими туради. Буни учта ҳолат билан тушунтириш мумкин.

Биринчидан, эмпирик маълумотларга кўра банк секторининг пул мажбуриятлари иқтисодиётнинг ялпи номинал пул ҳаражатларига кучли таъсир кўрсатиб, иқтисодий сиёсатнинг иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция ва ТБнинг ҳолати каби пировард мақсадли кўрсаткичларида акс этади.

Иккинчидан, банк секторининг маълумотлари одатда ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда ҳам ҳам ишончли, ҳам уларни олишда деярли қийинчиликлар бўлмаганлиги сабабли, молиявий сиёсатни таҳлил қилишда катта аҳамиятга эга.

Учинчидан, молия бозорлари унчалик ривожланмаган мамлакатларда банк тизими хиссасига иқтисодиётдаги молиявий активлар ва мажбуриятларнинг аксарият қисми тўғри келади.

4.2. Пул-кредит соҳасини таҳлил қилиш. Бошқа секторлар билан алоқалар.

Банк тизимининг баланси ҳисобланмиш ПКШ, мамлакатнинг ташқи позициялари билан банк тизимидаги соф активлар, ҳамда давлат бошқарув идораларининг счетлари билан банк тизими томонидан давлатни молиялаштириш орасидаги муҳим алоқаларни аниқлашга имкон беради. Шунингдек, банк тизими, албатта, реал сектор (миллий ҳисоблар билан ҳам) билан ҳам хусусий секторга пул кўринишда кредит бериш орқали ҳам боғлангандир.

ТБ билан алоқалар. ТБни таҳлил қилишда кўрилганидек, агар банк тизими бўйича операциялар чизик устида ифодаланса, ТБнинг умумий сальдоси банк тизимининг соф халқаро захираларини ўзгариши ҳисобига молиялаштирилади. Умуман олганда, соф хорижий активларнинг ўзгариши ҳоқ ПКШ, ҳоқ ТБ орқали аниқланмасин, бир хил натижа беради. Шунинг учун ушбу ўзгариш ПКШда

$$\Delta NFA = \Delta M2 - \Delta NDA$$

кўринишда ҳисобланса, ТБда

$$\Delta NFA = - \Delta RES$$

бўлганлиги сабабли

$$\Delta NFA = CAB + \Delta FI,$$

$$CAB + \Delta FI + \Delta RES = 0,$$

(бу ерда ΔFI – ноэмиссион молиялаштириш оқимлари) кўринишда ҳисобланади.

Ва натижада,

$$\Delta NFA = \Delta M2 - \Delta NDA = CAB + \Delta FI = \Delta RES.$$

ПКШ даги айният – пул массасининг кўпайишига нисбатан ички кредит экспансиянинг ҳар қандай устунлиги (мувозанат пайтида у пулга талаб билан тенг бўлади) банк тизимидаги соф хорижий активларнинг (яъни, ΔNFA манфий бўлади) камайишида акс этади. Ушбу нисбат ТБ га пул-кредит жиҳатдан ёндошиш ва соф ички активларнинг юқори чегараларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқатдан ҳам, молиявий дастурлаш таркибининг асоси бўлиб, ички манбалардан пуллар (ички кредит) билан ташқи манбалардан пуллар (соф хорижий активлар) орасида фарқлар, ҳамда улар орасидаги боғлиқликлар ҳисобланади. ПКШ га асосланган айният таркибида пул массаси ички ва ташқи компоненталардаги ўзгаришлар суммаси сифатида келтирилган. У пулга талаб функцияси орқали реал пул қолдиқларини реал даромадлар ва инфляция суръатлари билан боғлайди, банк тизимидаги соф хорижий активлар, пул массаси ва ички активлар орасидаги боғлиқликларни белгилайди. Агар пул массасининг ўзгариши ички активларнинг ўзгаришидан катта бўлса, соф хорижий активларнинг ўзгариши ижобий бўлади ва ТБ актив сальдо билан чиқади. Пул массасининг мақбул даражада ўзгаришига нисбатан соф ички активларнинг ўзгариши каттароқ даражада бўлиши соф хорижий активларнинг қисқариши билан қопланади.

Молиявий барқарорликни таъминлашнинг реал дастурларини тузиш жарёнида ишлаб чиқариш, инфляция суръатлари ва бошқа иқтисодий сиёсатга таълуқли чора-тадбирларнинг мақсадли кўрсаткичлари белгиланади. Ишлаб чиқариш, инфляция суръатлари, ТБ ва бошқа мақсадлардаги ҳар қандай ўзгаришларнинг оқибатлари чуқур таҳлил қилинади.

Пул-кредит счетлари билан ТБ орасидаги алоқалар валюта курсида ўзгаришлар содир бўлса, анча мураккаблашади. Банк тизими балансини таҳлил қилишда захираларнинг ўзгариши кўпинча операция оқимларига тенглаштирилади. Бу ҳар доим ҳам тўғри эмас. Хусусан, икки давр орасидаги захираларнинг ўзгариши фақат операциялардаги ўзгаришларнигина эмас, балки қийматни қайта баҳолаш ва бошқа омилларнинг ўзгаришлари ҳисобига содир бўлиши мумкин. Қийматни қайта баҳолаш молиявий активлар ва пассивларга нархларнинг ўзгариши натижасида пайдо бўлади. Нархлар эса ўз навбатида бозор нархлари ёки валюта курсларидаги тебранишлар, кредиторлар томонидан қарзлардан воз кечиб юбориш ва бошқа омиллар ҳисобига содир бўлиши мумкин. Захираларнинг вақт бўйича ўзгаришларини операциялар оқимларига тенглаштириш таҳлил қилинаётган даврда, айниқса валюта курсларида кучли

тебранишлар бўлганда, нотўғри хулосаларга олиб келади. Демак, бундай ҳолатларда аниқ операциялар оқимини ҳисоблаш учун валюта курсидаги ўзгаришларни инобатга оладиган тузатишлар киритиш лозим.

Конкрет олганда, вақт бўйича заҳиралар маълум моддаларининг ўзгаришига валюта курсларидаги тебранишлар таъсирини операциялардаги ўзгаришлар ва қийматни қайта баҳолаш ҳисобига қанча бўлганини ажратиш талаб қилинади (ушбу мисолда бошқа омиллар ва бозор нархларидаги тебранишлар ҳисобга олинмаган).

A_{Rt} – миллий валютага деноминация қилинган балансдаги заҳира моддаси;

A_{St} – долларда ифодаланган балансдаги заҳира моддаси;

E_t – давр охирига бир долларга тўғри келган миллий валюта курси;

E^*_t – ўртача даврдаги валюта курси.

Бу ерда,

$$A_{Rt} = E_t * A_{St}.$$

Сўнгра:

$$\text{Заҳираларнинг суммар ўзгариши} = (A_{Rt} - A_{Rt-1}),$$

$$\text{Операциялар оқими} = E^*_t (A_{St} - A_{St-1}).$$

Демак,

$$\text{Заҳираларнинг суммар ўзгариши} = \text{операциялар оқими} + \\ + \text{қийматни қайта баҳолаш},$$

бундан:

$$\text{Қийматни қайта баҳолашдаги ўзгаришлар} =$$

$$= (A_{Rt} - A_{Rt-1}) - E^*_t (A_{St} - A_{St-1}).$$

Қайта баҳолашни ўтказиш ҳисобига тузатишларни киритиш (VA_d) шунингдек куйидагича ифодаланади:

$$VA_d = A_{St-1}(E_t - E_{t-1}) + \Delta A_{St} (E_t - E^*_t).$$

ПКШда баланс сальдосини нолга келтириш мақсадида қийматларни баҳолашдаги тузатишлар ”бошқа соф моддалар” (OIN) да ҳисобга олиниши мумкин.

Давлат бошқарув идоралари счетлари билан алоқалар. Банк тизимининг давлат бошқарув идораларига соф талаблари ПКШнинг актив томонида кўрсатилади. Ушбу талаблардаги ўзгаришлар банк тизими томонидан ҳар қандай камомадни қоплаш учун давлат бошқарув идораларига берилган соф кредитни ифодалайди. Бу давлат бошқарув сектори билан тўғридан тўғри боғлиқликдир ва у бюджет камомадини монетизациялаш (яъни, банк тизимининг кредитлари ҳисобига бюджет камомадини молиялаштириш) бевосита пул массасига қандай таъсир кўрсатишини акс эттиради.

Реал сектор билан алоқалар. Активлар томонида кўрсатиладиган банк тизими томонидан хусусий секторга бериладиган кредитлар ушбу секторнинг ривожланиши ва ўсишига таъсир кўрсатиши мумкин. Пассив томонда хусусий сектор ихтиёрида бўлган банк тизими томонидан жамғариб бориладиган пул маблағлари кўрсатилиб, у хусусий секторнинг иқтисодиётдаги инфляция суръатларига таъсир қилувчи хусусий секторнинг “реакция функцияси”дир.

4.3. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар пул-кредит таҳлили.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг пул-кредит соҳасини тадқиқот қилувчи мутахассислари у ёки бу мамлакатга хос бўлган тизимий ва институционал характерга эга бўлган конкрет муаммоларга дуч келишади.

Пул айланиш тезлигининг тез-тез ўзгариб туриши. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда юқори ва тез-тез ўзгариб турувчи инфляцион жараёнлар пул айланиш тезлигининг тезлашуви билан биргаликда содир бўлади. Пул айланишининг тезлашуви муттасил бўлмасдан, дискрет ҳолларда сакраб турган. Экстремал ҳолатларда (масалан, 1993 йилнинг охирларида Арманистон ва Грузияда) пул айланиш тезлиги бир чоракнинг ўзида уч баробар тезлашган. Дастлабки пул айланиш тезлигининг катта даражада тезлашуви тенденциясининг тескари йўналишда ўзгариши, яъни пасайиши бирданига содир бўлмасдан, бунинг учун анча узоқ вақт талаб қилинади. Бу ҳолатга эришиш учун реал пул қолдиқлари узоқ вақт давомида паст даражада саклаб турилиши лозим. Юқори даражадаги инфляция мавжуд бўлган мамлакатларда реал пул қолдиқлари операцияларни бажариш учун зарур бўлган минимал даражада секин аста барқарорлашади. Аввал содир бўлган гиперинфляция шароитларидан келиб чиқиб, реал пул қолдиқлари бир қанча вақт мобайнида инфляция бошлангунча бўлган даврдаги даражага реал пул қолдиқларига талаб кескин пасайган тақдирда ҳам яқинлашмайди, деган хулоса чиқариш мумкин.

Гиперинфляция атамаси одатда жуда юқори суръатларда муттасил нархларнинг ўсиб боришини англатади. Филипп Каган томонидан тақлиф қилинган таърифга кўра, гиперинфляция ҳолатлари ойлик инфляция даражаси бир неча ой мобайнида 50 фоиздан кам бўлмаган вақтларда содир бўлади. Илгари I ва II жаҳон урушларидан кейинги Германиядаги, ушбу урушлар оралигида Австрия, Венгрия ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги гиперинфляция ҳолатлари юқори суръатларда пул массаси ўсишининг инфляцияга таъсирини ўрганиш учун лаборатория тажрибаси деб ҳисобланиши мумкин.

Гиперинфляциянинг ҳолатларини ўрганиш, уларга хос бўлган бир қанча умумий томонларни аниқлашга имкон беради. Биринчидан, пулга реал талаб кескин пасайиб кетади. XX асрнинг 20-йилларига келиб Германиядаги реал пулга талаб икки йил олдинги даражанинг 1/30 қисмигача пасайиб кетган. Иккинчидан, нисбий нархлар жуда ҳам нобарқарор ҳолатга келиб қолади. Германияда реал иш ҳақининг даражаси паст ва юқорига ҳар ойда 1/3 даражага тебраниб турган. Нисбий нархлар ва реал иш ҳақининг бундай кескин ўзгариб туриши ва улар билан боғлиқ бўлган тенгсизлик ва бузилишлар иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка катта зиён етказди. Учинчидан, юқори суръатли инфляция шароитларида, одатда катта тебранишлар содир бўлади. 1921-1923 йилларда Германияда ойлик инфляция суръатлари нолдан 500 фоизгача ўзгариб турган. Бундай шароитларда номинал фоиз ставкаларидан ушбу ставкалар бўйича кредитлаш жараёнига барҳам берилиши сабабли, пулларни саклашнинг альтернатив ҳаражатлари меъёри сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Гиперинфляция шароитларида пулларни сақлаш ҳаражатларининг энг яхши индикатори бўлиб кутилаётган инфляция даражаси ҳисобланади.

Ички пул-кредит активлари бўйича реал кўринишда ижобий фойда нормасини таъминлаш мақсадида валюта курси соҳасида агрессив сиёсат юритаётган мамлакатлар миллий валютага ишончни нисбатан қозонишлари мумкин.

Тижорат банклари орасида рақобатнинг йўқлиги. Тижорат банклари орасида рақобатнинг йўқлиги пул-кредит назоратининг билвосита усулларидан фойдаланишни қийинлаштиради. Тижорат банклари ўз фойдаларини максималлаштириш учун фаолиятни бошламаганликлари учун банк захираларига талаб фоиз ставкаларига нисбатан сезгир бўлмайди. Шунинг учун бозор иқтисодиётига ўтаётган кўпчилик мамлакатлар пул қолдиқларини пул бозорида захираларни қайта тақсимлаш учун аукционлар ўтказиш орқали Марказий банкнинг кредитларини нархлар билан боғлиқ бўлмаган нормалаштириш усулидан фойдаланганлар. Банк тизимида рақобат бир қанча сабабларга кўра чегараланган бўлади. Кўпчилик корхоналар сингари, кўпчилик тижорат банклари давлатга тегишли бўлиб, кенг тақсимланган шахобчаларга эга бўлмайди. Банklar ҳамон Марказий банк маблағлари, йирик миқдорда имтиёзли кредитлар ва кредитлашнинг юқори чегараларига боғлиқ ҳолда фаолият юритадилар. Кўпчилик банklar Марказий банкнинг қайта молиялашига боғлиқ бўлиши натижасида, марказлашган режалаштириш давридан давом этиб келаётган кредитларнинг депозитлардан ошиб кетиш ҳолатларига барҳам берилмаган. Оқибатда маблағлардан қайта фойдаланишга мўлжалланган банklarаро бозор шаклланмасдан ва ссудаларнинг салмоқли қисми субсидияланиб қолмоқда.

Корхоналарнинг ўзаро қарздорлиги. Агар мамлакатда корхоналардан ўз индивидуал ҳаражатларини қатъий чегаралаш талаб қилинмасдан каттик кредит сиёсати олиб борилса, оқибатда воситачиларнинг молиявий хизматларидан фойдаланишдан воз кечилади ёки маблағлар банк тизимидан ташқарига оқиб кета бошлайди. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлардаги корхоналар банк кредитлари ўрнига ўзаро қарздорликдан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Айрим мамлакатлар тажрибаси, хусусан Руминия тажрибаси, узоқ муддатли даврда ўзаро қарздорликни ечиш учун банк кредитларида фойдаланиш, масалани ечилишига олиб келмаслигини яққол кўрсатди. Масалани хал қилиш учун корхоналарда қатъий бюджет чегаровлари белгиланиши лозим. Янгитдан ўзаро қарздорликнинг пайдо бўлмаслиги учун ижобий реал фоиз ставкаларини таъминлаш, тўлов тизимини такомиллаштириш, бошқарувчиларнинг юқори даражадаги ҳисобот беришлари ва банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг самарали ишлаши, ҳамда корхоналарда тизимий ислоҳотлар ўтказиш ва керак бўлса, уларни хусусийлаштириш талаб қилинади.

Пул ва молия бозорларининг мавжуд эмаслиги. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларида бундай бозорларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги очиқ бозордаги операцияларни пул-кредит назоратининг воситаси сифатида фойдаланилишига тўсқинлик қилади. Муаммо банklarаро

клиринг тизимининг мавжуд эмаслиги ва банклараро операцияларнинг кредитлаш қобилиятига ишончнинг пастлиги сабабли янада мураккаблашади.

Фоиз ставкалари соҳасидаги муаммолар. Узоқ муддатларга паст даражада белгиланган фоиз ставкалари бўйича бериладиган катта миқдордаги ссудалар (масалан, уй-жой учун ссудалар) фоиз ставкаларини эркинлаштириш жараёнини мураккаблаштиради. Ундан ташқари, молия тартибининг бўшлиги, одатда, фоиз ставкалари ролини бузиб юборади. Масалан, агар корхоналарга банклардан олинган кредитлар учун фоизларни узиш учун қарз олишга рухсат берилса, юқорироқ фоиз ставкалари мунтазам тарзда пул массасининг ўсиш суръатларини оширишига олиб келиши мумкин (натижада инфляцияни ҳам).

Депозит ва кредит ставкалари орасидаги катта фарқ. Банклар турли ҳаражатларини ўз миқдорлари зиммасига юклашлари сабабли ушбу фарқ катта даражада сақланиб туриш тенденциясига эга бўлади. Бу ҳаражатлар катта миқдорда ишламайдиган ссудаларнинг мавжудлиги, имтиёзли ставкаларда бериладиган кредитлар салмоғининг юқорилиги, ҳамда ислохотларнинг дастлабки йилларида Марказий банк фоизсиз захира талабларига кўпроқ эътибор берганлиги натижасида банк активлари бўйича фойда нормасининг пасайиши, тизимнинг самарасизлиги натижасида юқори даражадаги маъмурий ҳаражатлар билан боғлиқ бўлади. Банклар орасида рақобатнинг сустилиги сабабли банклар эски тизимдан мерос бўлиб қолган нархларни белгилаш тамойилидан, яъни “ҳаражатлар плюс устама” усулидан воз кечишга шошилмайдилар.

Давлат секторининг молиялаштиришга катта эҳтиёжлари. Пул-кредит сиёсатини шакллантириш сиёсий жараёнлардан ажратилмаган ҳолатларда ПКБИ кўпинча ўз мақсадларини ҳукуматни молиялаштириш эҳтиёжларига мослаштиришга мажбур бўладилар. Катта бюджет камомати ва чекланган ички нобанк молиялаштириш манбаларига эга бўлган мамлакатларда ушбу ҳолат, одатда юқори даражадаги инфляцияга олиб келади.

Назорат саволлари

1. Пул-кредит соҳасининг ҳисобларини юритишни тушунтириб беринг?
2. Пул-кредит соҳасини таҳлил қилиш деганда нимани тушунасан?
3. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар пул-кредит таҳлили қандай амалга оширилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган

Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси] // Ишонч. – 2017. – 17 январь.

2. Carlos Oliveira. “Options and Derivatives Programming in C++: Algorithms and Programming Techniques for the Financial Industry”. 2016. 260 pages
3. Carlos Oliveira. “Practical C++ Financial Programming”. 2015. 396 pages.
4. Nabixo’jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O’quv qo’llanma. – T.: “Иқтисодиёт”, 2010. 212 b.
5. N.M. Soatov, X. Nabiev, D.X. Nabiev, G.N. Tillaxo’jaeva. Statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2011. – 548 bet.
6. X. Nabiyev, A.H. Ayubjonov, S.N. Sayfullaev. Iqtisodiy statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2014. – 324 bet.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. www.wikipedia.org/
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. www.wikipedia.org/

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, иқтисод ва статистика халқаро амалиётда қўлланиладиган билимларни ўзлаштиришдир. Машғулот давомида тингловчилар макроиқтисодий барқарорлаштириш услубияти, макроиқтисодий сиёсатнинг турли йўналишларини ўзаро уйғунлигини таъминлаш йўллари билан таништириш ва натижада уларни иқтисодий ўсишни таъминлайдиган ва ўзаро узвий боғланган белгиланган мақсадларга эришиш йўллари танилаш тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 - амалий машғулот: Молиявий дастурлашнинг моҳияти ва молиявий сиёсат.

Дарс шакли баҳс-мунозара. Ишнинг мақсади тингловчиларда инновацион ривожланишнинг моҳияти, инновацион иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

4. Молиявий дастурлашнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
5. Молиявий фаолият тўғрисидаги статистик ахборотларнинг зарурлиги..
6. Молиявий операциялар, баланс ҳисобламалари ва молиявий сиёсатнинг самарадорлиги.

Назорат саволлари: Молиявий дастурлашда қўлланиладиган асосий усуллар. Бозор иқтисодиёти шароитида “Молиявий дастурлаш” фанининг аҳамияти ва олдидаги асосий вазифалари. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий дастурлашнинг аҳамияти ва вазифалари.

Молиявий фаолият тўғрисидаги статистик ахборотларнинг зарурлиги. Статистик маълумотларни тўплашни ташкил қилиш ва иқтисодий сиёсатни таҳлил қилишнинг методологик асослари.

Молиявий операциялар ва баланс ҳисобламалари. Молиявий сиёсатнинг самарадорлиги. Молия тизимининг самарадорлиги. Номолиявий секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш. Молиявий операциялар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.

2. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон

Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январ.

3. Nabixo'jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O'quv qo'llanma. – T.: “Иқтисодиёт”, 2010. 212 b.

4. N.M. Soatov, X. Nabiev, D.X. Nabiev, G.N. Tillaxo'jaeva. Statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2011. – 548 bet.

5. X. Nabiyeu, A.H. Ayubjonov, S.N. Sayfullaev. Iqtisodiy statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2014. – 324 bet.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. www.wikipedia.org/
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. www.wikipedia.org/

2-амалий машғулот: Солиқ бюджет сектори таҳлили, прогнози ва уни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти.

Дарс шакли: Дебат усули. **Ишнинг мақсади** давлат сектори ва капиталнинг шаклланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш борасида муаммоларни илгари суриш ва муҳокама этиш. Бунда камомадни молиялаштириш, Солиқ-бюджет сиёсати борасида дебат уюштирилади.

Қуйидаги масалалар ўртага ташланади:

- Давлат сектори тушунчаси. Давлат операцияларини ўлчаш. Давлат молияси статистикаси тизими.
- Бюджет таҳлили. Бюджет дисбалансини ҳисоблаш.
- Камомадни молиялаштириш. Солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлиги.
- Давлат харажатлари ва соф кредитлашни ҳамда молиялаштириш манбааларини прогнозлаш.

Назorat саволлари: Давлат сектори тушунчаси. Давлат операцияларини ўлчаш. Давлат молияси статистикаси тизими. Даромадлар ва харажатлар таснифи. Бюджет таҳлили. Бюджет дисбалансини ҳисоблаш. Камомадни молиялаштириш. Солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлиги. Даромадлар ва харажатлар таҳлили. Давлат сектори операцияларини прогнозлаш. Даромадлар

ва трансфертларни прогнозлаш. Давлат харажатлари ва соф кредитлашни прогнозлаш. Молиялаштириш манбаларини прогнозлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.

2. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январ.

3. Nabixo'jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O'quv qo'llanma. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. 212 б.

4. N.M. Soatov, X. Nabiev, D.X. Nabiev, G.N. Tillaxo'jaeva. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 bet.

5. X. Nabiyev, A.H. Ayubjonov, S.N. Sayfullaev. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2014. – 324 bet.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. www.wikipedia.org/
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. www.wikipedia.org/

3-амалий машғулот: Тўлов баланси таҳлили, прогнози ҳамда мамлакатлар статистик кўрсаткичларини халқаро таққослашда аҳамияти.

Дарс шакли бахс-мунозара. Ишнинг мақсади тингловчиларда инновацион ривожланишнинг моҳияти, инновацион иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

- Тўлов баланснинг концептуал асослари.

- Ҳисоблардаги муҳим концепциялар. Тўлов балансининг стандарт таснифи. Асосий компоненталар.
- Жорий операциялар смети. Капитал ва молиявий операциялар смети.
- Тўлов балансини таҳлил қилиш. Жорий операциялар смети таҳлили.

Назорат саволлари: 1. Тўлов балансининг концептуал асослари деганда нимани тушинасиз?

2. Икки ёқлама ёзув усулини тушунтириб беринг?

3. Ҳисоблардаги муҳим концепциялар. Тўлов балансининг стандарт таснифи. Асосий компоненталарини тушунтириб беринг?

4. Жорий операциялар смети. Капитал ва молиявий операциялар смети тушунтириб беринг?

5. Тўлов балансини таҳлил қилиш. Жорий операциялар смети таҳлилининг тушунтиринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанзимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.

2. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январ.

3. Nabixo'jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O'quv qo'llanma. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. 212 б.

4. N.M. Soatov, X. Nabiev, D.X. Nabiev, G.N. Tillaxo'jaeva. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 bet.

5. X. Nabiyev, A.H. Ayubjonov, S.N. Sayfullaev. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2014. – 324 bet.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. www.wikipedia.org/
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. www.wikipedia.org/

4-амалий машғулот: Пул-кредит сектори таҳлили, прогнози ҳамда уни мамлакат иқтисодий ўсишида аҳамияти

Дарс шакли: Дебат усули. **Ишнинг мақсади** Пул-кредит соҳасининг счетларини юритиш. Молия тизимининг таркибини, Пул-кредит тизимини бошқариш идораларини тушуниб олиш, Пул-депозит банклари. Пул-кредит шархи муҳокама қилинади. Бунда бозоридаги мувозанат, пул мультипликатори концепцияси борасида дебат уюштирилади.

Қуйидаги масалалар ўртага ташланади:

1. Пул-кредит соҳасининг счетларини юритиш. Молия тизимининг таркиби.
2. Пул-кредит соҳасини таҳлил қилиш. Бошқа секторлар билан алоқалар.
3. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар пул-кредит таҳлили.

Назорат саволлар: Пул-кредит соҳасининг счетларини юритиш. Молия тизимининг таркиби. Пул-кредит тизими статистикаси асосидаги ҳисобга олиш тамойиллари. Пул-кредит тизимини бошқариш идоралари. Пул-депозит банклари. Пул-кредит шархи. Пул-кредит соҳасини таҳлил қилиш. Бошқа секторлар билан алоқалар. Пул бозоридаги мувозанат. Пул мультипликатори концепцияси. Пул-кредит таҳлилининг айрим масалалари. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар пул-кредит таҳлили. Пул агрегатларини прогнозлаш. Пулга талабни прогнозлаш. Пул таклифини прогнозлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
2. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январ.
3. Nabixo'jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O'quv qo'llanma. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. 212 б.
4. N.M. Soatov, X. Nabiev, D.X. Nabiev, G.N. Tillaxo'jaeva. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 bet.
5. X. Nabiyeu, A.H. Ayubjonov, S.N. Sayfullaev. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2014. – 324 bet.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru

2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. www.wikipedia.org/
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. www.wikipedia.org/

Вазиятли ишланма (case-study)

«РЕАЛ СЕКТОР ТАҲЛИЛИ ВА БАШОРАТИ» мавзуси

бўйича

К Е Й С - С Т А Д И

Кириш

1. Масаланинг тарихи.

Биз таҳлил қиладиган шартли мамлакатни “ШМ” деб белгилаб оламиз. Унинг худуди 603,7 минг квадрат километрни, аҳолиси 51.6 млн. кишини ташкил қилади. Унинг 18% қисми маҳаллий миллат, қолган қисми эса бошқа миллатларни ташкил қилади.

Асосий табиий ресурси – қишлоқ хўжалиги ерлари бўлиб, улар жуда унумдор ерлар ҳисобланади. Ундан ташқари, мамлакатда катта миқдорда битум, антрацит захиралари мавжуд. Газ ва нефть қазилмалари нисбатан камроқ. Қазилма бойликлардан марганец, уран ва темир рудасининг катта миқдорда захиралари аниқланган. ЯИМда қишлоқ хўжалигининг салмоғи 14%, саноатники – 30%ни ташкил қилади. Мамлакат экспортининг асосий моддаларини озиқ-овқат маҳсулотлари, кимё саноати, фойдали қазилмалар, металлургия ва машинасозлик тармоқларининг маҳсулотлари ташкил қилади. *n*-йилда экспорт умумий ҳажми 15,5 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган. ШМ энергияни, айниқса табиий газни катта миқдорда импорт қилади. *n*-йилда энергия импорти 20 млрд. АҚШ доллари миқдорига умумий импортнинг 40%ни ташкил қилган.

Мамлакат мустақилликка эришган даврдан бошлаб иқтисодий кўрсаткичлари кескин пасайишларга дуч келди. *n-2* -йилда инфляция даражаси 10000% га тенг бўлди. Ушбу ҳол мамлакатда кўп йиллардан бери қўлланиб келинган маъмурий бошқарув тизимининг оқибатлари ва охириги уч йил давомида иқтисодиётни бошқаришда йўл қўйилган хатолар натижасида содир бўлди. Ташқи қарз ҳажми кўпайиб борди ва ишлаб чиқариш ҳажми икки маротаба қисқарди. *n-1* -йил охирида ҳукумат мамлакатни комплекс барқарорлаштириш дастурини амалга ошириш учун ислохотлар қилишга киришди. Натижада *n*-йилда маълум даражада макроиқтисодий барқарорликка эришилди, аммо ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши давом этди ва тизимий муаммолар ҳамон ечилмай қолди. *n*-йил охирида ҳукумат тизимий ислохотларга асосланган янги ислохотлар дастурини амалга оширишга тайёр эди. Ислохотларнинг асосий элементи сифатида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва бошқаришдаги ролини чегаралаш бўлди.

2. Иқтисодиётнинг *n*-йил охиригача ривож.

Аввалдан иқтисодий кўрсаткичлари бўш бўлган ШМдаги аҳвол мустақилликка эришилгандан сўнг ҳам ёмонлашиб бораверди. *n-2* - йилнинг октябрида ҳукумат ниҳоят макроиқтисодий барқарорлаштириш ва тизимий ислохотларнинг комплекс дастурини амалга оширишга киришди. *n-2* - йилнинг охириги ойларида кўрилган чоралар биринчи навбатда нархлар, валюта бозори

ва савдо режимини эркинлаштиришга қаратилди. Кўпчилик нархларни назорат қилиш бекор қилинди. Фоиз ставкалари ошди, банк тизимининг ҳукуматга берадиган кредитлари миқдори гиперинфляция олдини олиш мақсадида кескин қисқартирилди. Икки хил алмашув курси бекор қилинди ва валюта курсининг аукцион бозорда эркин сузиб юришига имкон берилди. Ва ниҳоят, кўпчилик квоталар ҳам бекор қилинди.

n-2 - йилнинг охирида узоқни кўзлаб кўрилган чораларга қарамасдан, сақланиб қолган катта диспропорциялар ШМнинг дастлабки иқтисодий имкониятлари жуда чегараланганлигидан далолат берарди. Шу сабабли ҳукумат *n-1*- йилнинг баҳорида иккинчи чоралар пакетини жорий қилди. Унинг асосий мақсади инфляция суръатларини кескин қисқартириш эди. Янги дастурнинг диққат марказида давлат бюджети камомадини кескин қисқартириш ва пул-кредит экспансиясига йўл қўймаслик масалалари турар эди. Унда шунингдек тизимий ислоҳатлар, айниқса савдони эркинлаштириш ва хусусийлаштириш суръатларини жадаллаштириш масалалари ҳам асосий ўринни эгалаган эди.

Кўрилган чоралар натижасида ШМ *n*-йилда макроиқтисодий барқарорлаштириш соҳасида мустақилликка эришилган йиллардан буён биринчи марта бир мунча муваффақиятларга эришди. Инфляция даражаси, агар илгари гиперинфляция чегараларида бўлган бўлса, *n*-йилда ойига 3 фоизгача даражани ташкил қилди. Бироқ, ишлаб чиқариш ҳажми ҳамон энг бўш қирралигича сақланиб қолди. *n-2* - йилда ЯИМ реал кўринишда 23 фоиз қисқарган бўлса, *n-1* -йилда 12 фоизга ва *n*-йилда яна 10 фоизга қисқарди. *n*-йилдаги қисқаришга асосан қишлоқ хўжалиги экинларини йиғиштириб олиш давридаги ноқулай оби-ҳаво шароитлари ҳам салбий таъсир ўтказди. Ундан ташқари расмий статистика маълумотларида норасмий, яъни яширин иқтисодиётдаги ўсиш ҳисобга олинмас эди. Иқтисодий фаолиятга, шунингдек ислоҳатларни олиб боришдаги орқага қайтишлар ҳам салбий таъсир кўрсатди.

n-2 - *n-1*йилларда ҳамон пул-кредит сиёсатида собит қадамлик сезилмади. Кредит сиёсати гоҳ инфляцияни жиловлаш учун қаттиқлаштирилди, гоҳ банк ва корхоналарни ликвид маблағлари билан таъминлаш, ҳамда давлат бюджети камомадини қоплаш учун юмшатилиб турилди. *n*-йилда ҳукумат олдинги йилларга нисбатан қаттиқроқ пул-кредит сиёсатини юритишга ҳаракат қилди. Ички кредит экспансияси ва кенг маънодаги пул массасининг чегараланишига *n*-йилда иккита сабаб таъсир кўрсатди. Биринчидан, касса усулидан ҳисобланган давлат бюджетининг камомади ЯИМнинг 3 фоиз миқдоригача қисқартирилган бўлса, иккинчидан, ғазначилик векселлари бозори, айниқса *n*-йилнинг иккинчи яримида анча фаоллашди. Бу бозорда хорижий иштирокчиларнинг қатнашуви натижасида давлат бюджети камомадининг анчагина қисмини ғазначилик векселлари ҳисобига молиялаштиришга муваффақ бўлинди. *n*-йилда шунингдек янги миллий валюта ҳам муомалага киритилди.

Дастурда бюджет кўрсаткичларига сезиларли тузатишлар киритилди. Касса усулида ҳисобланган давлат бюджетининг камомади *n-4* -йилда 23%ни

ван-3 -йилда 12%ни ташкил этган эди. Бироқ*n*-йилдаги касса усулида ҳисобланган бюджетдаги тузатишларнинг асосий қисми юзаки эди, чунки давлат иш хақи, пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар бўйича тўловларни ўз вақтида бажармаслиги натижасида унинг кредиторлик қарзлари кўпайиб борди. Бу қарзларнинг миқдори ЯИМга нисбатан тахминан 3%ни ташкил қилди. Шунинг учун ўтказиш усулида ҳисобланган давлат бюджетининг камомати амалда *n*-йилда *n-1* - йилга нисбатан ўзгармади ва тахминан 6%га тенг бўлди. Тузатиш ишларига мамлакатда ғазначиликнинг мавжуд эмаслиги салбий таъсир қилди, чунки функционал вазирликлар ғазначилик тасдиғидан ўтмаган харидларни бажариш ҳуқуқига эга эдилар ва натижада харажатлар бўйича катта миқдорда қарзлар тўпланиб қолди.

ШМнинг ТБ мустақилликка эришилган дастлабки йилларда катта босимга учради ва катта миқдорда муддати ўтиб кетган ташқи қарзларга йўл қўйилди, айниқса газ импорти бўйича. *n-1* -йилда газ экспортлари билан келишувга кўра ташқи қарзлар орқароқ муддатга сурилиши натижасида аҳвол бир мунча ўнглана бошлади. *n*-йилда ташқи иқтисодий кўрсаткичлар бўйича реал алмашув курси сезиларли ошишига қарамасдан долларда ҳисобланган экспорт 14% га ошди. САВ камомати ЯИМга нисбатан 2001 йилдаги 5,4% дан *n-1* - йилда 4,4% га ва *n*-йилда 2,7% гача қисқарди. САВнинг ташқи иқтисодий операциялари бўйича йилма-йил камомат бўлганлиги сабабли мамлакатнинг ташқи қарзи ошиб борди, аммо *n*-йил охирига келиб, у назоратдан чиқиб кетмади.

n-2 - йил охирига келиб мавжуд кўп алмашув курсларининг бекор қилинганидан сўнг расмий алмашув курси валюта аукционидида белгиланадиган бўлди. Лекин кейинги даврларда ҳукуматнинг валюта сиёсатида ўзгаришлар содир бўлиб турди. Вақти-вақти билан ШМнинг Марказий банки бозор босимида жавобан алмашув курсида тебранишларга йўл қўйиб турди. Бошқа холларда эса, Марказий банк номинал курсни ушлаб туриш мақсадида катта миқдорда валюта интервенциялари амалга ошириб турди. *n*-йилнинг сентябрига келиб алмашув курсининг норасмий коридори киритилди. *n*-йилнинг охирларида ғазначилик векселлари бозорига хорижий капиталнинг оқиб кириши натижасида Марказий банк ўз сиёсатини заҳираларини тиклашга қаратди. Нисбатан барқарор алмашув курси шароитида миллий валютанинг реал алмашув курси кўтарилиб борди, лекин бу ҳолат қисқа муддатли даврда экспортга қаршилик кўрсатмади. Капитал счтининг аҳволи бирмунча мустаҳкамланди ва у ғазначилик векселлари бозоридида хорижий капиталнинг қатнашуви билан боғлиқ бўлди.

3. Тизимий ислоҳатлар.

n-йилнинг охирларига келиб хал қилувчи соҳаларда муҳим қадам қўйилди: нархлар ва фойда нормасини бошқариш бекор қилинди; савдо режимини эркинлаштиришда кучли қарорлар қабул қилинди; кичик корхоналарни хусусийлаштириш тугалланиб, ўрта ва йирик корхоналарни хусусийлаштириш бошланди; кишлок хўжалиги ва энергетика секторларини қайта куриш ишлари бошланди.

Аммо тизимий ислоҳатлардаги муваффақиятлар *n-2* -йилда бошланган комплекс ислоҳат дастурларидан кутилган натижалардан ҳамон орқада қолмоқда эди. Макроиқтисодий барқарорлик иқтисодий ўсиш учун зарур, аммо етарли бўлмаганлиги сабабли *n*-йилнинг охирида тизимий ислоҳатларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурияти туғилди. Фақат шундагина ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳоли турмуш даражасини кўтариш мумкинлигини ҳамма тан олар эди. Энг устувор вазифа сифатида хусусий секторнинг ривожига таъсир кўрсатиш учун бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқадиган қонун ва усулларни жорий қилиш, маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш ва хусусийлаштириш суръатларини жадаллаштириш бўлиб қолди. Аҳолининг ишончини тиклаш мақсадида банк секторини ислоҳқилиш ва молиявий ресурсларни хусусий сектор ривожига ва инвестицияларга йўналтириш зарур эди. Қишлоқ хўжалиги ва энергетиканинг муҳим ҳаётий секторларини комплекс қайта қуриш ҳамон бозор иқтисодиётига йўналтирилган тизимни яратиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва давлат ресурсларидан фойдаланишда талон-тароғликка қарши кураш билан узвий боғлиқда бўлди. Ва, ниҳоят, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий ҳимоянинг манзиллигини таъминлашга асосланиб, тезда меҳнат бозорини чуқур ислоҳқилиш кун тартибига туради.

Вазият

ШМ да реал секторнинг ривожига.

n-6 - йилда мамлакат мустақилликка эришгач, реал секторда ишлаб чиқариш ҳажми кескин қисқариб кетди. *n-6*-йилдан *n*-йилгача ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши 50%ни ташкил қилди. *n*-йилда оби-ҳавонинг ноқулай келиши натижасида паст ҳосил олиниши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида пасайишнинг давом этишига асосий сабаблардан бири бўлди. Аммо иқтисодий ислоҳатлар олиб боришдаги ноаниқликлар ҳам пасайиш тенденциясининг давом этишига таъсир ўтказди. Солиққа тортиш тизимидаги нобарқарорлик, қонунчилик асосларининг бўшлиғи, ҳаддан ташқари иқтисодиётни бошқарилишида давлатнинг аралашуви, коррупциянинг кенг тарқалиши *n*-йилнинг охирига қадар иқтисодий ўсишнинг содир бўлмаслига таъсир қилган асосий сабаблар бўлди. *n-3* - йилда 10000% га етган инфляция ниҳоят жиловланди ва унинг суръатлари *n*-йилда ойига ўртача 3% гача пасайди (бир йилда 42,6%). Қайд қилинган ишсизлик даражаси нисбатан паст бўлсада, тўла бўлмаган бандлик кенг тарқалди. *n*-йилда тизимий ислоҳатлар суръати бироз жадаллашди, лекин бу соҳада ҳали кўп ишлар қилиниши лозим эди.

1. Ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгаришлар.

n-2 - йилда реал ЯИМ 23%га, *n-1* -йилда – 12%га ва *n*-йилда 10%га қисқарди (2.1-жадвал). Қисман *n*-йилдаги пасайишни ҳосилни йиғиб-териш давридаги ноқулай оби-ҳаво шароитлари билан изоҳлаш мумкин. Шу йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 10%га, саноат маҳсулотлари эса 5%га пасайди. Қурилиш секторидаги хизматлар расмий статистика маълумотларига кўра 44%га пасайди. Бу ҳолат қурилиш соҳасида анчагина

”қора бозор” хиссаси ошиб кетганлигини тахмин қилишга имкон беради. Солиқ тизими ва ислохатлардаги мавхумлик ҳам мамлакатдаги иш фаолиятига салбий таъсир қилиб, инвестициялар борасида қарорлар қабул қилишни кечиктиришга олиб келди.

1.1. Ишлаб чиқариш.

n-5 - n - йилларда саноат тармоғининг хиссасига ЯИМнинг 30-35% тўғри келган. Ҳисоб-китобларга кўра, *n-2* -йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 27% га, *n-1* -йилда – 12% га ва *n*-йилда 5% га қисқарди. Саноат тармоғидаги бундай пасайишга бир қанча омиллар таъсир ўтказди. Биринчидан, бюджет чекловларининг янада қаттиқлашуви. Бунга, айниқса газ билан таъминлашда нархларнинг дунё нархларигача оширилиши натижасида газ тақсимооти масаласи давлат монополиясидан чиқарилиши ва ташқи тўловлар бўйича давлат кафолатларининг бекор қилиниши яққол мисол бўла олади. Иккинчидан, инфляция даражасининг пасайиб бориши билан банклар ўз кредит портфелларининг сифатини оширишга киришдилар ва корхоналарга кредит ажратиш масаласида қаттиқ талаблар қўя бошладилар. Учинчидан, хусусийлаштиришнинг жадаллашувига қарамадан корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш учун корхоналарни тубдан қайта қуриш талаб қилинар эди.

n-5 - n -йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги салмоғи 10-15%ни ташкил қилган. Умумий қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳажми реал кўринишда *n-2* -йилда 17%га, *n-1* -йилда 4%га ва *n*-йилда яна 10%га қисқарди. 2003 йилдаги ҳосилнинг паст даражада бўлиши ноқулай оби-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлди ва натижада дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш кескин қисқариб кетди. Ундан ташқари қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган минерал ўғитлар сингари ишлаб чиқариш ресурсларининг етишмаслиги сабабли қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражаси йилдан-йилга пасайиб борди. Чорвачилик маҳсулотлари деқончилик маҳсулотларидек кескин пасаймаган бўлсада, дон ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва қора мол ҳамда тери экспортига солиқ киритилиши муносабати билан пасайди. Қишлоқ хўжалиги секторида ҳамон эски тизимдан сақланиб қолган жамоа хўжаликларининг салмоғи 80%ни ташкил қилади.

1.2. Харажатлар.

Одатда бозор иқтисодиётига мослашиш даврида МХТнинг статистик маълумотлари анча ишончсиз бўлади. Ушбу муаммо ШМ шароитларида янада чуқурлашиб кетган. Бир қатор йиллар давомида инфляция даражасининг ҳаддан ташқари юқори бўлиши реал ва номинал кўрсаткичларни, айниқса ЯИМнинг харажатлар бўйича таркибини белгилашда бир қатор қийинчиликлар туғдиради. Миқдорий кўрсаткичлар борасида баъзи шубҳалар мавжудлигига қарамадан, *n-1* -йилдаги 7% реал ўсишни ҳисобга олмаганда, *n-5 - n* -йилларда истеъмол кескин қисқарди (2.2-жадвал). Асосий капиталга қўйилмалар эса унданда кўпроқ қисқарди. Бунинг асосий сабаблари, юқорида кўрилганидек, иш фаолиятидаги ноқулай шароитлар ва норасмий тўсиқларнинг мавжудлигидир.

Олдинги йиллардан фаркли ўлароқ, $n-1$ – n - йилларда моддий айланма маблағларни жамғариш сезиларли даражада секинлашди. $n-4$ – $n-2$ -йилларда катта ҳажмдаги жамғариш, илгари жамғарилган моддий айланма маблағларни ҳисобга олишдаги ноаниқликлар туфайли қайд қилинган бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан, n -йилга келиб катта ҳажмда жамғарилган моддий айланма маблағлар тақдири ноаниқ бўлиб турибди: вақти келиб улар сотиладими ёки ҳисобдан чиқариладими – масала очикқолмоқда.

2. Нархлардаги ўзгаришлар.

n -йил охирларида ШМ гиперинфляция чегарасида турар ва инфляция даражаси 10000% га тенг бўлган эди. $n-2$ -йилнинг катта қисми ва $n-1$ -йилнинг бошларида инфляция даражаси нисбатан юқори ва нобарқарор бўлди (2.3-жадвал). Ушбу даврдаги нобарқарорлик дастлабки пайтларда пул-кредит сиёсатидаги изчилсизлик ва вақти-вақти билан маъмурий бошқариладиган нархларни кескин ошириш, ҳамда улардан кейинги босқичларда $n-2$ -йилнинг охирларида бошланган иқтисодий ислохатлар тадбирларига киритилган нархлар ва алмашув курсини эркинлаштириш билан боғланган эди. Ислохатларда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида инфляция суръатлари кескин қисқарди. $n-1$ -йилнинг катта қисми мобайнида ўртача ойлик инфляция даражаси 5% ни ташкил қилди. Бироқ $n-1$ -йилнинг охирлари ва n -йилнинг бошларида пул-кредит сиёсатининг юмшатилиши ва бошқариладиган нархларнинг оширилиши натижасида инфляция яна кўтарилди.

Инфляция суръатлари n -йилнинг март ойидан бошлаб кескин пасая бошлади. Бунга қаттиқ пул-кредит сиёсатининг олиб борилиши ва нисбатан барқарор алмашув курси таъсир кўрсатди. Аввалги йиллардан фаркли ўлароқ, инфляция суръатлари, бошқариладиган нарх ўзгаришларини ҳисобга олмаганда, n -йилнинг охирларигача паст даражада сақланди ва ўртача ойлик инфляция суръатлари 3% гача пасайди. Йиллик инфляция даражаси n -йилда (олдинги йилнинг декабридан ушбу йилнинг декабригача) 40% дан сал паст бўлди.

n -йилнинг охирига келиб барча бошқариладиган нархлар ва фойда нормалари бекор қилинди. Монополиядан чиқариш кўмитаси монопол фирмаларнинг нархларни эркинлаштиришдан фойдаланиб қолишлари масаласини назорат остига олишга ҳаракат қилган бўлсада, мамлакат иқтисодиётини монополиядан чиқариш ютуқлари паст даражада бўлди. Савдони эркинлаштириш нархлар бўйича рақобатни киритишига туртки берди.

3. Меҳнат бозоридаги ўзгаришлар.

$n-2$ – n -йилларда меҳнат бозоридаги тенденциялар асосан барқарор бўлиб, банд аҳолининг сони унчалик қисқармади (2.4-жадвал). Давлат секторида банд бўлган ишчи кучининг салмоғи 69,2% дан 64,2% гача қисқарди, коллектив секторда эса (акционерлик компанияларига айлантирилган, лекин ҳозирча хусусийлаштирилмаган корхоналарни ҳам қўшганда) бироз ошди.

n -йил давомида расмий ишсиз сифатида қайд қилинганлар сони ишчи кучининг 1% дан ҳам паст бўлди. Умуман олганда, кадрларни қисқартириш

ишлари олиб борилмади, чунки корхоналар ҳамон кўпчилик ижтимоий хизматларни, масалан, мактабларда ўқитиш, уй-жой, медицина хизмати каби хизматларни ўз зиммаларига олган эдилар. Шунинг учун ойлар мобайнида ишчилар иш хақи олмасаларда, номинал жихатдан банд бўлиб туришни афзал кўрар эдилар. Ундан ташқари, меҳнат қонунчилигига кўра ишчиларни ишдан бўшатиш осон иш бўлмасдан, анча харажатлар билан боғлиқ эди. Тўлиқ бўлмаган бандлик ҳамон кенг тарқалган бўлиб, кўпчилик ходимлар мажбурий таътилда ёки тўлиқ бўлмаган иш кунида меҳнат қилар эдилар. Масалан, танлама кузатиш натижаларига кўра *n-1* -йилнинг биринчи ярмида ишчи кучининг 14% мажбурий таътилда ва яна 6% тўлиқ бўлмаган иш кунида банд бўлган.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин қисқариши даврида бандлик даражасининг нисбатан барқарорлиги *n*-йил мобайнида меҳнат унумдорлигининг кескин пасайиб кетган деган хулоса чиқаришга асос беради. Албатта, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, агар ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи норасмий секторни ҳам қамраб олганида ва бандлик кўрсаткичига тегишли тузатишлар киритилганда, унчалик сезиларли бўлмас эди.

Реал иш хақи (ИНИ билан дефляция қилинган) *n-2* -йилда 17% га пасайди, *n-1* -йилда 21% га ошди ва *n*-йилда 3% га пасайди (2.5-жадвал). Бироқ бу ерда гап ҳисобга ўтказилган иш хақи тўғрисида бораяпти. Лекин иш хақи кўпинча ўз вақтида тўланмас эди. Ҳисоб-китобларга кўра, *n*-йилнинг охирига келиб иш хақи бўйича қарздорлик йил давомида тўланган иш хақининг 17% ни ташкил қилган. Иш хақи бўйича қарздорлик суммасининг $\frac{1}{4}$ қисми бюджет муассасалари хиссасига тўғри келган.

Маишқлар ва муҳокама учун масалалар.

1. ЯИМ ва миллий даромад.

2.1 ва 2.2-жадвалларда ШМнинг ЯИМ ва ЭЯМД тўғрисида маълумотлар келтирилган.

1. Реал ЯИМнинг пасайиш масштаблари 2.1-жадвалнинг энг қуйи моддаларида келтирилган. *n-2* – *n* -йиллар мобайнидаги ўсиб боровчи усулда ЯИМнинг қанчага қисқарганлигини аниқланг. Қисқаришга қандай омиллар таъсир кўрсатган? Ўз кузатишларингизни исботлаш учун ШМ реал сектори бўйича маълумотларни келтиринг.

2. ЯИМнинг қайд қилинган бундай пасайишига ишониш мумкинми? Статистик маълумотлардаги қусурларга қандай омиллар таъсир ўтказган бўлиши мумкин?

3. 2.1-жадвалдаги сўроқ белгиси қўйилган жойлардаги маълумотларни аниқлаб, *n-2* – *n* -йиллардаги номинал ЯИМ таркибига изоҳ беринг. Қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларидаги ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар қанчалик ишончли?

4. 2.1- жадвалнинг қўшимча маълумотларида *n*-йилда реал ЯИМ 10% га камайганлиги, нархлар эса ЯИМ дефляторига кўра 64.1% га ошганлиги

кўрсатилган. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб n -йилдаги номинал ЯИМ ҳажми ва унинг $n-1$ -йилга нисбатан қанчага ўзгарганлигини аниқланг. $n-2$ -йил нархларида n -йилдаги реал ЯИМ ҳажми қанчага тенг бўлади?

5. МХТдаги айниятлардан фойдаланиб 2.2-жадвалдаги сўроқ белгиси қўйилган жойлардаги кўрсаткичларни ҳисобланг. $n-2$ – n -йиллар мобайнида ялпи истеъмол таркибида содир бўлган ўзгаришларга изоҳ беринг.

6. n -йил учун ЯИМга нисбатан фоизларда жамғарма кўрсаткичини ҳисобланг. Иқтисодий фаолиятнинг қайси секторлари (давлат бошқарув идоралари, уй хўжаликлари, номолиявий корпорациялар), кўринишича, жамғарма счетларида мусбат қолдиққа эга? Уларнинг қайси бирлари олган маблағларига нисбатан кўпроқ харажат қиладилар (яъни харажатлари даромадларидан ошиб кетади)?

II. Нархлар.

2.3-жадвалда истеъмол нархлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

7. 2.3-жадвалдаги сўроқ белгиси қўйилган жойлардаги маълумотларни аниқланг. n -йилнинг иккинчи ярми охиридаги инфляция даражасини ҳисоблаб, уни биринчи ярим йилликдаги инфляция даражаси билан таққосланг. n -йил давомида қайси омиллар инфляция даражасининг пасайишига сабаб бўлган?

8. Давр охиридаги инфляция даражасини унинг ўртача даврдаги даражасига нисбатан масштабларига изоҳ беринг: қачон инфляция суръатлари ошган ва қачон пасайган?

9. ИНИ шаклида ҳисобланган инфляция даражасини 2.1-жадвалдаги ЯИМ дефлятори шаклида ҳисобланган инфляция даражаси билан таққосланг. Нима учун улар орасида тафовутлар мавжуд? ШМ учун ИНИ инфляция даражасини ҳисоблаш учун қанчалик мос келишига баҳо беринг.

III. Бандлик, ишсизлик ва иш ҳақи

2.4-жадвалда секторлар бўйича бандликнинг ўзгариши ва ишсизлик масштаблари тўғрисида, 2.5-жадвалда эса иш ҳақининг ўзгариши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

10. $n-2$ – n -йиллар оралиғида ўсиб боровчи усулда бандлик даражаси қандай ўзгарган? Бандлик даражасининг пасайиши реал кўринишдаги ЯИМ ҳажмини камайишига қанчалик мос келади? Меҳнат унумдорлиги тўғрисида қандай хулосалар чиқариш мумкин?

11. Бандлик таркибини 2.1-жадвалдаги ЯИМ таркиби билан солиштиринг. Улар қанчалик ўзаро боғланган? Салмоқлардаги фарқланишлар сабаби нимада? Салмоқларнинг ўзгаришини-чи?

12. n -йил охирига келиб 351.000 киши ишсиз сифатида қайд қилинган. ШМда бу тўлиқ бўлмаган бандликни ифодалайдими? Тўлиқ бўлмаган иш кунида банд бўлганлар ва мажбурий таътилга чиқарилганларни ишсиз деб ҳисоблаш мумкин-ми?

13. n -йил давомида номинал ўртача иш ҳақи қандай ўзгарган? n -йилда реал иш ҳақи қанчага камайган (n -йил декабридаги иш ҳақи $n-1$ -йилнинг

декабрига нисбатан)? ШМда реал иш ҳақининг пасайишига таъсир қилган асосий омилларни кўрсатинг.

14. Ўртача иш ҳақларидаги ўзгаришлар аҳолининг реал даромадлари тўғрисида хулосалар чиқаришга имкон берадими? Бунинг учун қўшимча яна қандай маълумотлардан фойдаланиш талаб қилинади?

15. Иш ҳақининг пасайиши ва нархлар ошишини ушлаб туриш учун солиқларга асосланган даромаларни бошқариш сиёсати олиб борилган. Сизнинг фикрингизча, қанчалик ушбу сиёсат иш ҳақининг ошишини чегаралаш учун самарали: давлат хизматчилар учун, давлат корхоналари учун ва хусусий сектор учун?

Ахборий таъминот

3.1-жадвал

n-2 – n - йиллардаги ШМнинг ЯИМ таркиби

	<i>n-2</i> -йил	<i>n-1</i> - йил	<i>n</i> -йил
	(Млн. ШМ миллий валютасида)		
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	12.038	54.516	?
шу жумладан:			
Саноат ва қазиб олиш саноати	4.215	16.873	23.675
Қурилиш	895	3.753	4.459
Қишлоқ хўжалиги, балиқ ва ўрмон саноати	1.754	7.507	9.465
Савдо ва умумий овқатланиш	619	2.888	5.578
Траспорт ва алоқа	694	5.301	10.181
Бошқа хизматлар	3.306	13.664	21.582
	(ЯИМга нисбатан фоизларда)		
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:			
Саноат ва қазиб олиш саноати	34,0	31,0	?
Қурилиш	7,4	6,9	5,5
Қишлоқ хўжалиги, балиқ ва ўрмон саноати	14,6	13,8	?
Савдо ва умумий овқатланиш	5,1	5,3	6,9
Траспорт ва алоқа	5,8	9,7	12,6
Бошқа хизматлар	27,5	25,1	26,8
<i>Қўшимча маълумотлар</i>	(Фоизлардаги ўзгаришлар)		
Номинал ЯИМ	667,4	352,9	?
Реал ЯИМ	-22,9	-12,2	-10,0
ЯИМ дефлятори	895,3	415,8	?

n-2 – n - йиллардаги ШМнинг ЯИМдан фойдаланиши

	n-2 -йил	n-1 -йил	n-йил
	(Млн. ШМ миллий валютасида)		
Ялпи эгаликдаги миллий даромад ($Y_{ЭМД} = Y_{ИМ} + Y_f + TR_f$)	12.006	54.063	80.397
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ=ялпи истеъмол+экспорт-импорт)	12.038	54.516	?
Соф омил даромадар (Y_f)	-132	-747	-1045
Соф трансфертлар (TR_f)	100	294	931
Ялпи истеъмол ($Y_{И} = Y_{Истеъмол} + Y_{Инвестициялар}$)	12.704	56.290	?
Истеъмол(C)	8.166	41.651	?
Шахсий истеъмол (C_p)	5.835	30.065	?
Давлат истеъмоли (C_g)	2.331	11.595	17.472
Инвестициялар (I)	4.538	16.640	18.531
Асосий капиталга қўйилмалар	2.858	12.759	16.832
Моддий айланма маблағларни жамғариш ва бошқалар	1.1680	1.881	1.699
Товар ва хизматлар соф экспорти (экспорт минус импорт) (NX)	-666	-1.774	-2.053
	ЯИМга нисбатан фоизларда		
ЯИМ таркиби	100,0	100,0	100,0
Истеъмол(C)	67,8	76,4	?
Шахсий истеъмол (C_p)	48,5	55,1	?
Давлат истеъмоли (C_g)	19,4	21,3	21,7
Инвестициялар (I)	37,7	26,9	23,0
Асосий капиталга қўйилмалар	23,7	23,4	20,9
Моддий айланма маблағларни жамғариш ва бошқалар	14,0	3,4	2,1
Товар ва хизматлар соф экспорти (экспорт минус импорт) (NX)	-5,5	-3,3	-2,6
Ялпи жамғариш ($S = Y_{ЭМД} - C$)	31,9	22,8	?
Реал ЯИМнинг ўзгариши	(Фоизлардаги ўзгаришлар)		
ЯИМ	-22,9	-12,2	-10,0
Истеъмол (C)	-13,2	7,0	-14,7
Асосий капиталга қўйилмалар	-19,9	-6,4	-26,8

ШМда *n-3 – n* - йиллардаги ИНИ

Чорак	Йил/ ой	Истеъмол нархлари индекси (ИНИ)					
		Индекс (дек. <i>n-3</i> йил=100)			Фоизларда ўзгаришлар		
		Ойлик	Йил/чорак		Ойлик	Йил/чорак	
			ўртача	давр охирига		ўртача	давр охирига
	<i>n-3 -йил</i>		20,0	4,2		10155,0	4734,9
	<i>n-2 -йил</i>		100,0	41,8		401,1	891,2
	Январ	23,8			19,2		
	Феврал	26,6			12,6		
1ч.	Март	28,3	28,3	26,3	5,7	41,9	109,7
	Апрел	30,0			6,0		
	Май	31,6			5,2		
2ч.	Июн	32,8	32,8	31,5	3,9	15,9	19,6
	Июл	33,5			2,1		
	Август	34,6			2,6		
3ч.	Сентябр	36,9	36,9	34,9	7,3	12,4	11,0
	Октябр	45,2			22,6		
	Ноябр	77,9			72,3		
4ч.	Декабр	100,0	100,0	74,4	28,4	171,2	113,0
	<i>n-1 -йил</i>		281,7	199,1		181,7	376,7
	Январ	121,2			21,2		
	Феврал	143,1			18,1		
1ч.	Март	159,5	159,5	141,3	11,4	59,5	90,0
	Апрел	168,7			5,8		
	Май	176,5			4,6		
2ч.	Июн	184,9	184,9	176,7	4,8	16,0	25,1
	Июл	194,6			5,2		
	Август	203,5			4,6		
3ч.	Сентябр	232,4	232,4	210,1	14,2	25,7	18,9
	Октябр	253,5			9,1		
	Ноябр	269,3			6,2		
4ч.	Декабр	281,7	?	268,2	4,6	21,2	27,6
	<i>n-йил</i>		393,5	358,8		39,7	?
	Январ	308,1			9,4		
	Феврал	330,9			7,4		
1ч.	Март	340,9	340,9	326,6	3,0	?	21,8
	Апрел	349,0			2,4		
	Май	351,5			0,7		
2ч.	Июн	351,8	351,8	350,8	0,1	3,2	7,4
	Июл	352,2			0,1		
	Август	372,3			5,7		
3ч.	Сентябр	379,7	?	368,0	2,0	7,9	?
	Октябр	385,4			1,5		
	Ноябр	390,0			1,2		
4ч.	Декабр	393,5	393,5	389,7	0,9	3,6	5,9

ШМда *n-3* – *n* - йиллардаги бандлик ва ишсизлик

	<i>n-3</i> -йил	<i>n-2</i> -йил	<i>n-1</i> -йил	<i>n</i> -йил
	(Минг киши)			
Умумий банд аҳоли сони ¹	23.427	22.179	21.962	20.868
Саноат	7.017	6.249	5.761	5.335
Қишлоқ хўжалиги ²	4.874	4.750	5.258	5.006
Қурилиш	1.771	1.640	1.485	1.366
Транспорт ва алоқа	1.604	1.491	1.449	1.398
Савдо ва моддий хизматлар ³	1.711	1.629	1.614	1.552
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	1.532	1.508	1.516	1.481
Маориф ва маданият	2.300	2.277	2.247	2.141
Бошқалар	2.618	2.635	2.632	2.589
	(Умумий бандларга нисбатан фоизларда)			
Умумий банд аҳоли сони ¹	100,0	100,0	100,0	100,0
Саноат	30,0	28,2	26,2	25,6
Қишлоқ хўжалиги ²	20,8	21,4	23,9	24,0
Қурилиш	7,6	7,4	6,8	6,5
Транспорт ва алоқа	6,8	6,7	6,6	6,7
Савдо ва моддий хизматлар ³	7,3	7,3	7,3	7,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	6,5	6,8	6,9	7,1
Маориф ва маданият	9,8	10,3	10,2	10,3
Бошқалар	11,2	11,9	12,0	12,4
Ишсизлик				
қайд қилинганлар сони (йил охирига, минг киши)	84	82	127	351
улардан нафақа оладиганлари	50	48	74	215
Ишсизлик даражаси ⁴ , %	0,3	0,3	0,5	1,3

Изоҳ:

- 1) Ўртача йиллик, ёлланмаган ходимлар ҳисобга олинмаган.
- 2) Хусусий фермаларда банд бўлганлар ҳам қўшилган.
- 3) Умумий овқатланиш, техника харид қилиш, сотиш ва сақлаш ҳам қўшилган.
- 4) Йил охирида меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибида қайд қилинган ишсизлар салмоғи.

n-3 – n -йилларда ШМдаги номинал ва реал иш хақи

		Номинал иш хақи ¹		Ўртача реал иш хақи ²	
		Ойига м/в	Индекс, дек <i>n-2</i> – –й=100	Индекс, дек <i>n-2</i> – й=100	Фоизларда ўзга-риш (12 ойлик)
<i>n-3 -йил</i>	Ўртача	1,6	4,7	117,5	-40,7
<i>n-2-йил</i>	Ўртача	13,8	41,5	97,9	-16,7
	Январ	7,6	23,0	96,9	-19,2
	Феврал	7,6	22,9	85,7	-11,6
1ч.	Март	8,5	25,5	90,2	5,3
	Апрел	8,8	26,7	88,9	-1,5
	Май	9,4	28,5	90,1	1,4
2ч.	Июн	10,4	31,5	96,0	?
	Июл	11,1	?	99,9	4,0
	Август	11,4	34,5	100,5	0,6
3ч.	Сентябр	12,2	36,9	100,1	-0,4
	Октябр	18,9	57,1	126,3	26,2
	Ноябр	25,9	78,1	100,2	-20,6
4ч.	Декабр	33,1	100,0	100,0	-0,2
<i>n-1 -йил</i>	Ўртача	80,4	242,8	118,8	21,3
	Январ	35,4	107,0	88,3	-11,7
	Феврал	46,0	138,8	97,0	9,9
1ч.	Март	55,5	167,6	105,1	8,4
	Апрел	59,8	180,5	107,0	1,8
	Май	67,6	204,2	115,7	8,2
2ч.	Июн	79,2	239,2	129,3	11,8
	Июл	83,4	251,9	129,5	0,1
	Август	89,9	271,4	133,4	3,0
3ч.	Сентябр	97,9	295,6	127,2	-4,6
	Октябр	104,5	315,5	124,4	-2,2
	Ноябр	111,2	335,7	124,7	0,2
4ч.	Декабр	134,4	405,7	144,0	15,6
<i>n-йил</i>	Ўртача	137,8	416,1	115,8	?
	Январ	114,5	345,8	112,2	-22,1
	Феврал	120,9	365,1	110,3	-1,7
1ч.	Март	129,3	390,5	114,6	3,8
	Апрел	129,6	391,3	112,1	-2,1
	Май	132,1	398,8	113,5	1,2
2ч.	Июн	137,7	415,9	118,2	4,2
	Июл	143,7	433,9	123,2	4,2
	Август	143,1	431,9	116,0	-5,8
3ч.	Сентябр	146,1	441,1	116,2	0,1
	Октябр	148,2	447,5	116,1	0,0
	Ноябр	144,8	437,1	112,1	-3,5
4ч.	Декабр	163,7	494,2	?	?

Изоҳ:

1) Давлат секторидagi ўртача иш хақи.

2) ИНИ бўйича дефляцияланган.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Мустақил иш – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларида бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фаркли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иш - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишнинг турлари ва тизими:

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2.Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;

- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф хулосаси;
- иш натижаларини қўланиш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутати:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиш;

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий

мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

2) Мустақил таълим мавзулари.

1. Ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар. Ишлаб чиқариш. Харажатлар.
2. Нарх даражаларининг ўзгариши.
3. Меҳнат бозоридаги ўзгаришлар. Бандлик, ишсизлик ва иш ҳақи.
4. ЯИМ ва бошқа асосий умумлаштирувчи макроиқтисодий кўрсаткичлар.
5. Солиқ-бюджет сиёсатидаги ўзгаришлар.
6. Даромадлар, харажатлар, бюджет камамади тахлили.
7. Институционал муаммолар. Харажатларни назорат қилиш. Солиқларни йиғиш муаммолари.
8. Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тизими.
9. Тўлов балансидаги ўзгаришлар. Жорий операциялар смети. Капитал ва молиявий операциялар смети тахлили.
10. Ташқи қарз.
11. Алмашув курси ва рақобатбардошлик.
12. Пул-кредит соҳасидаги ўзгаришлар.
13. Пул, кредит и фоиз ставкалари.
14. Пулга талаб тахлили.
15. Банк тизимининг тахлили.
16. Реал ва пул-кредит сектори орасидаги боғлиқликлар
17. Реал ва давлат сектори орасидаги боғлиқликлар.
18. Реал ва ташқи дунё сектори орасидаги боғлиқликлар.
19. Бошқа секторларнинг ўзаро боғлиқликлари.
20. Базавий башоратлаш.
21. Реал сектор башорати.
22. Тўлов баланси башорати.
23. Солиқ-бюджет счетлари башорати.
24. Пул-кредит счетлари башорати.
25. Ўзаро боғлиқликларни текшириш.

Глоссарий

Кредит – олинган ресурсларни фоиз билан қайтариш ва ўрнини қоплаш асосида вақтинча фойдаланиш учун бериш. Кредитлаш усулларида бири сифатида ссудани келтириш мумкин.

Миллий ҳисоблар – бухгалтерия счётига ўхшаш формадаги жадваллар тизими бўлиб, у ЯИМни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва охириги фойдаланиш жараёнини характерлайди.

Миллий Ҳисоблар тизими (МХТ) – макро даражада бозор иқтисодиётини ёритиш ва таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган ўзаро боғланган кўрсаткичлар ва тавсифномалар тизими. Унинг асосида йирик иқтисодчи олимлар Д. Кейнс, Дж. Хикс томонидан яратилган сиёсий иқтисод йўналишлари ётади.

Тўлов баланси – иқтисодий статистиканинг муҳим бўлими; Шу мамлакат ва бошқа дунё резидентлари орасидаги барча ташқи иқтисодий операциялар ҳақидаги маълумотларни маълум тизимга келтиради.

Трансфертлар – даромадлар ва бойликларни қайта тақсимлашни ифодалайдиган кўрсаткич; У бир институционал бирлик томонидан иккинчисига текинга берилган пуллар, товарлар, хизматлар ёки активларни ифодалайди. Улар жорий ва доимийга ёки пул формадаги ва натурал формадаги трансфертларга бўлинади.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – марказий макроиқтисодий кўрсаткич; у ёки бу даврда шу мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган охириги маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг бозор баҳосида ҳисобланган ҳажми.

Ялпи миллий даромад (ЯМД) - шу мамлакат резидентларининг шу мамлакатнинг ва хорижий мамлакатларнинг ЯИМни яратиш давомида олган бирламчи даромадлари (мулкдан олган солиқ билан бирга)нинг йиғиндиси.

Ялпи миллий ихтиёридаги даромад (ЯИМД) - шу мамлакат резидентлари томонидан олинган бирламчи даромадлар ва соф жорий трансфертлар йиғиндиси.

Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) - алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар, тармоқлар ва иқтисодий секторларнинг фаолияти натижаси бўлиб, унинг ҳажми ялпи ишлаб чиқариш ва оралиқ истеъмоли орасидаги фарқга тенг.

Ялпи ички маҳсулот дефлятори - ялпи ички маҳсулот учун аниқланган баҳо индекси; Уни аниқлаш учун ялпи ички маҳсулот қиймат индексини, ЯИМнинг физик ҳажм индексига нисбатан олинади.

Асосий фондлар – мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисми: Улар ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта фойдаланиладиган ва ўз қийматини тайёр маҳсулотга аста-секин ўткази борадиган активлар ҳисобланади. Бундай фондларга иморат ва иншоат, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, боғлар, узумзорлар, геология-қидирув ишларига сарфлар, ЭХМ маълумотлар базаси ва уларни дастурлар билан таъминлаш Ҳаражатлари, санъат ва адабиётнинг нодир асрлари ва шу кабилар киради.

Айланма маблағнинг айланиши – такрор ишлаб чиқариш жараёнида айланма маблағнинг Ҳаракат тезлигини ифодаловчи кўрсаткич. У икки хил

ифодаланади: а) айланиш коэффиценти (ўрганилаётган даврда айланма маблағларнинг айланиш сони) б) неча ишчи кунда бир марта айланиши (айланма маблағларнинг ўртача қолдиғини давр мобайнидаги кунлар сонига кўпайтирилиб, сотилган маҳсулот таннархи ҳажмига бўлинади).

Асосий капиталнинг истеъмоли – асосий капитал қийматининг жисмоний ва маънавий эскириши натижасида камайиши. Унинг ҳажми асосий капиталнинг ёшини ва ҳозирги тиклашдаги қимматини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

Аҳоли даромади – маълум вақт ичида уй хўжаликлари томонидан олинган пул ёки натурал формадаги маблағлар.

Бирламчи даромад – институцион бирликлар томонидан миллий даромаднинг бирламчи тақсимлаш натижасида олинган даромадлар: иш ҳақи, мулкдан олинган даромадлар, фойда, аралаш даромад, ишлаб чиқариш ва импорт солиғидан иборат.

Бўлажак умрнинг ўртача узунлиги – инсонинг шу мавжуд авлод ичида туғилиб келажакда яшаши мумкин бўлган даврни ифодалайди.

Барча турдаги иқтисодий фаолиятларнинг халқаро андозалар асосида таснифлаш – макроиқтисодий статистиканинг муҳим таснифларидан бири ҳисобланади. Бундай таснифлаш бирлиги қилиб алоҳида корхона ёки муассаса олинади ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулот ёки харажатлар таркиби, ёхуд қўйилаётган технологиялари бир хил бўлган тақдирда айрим тармоқларга бирлаштирилади.

Бошқа ишлаб чиқариш солиқлари – ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганлик учун тўлов, ундан ташқари лицензиялар ва ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун берилган рухсатномалар учун ва резидент фаолияти учун керак бўлган бошқа тўловлар киритилади. Уларга иш ҳақи, иморатлар, иншоотлар, транспорт воситалари, тадбиркорлик ва ҳ.к.лар учун тўловлар мисол бўла олади.

Давлат бюджетининг тақчинлиги – харажатлар суммасининг даромадлар суммасидан ортиқ бўлиши.

Доимий баҳолар – баъзи баҳо сифатида олинган қандайдир жорий давр баҳоси; уни физик ҳажм индикаторини аниқлаш учун ишлатилади. Улар одатда 5 йилда бир ўзгартирилади.

Жамғариш – ихтиёрдаги даромадни бир қисми бўлиб, у охириги истеъмол мақсадлари учун сарфланмайди, балки жамғариш учун сарфланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш мақсадида асосий фондлар, айланма маблағлар ва молиявий активлар ҳажми орттирилади.

МҲТ таърифига асосан жамғариш – бу барча молиявий (мавжуд пул маблағлари, депозитлар, қимматли қоғозлар, заёмлар, кредитлар ва ҳ.к.) активларни ва материал активларни ўсишини англатади.

Жорий даврда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонига қуйидагилар киради:

-ҳақ олиш ҳисобига ёлланиб маълум ишни бажарганлар, шу билан бирга даромад келтирувчи ишларни ёлланмасдан бажарганлар;

-оилавий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарганлар;

-узрли сабаблар билан дам олиш кунлари, йиллик меҳнат таътили, бетоблиги туфайли, маъмурий таътил ва ҳ.к. туфайли иш берувчи билан алоқани узмаган кишилар.

Институцион бирликлар – активларга эгалик қилиш, мажбуриятлар олиш, иқтисодий фаолият юритиш ва бошқа бирликлар билан операциялар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Истеъмол – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охириги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни.

Истеъмол баҳолари индекси – истеъмол саватига киритилган товар ва хизматлар баҳосининг у ёки бу даврдаги ўртача ўзгаришини ифодаловчи индекс. У одатда Лейпейрес формуласи бўйича аниқланади.

Иш кучига сарфланган ҳаражатлар – иш берувчилар томонидан иш кучини ёллаш ва уни асраш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар йиғиндиси.

Ишсизлик даражаси – ишсизлик сонининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати. 16 ва ундан юқори ёшдагилар, лекин ишга эга бўлмаганлар, фаол иш қидираётганлар, ишни бошлашга тайёр турганлар ишсизлар деб аталади.

Иш ҳақи – жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳаққи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Ишлаб чиқариш – маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган мол ва хизматлар қиймати.

Иккиламчи дефлятор усули – қўшилган қиймати ўзгармас баҳоларда қайта баҳолаш усули бўлиб, унинг учун аввал ишлаб чиқариш ва оралиқ истеъмол дефляторланади, сўнгра биринчисидан иккинчиси айрилади.

Ишлаб чиқариш ва импорт солиғи – давлат томонидан ишлаб чиқарувчи бирликлардан товар ва хизматлар ишлаб чиқаргани ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдалангани учун олинadиган солиқлар – мажбурият, қайтарилмас тўловлардир. Уларга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бўлган солиқлар ва импорт солиқлар киради.

Ишчи кучи бозори – иш кучининг эгаси ва иш берувчилар орасидаги ижтимоий муносабатлар тизими.

Иқтисодий фаол аҳоли – ўз иш кучини товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун тақдим этган доимий аҳолининг бир қисми (аёллар, эркаклар) бўлиб, улар банд аҳоли ва ишсизларга бўлинадилар.

Иқтисодиёт активлари – объектлар бўлиб, уларга институцион бирликлар якка ҳолда ёки жамоа бўлиб эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Уларнинг эгалари маълум вақт давомида уларга эгалик қилишдан ёки улардан фойдаланишдан иқтисодий наф қўрадилар. Иқтисодий активлар-молиявий ва номолиявий активларга бўлинади. Номолиявий активларга ишлаб чиқарилган (асосий фондлар, материал айланма маблағлар, бойликлар) ва ишлаб чиқарилмаган (ер, ер ости қазилма бойликлар, ўрмон ресурслари, патентлар,

лицензиялар ва ҳ.к.) активлар киради. Молиявий активларга эга монетар олтин, мавжуд пул ва депозитлар, қимматли қоғозлар, ссудалар, дебитор ва кредитор қарзлари киради.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳудуди – шу мамлакат ҳукумати томонидан бошқариладиган ҳудуд бўлиб, унинг чегарасида фуқаролар, товарлар ва капиталлар эркин ҳаракат қила олади.

Меҳнат ресурслари баланси – мавжуд меҳнат ресурслари ва уларни фаолият турлари ва соҳалари бўйича тақсимланишни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

Миллий бойлик – кишилик авлоди меҳнати туфайли ва фойдаланиш мумкин бўлган табиий бойликлар йиғиндисидан ташкил топади. Меҳнат натижасида пайдо бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат ноз-неъматлар йиғиндиси миллий мулк деб аталади.

Маҳсулотларга солиқлар – резидентлар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган ёки импорт қилинган мол ва хизматларга мутаносиб равишда олинадиган солиқлар. Уларга масалан, қўшилган қиймат солиғи, акциз, божхона тўловлари ва ҳ.к.лар киради.

Номинал иш ҳақи – пул формадаги иш ҳақи, фақат пул ҳажмини ифодалайди, унинг сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олмайди.

Охирги истеъмол учун қилинган ҳаражатлар – уй хўжалиги аъзолари резидентларнинг истеъмол товарлари ва хизматлар сотиб олиш учун қилинган ҳаражатлари, шунингдек давлатни бошқариш органлари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ноижорат ташкилотларнинг яқка тартибли ва жамоа истеомоли учун қилган ҳаражатлари йиғиндиси. Ҳаражатларни бундай гуруҳлаш охирги истеъмолни ким томонидан молиялаштирилишини кўрсатади.

Оралик истеъмол – ишлаб чиқариш жараёнида бутунлай тўлиқ ишлатилган мол ва хизматлар қиймати.

Реал иш ҳақи – мавжуд истеъмол баҳоларига нисбатан тузатиш киритилган пул формадаги иш ҳақи. Унга қанча товар ва хизматларни сотиб олиш мумкинлигини кўрсатади.

Резидентлар – нисбатан узоқ вақт давомида ҳудудида иқтисодий қизиқиши бўлган институцион бирликлар (корхоналар, ташкилотлар, уй хўжаликлари ва ҳ.к.лар).

Рентабеллик – корхона фаолиятининг фойдалиқ даражаси. Унинг тўрт хил кўрсаткичи мавжуд: корхона активлари рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва сотилган маҳсулот рентабеллиги. Бу кўрсаткичларни балансидаги (соф) фойда кўрсаткичини корхона активларининг ўртача йиллик қиймати, муомалага чиқарилган акциялар миқдори, хусусий капитал миқдори ва сотилган маҳсулот таннархига нисбати билан аниқланади.

Сектор – институцион бирликлар йиғиндиси бўлиб, уларнинг мақсади, молиялаштириш манбалари ва функциялари бир хил бўлади, натижада уларнинг иқтисодий ҳулқи ҳам ўхшашиб кетади.

Солиқлар – булар мажбурий, қайтарилмайдиган тўловлар. Улар давлат органлари томонидан ишлаб чиқариш бирликларидан товар ва хизматларни

ишлаб чиқарганлари учун ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдалаганлари учун олинади.

Субсидиялар – жорий тўловсиз, қайтарилмайдиган тўловлар бўлиб, улар давлатни бошқариш органлари томонидан маълум иқтисодий-ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун қилинади: маҳсулотлар ва импортга субсидиялар, ишлаб чиқаришга субсидиялар ва ҳ.к.

Соф кредитлаш (қарз олиш) – номолиявий активларни сотиб олиш учун молиялаштириш маблағларининг, соф харажатларга нисбатан ортиқлиги (дефицитлиги). Унинг ҳажмини аниқлаш учун ялпи асраш билан ялпи жамғариш ва ерларни ва номатериал активларни соф сотиб олиш плюс «қолган дунё» капитал трансфертлари орасидаги фарққа тенг. Макродаражадаги соф кредитлаш ёки соф қарз олиш мамлакатнинг «бошқа дунё»га берган ёки «бошқа дунё»дан олган соф ресурслари ҳажмини кўрсатади.

Туғилиш ва вафот этишнинг умумий коэффиценти – жорий йилда тирик туғилганлар сони билан вафот этганлар сонини мавжуд бўлган ўртача йиллик аҳоли сонига бўлинади ва промилледа (1000 кишига нисбатан) ифодаланади.

Туғилиш коэффицентининг йиғиндиси - ҳар бир ёш гуруҳи бўйича ҳисобланган туғилиш коэффицентларининг йиғиндиси; бир аёл бутун умри мобайнида туккан болалар сонини ифодалайди.

Тармоқлараро баланс – МХТнинг муҳим бўлими бўлиб, унинг ёрдамида тармоқлараро алоқалар, оралиқ истеъмол, тармоқлар ишлаб чиқариши ва талаби орасидаги мураккаб боғланишлар тадқиқ қилинади.

Фишер индекси – Лайпейрес ва Паше индекслари асосида тортилган ўртача геометрик сифатида ҳисобланадиган индекс. У ЯИМ халқаро миқёсида солиштиришда кенг қўлланилади.

Тўхтовсиз инвентаризация усули – асосий фондларнинг тиклашдаги баҳосини аниқлаш учун (у ёки бу кунга нисбатан). Бунинг учун баҳо индекслари ёрдамида инвестицияларнинг тиклашдаги баҳоси аниқланади.

Уй хўжалиги – умумий яшаш шароитларини ва айрим товар ва хизматларни биргаликда истеъмол қилиш учун ўз даромадларини ва моддий бойликларини бирлаштирган шахслар гуруҳи.

Фойда ва аралаш даромадлар – ялпи кўшилган қийматнинг бир қисми бўлиб, у ишлаб чиқарувчилар ихтиёрида иш ҳақи, ишлаб чиқариш ва импорт солиғини тўлагандан сўнг қолади. Бу модда мулкдан олган даромадни ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқаришдан олинган фойда ёки зарар суммасини ифодалайди. Бу уй хўжаликларига қарашли нокорпаратив корхоналарда бу мулк эгаси ва тадбиркор даромадидан ажратиб бўлмайдиган меҳнат учун тўловлар элементини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун уни аралаш даромад ҳам дейилади.

Фойда – корхона ва тижорат ташкилотларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг охириги молиявий натижаси. Балансдаги фойда корхонанинг маҳсулот (хизмат) ларини, ортиқча асосий фондларнинг ва бошқа

мулкларни сотишдан олади. Сотишдан ташқари операциялардан олинган даромадлар (зарардан ташқари) Ҳам шу кўрсаткич таркибига кўшилади.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

5.

6. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси] // Ишонч. – 2017. – 17 январь.

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012 й.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон

9. “Давлат статистикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т., 2002 йил 12 декабр, №441-П.

10. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Тошкент 2013 й.

11. “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини ташкил этиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8 январ 2003 йил 8-сонли қарори.

II. Махсус адабиётлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Carlos Oliveira. “Options and Derivatives Programming in C++: Algorithms and Programming Techniques for the Financial Industry”. 2016. 260 pages

2. Carlos Oliveira. “Practical C++ Financial Programming”. 2015. 396 pages.

3. Nabixo'jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O'quv qo'llanma. – T.: “Иқтисодиёт”, 2010. 212 b.

4. N.M. Soatov, X. Nabiev, D.X. Nabiev, G.N. Tilla xo'jaeva. Statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2011. – 548 bet.

5. X. Nabiyev, A.H. Ayubjonov, S.N. Sayfullaev. Iqtisodiy statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2014. – 324 bet.

6. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект, 2010. – 448 стр.

7. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 368 с.

8. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 бет.

III. Интернет ресурслар

1. www.economy.gov.ru

2. www.uza.uz

3. www.uzland.uz

4. www.stability.uz

5. www.wikipedia.org/

6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;

7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);

8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)

9. www.gov.uz

10. www.mf.uz

11. www.lex.uz

12. www.norma.uz

13. www.soliq.uz